5500

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси
DJQA
ҚЎЛЛАНМА

Низомиддин Хайдаров

СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси

Низомиддин Ҳайдаров

Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари

(ўқув қўлланма)

«Akademiya»
Тошкент 2007

:: 3(2)26
: 154

Низомиддин Ҳайдаров. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. «Akademiya» нашриёти – Т., 2007, 256 б.

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида амал қилаётган бевосита, билвосита ва ресурс солиқларига оид маълумотларни қамраб олган. Шунингдек, қўлланмада миллий иқтисодиёти ва сиёсий қарашларининг айрим жиҳатлари бизга ўхшаш бўлган хорижий мамлакатлар солиқ тизими ҳақида ҳам таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Қўлланма солиқ тизимида ўз фаолиятини энди бошлаган амалиётчилар, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларнинг солиқ йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар ҳамда солиқ тизими ва солиқларни мустақил ўрганиш ниятида бўлган барча китобхонларга мўлжалланган.

Тақризчилар:
иқтисод фанлари доктори А.С. Жўраев
иқтисод фанлари доктори О.Қ.Абдураҳмонов

Таҳрир ҳайъати
Назаров Қ.Н., Иргашев Ф.Р., Холбеков А.,
Пахрутдинов Ш.И., Абулқосимов Ҳ.П.,
Аҳмедов О.М., Раҳимова Д.Н., Умаров Б.З.,
Умарова Н.Т., Ҳасанов Р.Р.

ISBN 978-9943-300-04-0 **© «Akademiya» нашриёти, Тошкент 2007 й.**

Кириш

Мамлакатимиз сиёсий мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб, Президент И.А.Каримов раҳнамолигида бозор иқтисодиётининг ажралмас таркибий қисми бўлган солиқлар ва солиқ функциясини бажарувчи мажбурий тўловларни ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига изчил жорий этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Пировардида, мустақиллик йилларида солиқлар Давлат бюджетининг даромад қисмини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш билан бирга, солиқ тўловчи субъектлардан солиқ юкини пасайтириш имкониятларига ҳам эга бўлмоқда. Аммо шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимиз миллий иқтисодиётини дунё андозаларига мос равишда ташкил этиш, солиқларни фискалликка нисбатан, рағбатлантириш функциясига устуворлик беришни тақозо этмоқда. Шу боис, Президент И.А.Каримов Олий Мажлисининг қўшма мажлисида шундай деган эди: «Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим» [1].

Мазкур даъватдан келиб чиққан ҳолда ва мамлакатимиз миллий иқтисодиётида жорий этилган асосий солиқлар ва солиққа тортиш тартибини баён этиш мақсадида, ушбу ўқув қўлланманинг дунёга келишига асос солинди.

Ўқув қўлланмада солиқлар ва солиқ функциясини бажарувчи мажбурий тўловларнинг пайдо бўлишига

---

[1] Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. // Халқ сўзи. 2001 йил 29 январь.

SAMARQAND IQTISOD VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT-RESURS MARKAZI
440643

таъсир этган асосий омиллар, ҳозирги кунда мамлакатимиз солиқ тизимида жорий этилаётган бевосита, билвосита ва ресурс солиқларга оид маълумотларни қамраб олишга ҳаракат қилинган.

Шунингдек, қўлланмада дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб келаётган, биринчи маротаба социализм тузумида бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларини жорий этиш ҳисобига йиллик ялпи ички маҳсулот ўсишини 7-9 фоизга етказган Хитой Халқ Республикаси (ХХР) солиқ тизими ҳақида ҳам таҳлилий маълумотлар берилган. Бундан асосий мақсад, миллий иқтисодиёти кескин ривожланиб бораётган ва энг асосийси мустақиллик борасида сиёсий дунёқарашимиз ҳам уйғунлашиб бораётган ХХР солиқ тизимини қиёсий ўрганишга шароит яратишдир. Бу, ўз навбатида, ўқувчида хорижий мамлакат солиқ тизимидаги ютуқларни миллий иқтисодиёт солиқ тизимига жорий этишга оид янги ғоялар уйғотиши билан бирга, унинг камчиликларини бартараф этишга ёрдам беради.

Ўқув қўлланманинг яна бир мухим жиҳатларидан бири шуки, унда муқаддас динимизда ҳозирги солиқларнинг турдоши бўлган закот ва унинг солиқлар билан ўхшаш ҳамда фарқли томонлари ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Қўлланмадаги солиқларга оид маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексида мужассамлашган солиқлар асосида ўрганилди ва таҳлил қилинди. Шунингдек, мазкур ўқув қўлланмасига солиқлар ва солиқ функциясини давлат бюджетига ўз вақтида ҳамда тўлиқлигича тушиб туришига жонбозлик кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг минтақалардаги бўлимлари фаолиятини

мувофиқлаштириб турувчи Низом матнини киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, "1997 йилда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Солиқ кодекси иқтисодий ислоҳотлар соҳасида бугунги куннинг янги ва устувор вазифалари талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Фақат сўнгги икки йил давомида Солиқ кодексида солиқ қонунчилигига юздан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани ҳам шундан далолат беради"[1], деган эди.

Ушбу ўринда солиқ қонунчилигидаги объектив ўзгаришлар мавжудлигини эътиборга олган ҳолда мазкур ўқув қўлланмаси солиққа тортиш жараёнида солиқ тўловчи ва солиқ хизмати органи ўртасида вужудга келаётган муаммоларни ҳуқуқий асослаб беришга тўлиқ хизмат қила олмаслигини алоҳида қайд этиш жоиздир.

Муаллиф ўқув қўлланмасининг шакл ва мазмунини янада такомиллаштириш юзасидан билдирилган барча фикр-мулоҳаза ва таклифлар учун олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

---

[1] Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. // «Халқ сўзи». 2005 йил 29 январь.

I боб. Солиқларнинг моҳияти, туркумланиши ва таркибий элементлари

1.1. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти

Таомилга кўра, ҳар қандай воқеа ёки ҳодиса қайси даврда содир бўлишидан қатъий назар, у маълум бир зарурият туфайли юзага келади. Биргина амалий мисол келтирадиган бўлсак, хорижий мамлакатларда мамлакат элчихоналарининг очилишига таъсир этган омил - республикамизнинг сиёсий мустақиллигини қўлга киритгани десак хато қилмаймиз. Ёки бир неча мулк шакллари тенг равишда иқтисодий, ижтимоий фаолият юритишига таъсир этган омил бу - режали иқтисодиётни рад этиб, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш бўлди.

Солиқлар қачон пайдо бўлган ва унинг вужудга келишига нималар таъсир этган мазмунидаги саволга жавоб топмоқчи бўлсак, тарих манбаларига мурожаат қилишга тўғри келади. Солиққа оид манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида солиқлар ва уларнинг вазифаларини бажарувчи айрим мажбурий йиғим ҳамда тўловлар яқин ўн йиллар эмас, балки бир неча минг йиллар мукаддам пайдо бўлгани, улар замон билан ҳамоҳанг такомиллашиб келганлиги маълум бўлади, солиқларнинг пайдо бўлишига бир нечта омиллар таъсир этган. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- жамиятнинг марказий бўғини ҳисобланган давлатнинг пайдо бўлиши;
- кишилар ўртасида ўзаро инсонпарварлик фазилатларининг шаклланиши;
- аҳолининг дафъатан табиий офат ва бахтсиз ҳодисаларга дуч келиши;
- аҳолининг тараққиёт учун биргаликда ҳаракат қилиши ва бошқалар.

Энди солиқларнинг пайдо бўлишига таъсир этган юқоридаги омилларга қисқача изоҳлар берамиз:

1. Давлатнинг пайдо бўлиши солиқларнинг пайдо бўлишига қандай таъсир этди - деган саволга қуйидаги мазмунда жавоб бериш мақсадга мувофиқдир. Ер куррасидаги инсоният ақлини танибдики оила-оила ёхуд қабила-қабила бўлиб истиқомат қилиб, ўз меҳнати орқали тирикчилик қилган. Йиллар давомида об-ҳаво яхши келиб аҳолининг яшаш ва тирикчилик қилиши шунга мос равишда монандлашиб борган. Бироқ, шундай даврлар ҳам бўлганки, табиий шароит айрим ҳудудларда ўта ёмон бўлиб, аҳолининг яшаш тарзига салбий таъсир кўрсатган Ана шундай шароитда аҳолининг яшаш инстинкти юқори келиб, қўшни ҳудуддаги оила ва қабилаларга ҳужум уюштириб улардаги мавжуд яшаш предметларига эгалик қилишга ҳаракат қилишган. Баъзида шу ҳолатнинг акси бўлган. Яъни, муқаддам таланган, хўрланган оила ёки қабилада табиий шароит яхши бўлмай, талаган қабилада яхши бўлган. Шунга ўхшаш ҳодисалар бир неча бор такрорланганидан сўнг энди муқим фаолият юритадиган бир бошқарувчи ва унга кўмак берувчи қуролланган кишилар бўлишига объектив талаб шаклланган. Улар жисмоний меҳнат қилишдан озод этилиб, фақат оила ё қабилани бошқариш ва қўриқлаш билан мунтазам банд бўлишган. Уларнинг ўзлари ва меҳнат фаолияти олиб бора олмаган оила аъзоларининг озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаши қабиладаги қолган аъзоларнинг меҳнат натижасининг бир қисми ҳисобига амалга оширилган.

Хулоса қилиб айтганда, қабила ичида муқим бошқарувчи ва унга хизмат қилувчи қуролли шахсларнинг шаклланиши давлатчиликнинг оддий бир шаклидан далолат берса, қабила аъзолари меҳнат маҳсулининг

муайян қисмини уларнинг яшаши ва фаолият юритиши учун бериши эса, ўз навбатида, солиқларнинг содда бир турларини вужудга келишини намоён қилган. Давр ўтиши билан давлат ўз олдига жамиятни бошқариш ва тартибга солиб туриш учун бешта функцияни бажаришни мақсад қилиб қўйган бўлиб, уларнинг ҳозирги кўринишлари қуйидагилардан иборат:

- сиёсий функция;
- ижтимоий-социал функция;
- иқтисодий тараққиёт функцияси;
- миллий хавфсизлик функцияси;
- экологик муаммоларни бартараф этиш ёки кўламини қисқартириш фукциялари.

Ушбу функцияларни ўз вақтида бажариш учун давлат ихтиёрида муайян молиявий ресурслар бўлиши тақозо этилган. Ҳозирги кунда мазкур молиявий ресурсларнинг қарийб 90-92 фоизи солиқлар ва солиқ функциясини бажарувчи мажбурий тўловлар ҳисобига ташкил этилмоқда.

2. Кишилар ўртасида ўзаро инсонпарварликнинг шаклланиши. Инсонпарварликнинг ёрқин намунаси сифатида, бирор-бир шахс оғир хасталикка чалиниб, меҳнат қабилиятини йўқотганда, унга дастлаб яқин қариндош уруғлари ёки атрофдагилар кўмаклашишган. Маълумки, даволаниш жараёни узоқ муддатли бўлгани учун муайян бир захира ташкил этиш тақозо этилган. Захирани бир вақтнинг ўзида йиғиб олиш мумкин ёки ишлаб топилган меҳнат маҳсулининг бир қисмини натура ёхуд қиймат шаклида олдиндан бир меъёр асосида жамғариб қўйиш ҳам мумкин. Ана шу олдиндан бир меъёр усулида йиғилган меҳнат маҳсулотининг натура кўриниши дастлабки солиқларнинг пайдо бўлишига асосий туртки бўлган.

3. Аҳолининг дафъатан табиий офат ва бахтсиз ҳодисаларга дуч келиш ҳоллари. Ушбу ҳолат ҳам қатор йиллар мобайнида ечилмай келган асосий муаммолардан бири ҳисобланган. Чунки табиий офат келишини олдиндан сеза олмаган онгли аҳоли у содир бўлганда жуда кўп ижтимоий-иқтисодий зарар кўрган. Пировардида, қатор йиллар мобайнида ўз иқтисодий аҳволини тиклай олмай аксарият аҳоли азият чекиб, оламдан ўтиб кетган. Кейинчалик табиий офат ва бахтсиз ҳодисалар объектив реаллик эканлигини ҳис этган аҳоли қатлами олдиндан меҳнат маҳсулининг маълум бир қисмини муайян бир жамғармага шакллантирган. Аҳолининг табиий офат ва бахтсиз ҳодиса рўй берган чоғда ана шу захира жамғармасидан фойдаланиб фаолиятини қисқа муддатларда яна қайта тиклаш имконияти жадаллашган. Бизнинг фикримизча, юқорида қайд этилган захира жамғармасини шакллантириш учун белгиланган улуш солиқлар пайдо бўлишининг дастлабки аломатлари бўлган.

Аммо бугунги кунда мазкур ҳолатни олдини олишнинг янги шакли пайдо бўлиб, у суғурта операциялари орқали шаклланади. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, суғурта тармоқлари ҳам молия тизимининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

4. Аҳолининг тараққиёт учун биргаликда ҳаракат қилиши. Инсонлар ўртасида меҳнат фаолияти ривожланиши натижасида секин-асталик билан уларнинг онгли фаолияти такомиллашиб борган. Пировардида, тараққиётга эришишнинг самарали йўллари қидириб топилган, илм-фан куртак отиб, табиат инъом этган нарсалардан оқилона фойдаланиш, маданий маърифий тадбирларни ташкил этиш, бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга ўтиш, каналлар қазиш, кўприклар қуриш ва шу каби қатор ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амал-

га ошириш режалаштирила бошланган. Аммо бевосита жисмоний меҳнат ва тирикчилик қилиш билан бир вақтда, юқорида зикр этилган тадбирларни амалга ошириш мумкин эмас эди. Бу тадбирларни алоҳида бир меҳнаткашлар қатлами амалга ошириши эҳтиёжи туғилган. Шунда меҳнат қилувчилар ўртасида алоҳида–алоҳида қатламларга бўлиниш зарурати пайдо бўлган. Акс ҳолда тараққиёт даври бошланиши қийин кечар эди. Шунда аста-секинлик билан муайян бир аҳоли қатлами ерларни ўзлаштириш, айримлари эса кўприклар қуриш, яна бирлари маданий иншоотлар қуриш билан банд бўлганлар. Аммо ҳозирги кун амалиёти билан таҳлил қилганимизда ҳам кўприк қуриш, маданий иншоот ва янги ерларни ўзлаштириш ноишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлиб, муайян давр мобайнида даромад олмасдан, яъни қиймат яратмасдан фақат харажат қилишни тақозо этади. Шундай бир шароитда, ноишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган ишчилар ва уларнинг оиласини молиявий ёки натура маблағлар билан таъминлаш зарурати вужудга келиб, тараққиёт тадбирларини амалга ошириш қийин кечиши табиий бўлган. Ана шундай бир шароитда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳоли қатлами меҳнат маҳсулининг бир қисмини махсус шахслар алоҳида жамғарма сифатида бир жойда йиғиб, сўнгра ноишлаб чиқариш соҳасида банд бўлиб турган ишчилар ва уларнинг оила аъзоларига меҳнат ҳақи ва нафақалар кўринишида бериб турган. Махсус шахсларнинг ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳоли қатламининг меҳнат натижаларидан бир қисмининг бир жойга йиғилиши солиқлар ва солиқ вазифасини бажараётган мажбурий тўловларни пайдо бўлишига сабаб бўлган дастлабки ҳаракатлар йиғиндисидир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар ҳозирги кунда мавжуд бўлган

солиқлар ва солиқ вазифасини бажарувчи мажбурий йиғим ва тўловларнинг пайдо бўлишига таъсир этган дастлабки, энг оддий ва содда аломатлар ҳисобланади. Ана шундай аломатлар таъсир этмаганда солиқлар пайдо бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Секин-аста давлат мавқеининг кучайиб бориши, инсонпарварлик хусусиятлари нафақат бир оила, қабила миқёсида таркиб топди, балки бутун ер куррасида ўз ўрнига эга бўлди. Кейинги пайтларда табиий офат ва бахтсиз ҳодисалар инсон ҳаётининг ажралмас бир бўлаги бўлиб қолганлигини тўлиқ эътироф этган аҳоли унга нисбатан яна бир алоҳида жамғармани ташкил этишни ўйлаб топди. У суғурта жараёни бўлиб, мазкур тармоқ ҳозирги кунда бутун дунёда алоҳида бир ўринга эга бўлмоқда. Тараққиётга бўлган эҳтиёж кейинги пайтларда давлатлар ўртасидаги иқтисодий мусобақа шаклини олиб, ҳар бир алоҳида давлатнинг асосий мақсади дунёда ижтимоий-иқтисодий лидерлик орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилаётган бир шароитда суғурта тармоғининг кўлами кенгайиб бормоқда.

Юқорида тилга олинган маълумотлар солиқлар инсоният турмуш тарзининг ажралмас бир бўлаги эканлигини эътироф этмоқда. Бугунги кунга келиб, дастлабки солиқларнинг фақатгина айрим аломатлари сақланиб қолиб, қолганлари давр тараққиёти билан бир қаторда, такомиллашиб борди ва бу жараён ҳамон давом этмоқда. Шунинг учун солиқлар иқтисодий назариячилар томонидан иқтисодий категория, деб тан олинди ва унга нисбатан қатор таърифлар берилди.

Иқтисодий категорияга берилган таъриф нимани англатиши зарур? Одатда, таъриф муайн бир категориянинг ички ва ташқи моҳиятини очиб берувчи асо-

сий маҳизи ҳисобланади. Таъриф оддий, содда ва шу билан бир қаторда таъсирчан бўлиши лозим. Акс ҳолда таъриф- таърифлигича қолиб, уни ўқувчилар ҳазм қилиши қийин кечади. Шу боис, олимлар, махсус мутахассислар солиқларга давр талабларига мос келадиган мазмунда таъриф бериб келишмоқда. Бироқ, берилган таърифлар мазмунан бир-бирига яқин бўлсада, аммо шаклан бир-биридан фарқ қилиб ҳам туради. Биз берилган таърифларни қиёсий ўрганиб, уларнинг ижобий томонларини эътироф этиб, салбий томонларига қўшилмаган ҳолда шундай бир кенг қиррали таърифни таклиф этмоқчимиз.

Солиқлар – бу қонун орқали жорий этиладиган ҳамда бекор қилинадиган иқтисодий категория бўлиб, мулк шаклидан қатъий назар тадбиркорлик (тижорат) асосида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари ва меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламининг ўз даромади ҳамда ихтиёридаги мол-мулк қийматининг муайян қисмини олдиндан ўрнатилган ставка ва муддатларда давлат бюджетига тўловидир.

Юқорида келтирилган таърифга қисқача изоҳ ва шарҳ:

- солиқларнинг қонун орқали жорий этилиши ва бекор қилиниши ҳозирги кунда уларни тўлаш мажбурийлигидан далолат беради. Зотан кенг аҳоли қатлами солиқларни жорий этиш ва бекор қилишда бевосита иштирок этмаса-да, улар Олий Мажлисга сайлаган депутатлари орқали билвосита иштирок этади;

- мулк шаклидан қатъи назар, тижорат ва тадбиркорлик асосида фаолият юритаётган юридик шахслар деганда шуни алоҳида тушуниш зарурки, миллий иқтисодиётда фаолият юритаётган давлат мулки, хусусий мулк, аралаш мулк ва бошқа мулк шакллари солиқ тўлашда бир хил тенгликка эга. Уларнинг алоҳида мулк

шакли бирор-бир молиявий имтиёз ёхуд солиқ тўлашдан озод этмайди;

- меҳнатга лаёқатли аҳоли қатлами деганда бизнинг мамлакатда 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 54 ёшгача бўлган аёллар тушунилади. Ушбу ёшлардан ошгандан кейин аҳоли ўз хоҳишига мувофиқ, меҳнат таътилига чиқиб пенсия таъминотидан маблағ олиши мумкин. Мавжуд тартибга биноан пенсия таъминотидан олинадиган маблағлар солиққа тортилмайди;

- ўз даромади ҳамда мол-мулк қийматининг муайян қисми, тижорат ва тадбиркорлик асосида фаолият юритаётган юридик шахсларнинг бош мақсади иқтисодий самарадир. Улар иқтисодий самарани тушум, даромад ёхуд фойда шаклида олиши мумкин. Ушбу кўрсаткичларнинг маълум қисми белгиланган ставкаларда солиққа тортилиши даркор. Шунингдек, улар мол-мулкка ҳам эгадирлар. Мол-мулклардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида уларга нисбатан солиқ асосий ишлаб чиқариш воситаларининг қолдиқ қийматига нисбатан фоиз кўринишида жорий этилади. Худди шундай мазмундаги солиқлар меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳам иш ҳақи, моддий ёрдам, мукофот ва бошқа тадбиркорлик фаолиятидан олаётган даромадларига нисбатан бўлиши мумкин. Шу жумладан, аҳоли ихтиёридаги уй-жой, дала ҳовли ва гаражлардан самарали ҳамда оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида кичик миқдорда солиқ жорий этилади;

- ҳар қандай солиқни жорий этишдан олдин унинг ставкалари муддати аниқ бўлиши керак. Яъни фоизда, абсолют суммада ёки натура кўринишида. Шунингдек, жорий этиш муддати олдиндан солиқ тўловчига аниқ маълум бўлиши лозим. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси Олий Мажлис томонидан 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган бўлса-да, у 1998 йил 1 январдан кучга кирган.

Одатда, кучга кириш муддати уч ой ва ундан ортиқ бўлса, солиқ тўловчида унга мослаша олиш имконияти пайдо бўлади.

Юқорида баён этилган хусусиятлар солиқ ва унинг вазифаларини бажарувчи мажбурий тўлов, йиғимларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг миллий иқтисодиётдаги, шунингдек, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти ҳақида маълумот олишга хизмат қилади.

1.2. Умумдавлат солиқлари. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар

Ҳозирги кунда ер куррасидаги алоҳида давлатлар сони икки юздан ортиқни ташкил этади. Шулардан 70 тага яқини федератив асосдаги Конституциявий сиёсий тузумга эга бўлган давлатлар бўлса, қолганлари, асосан унитар давлатлар таркибига киради. Одатда унитар давлатларда икки поғонали молия тизими мавжуд бўлиб, шунга мос равишда икки поғонали солиқ тизими шаклланади. Федератив давлатларда эса уч поғонали молия тизими мавжуд бўлиб, унга мос равишда уч поғонали солиқ тизими таркиб топади.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликни қўлга киритганидан кейин қабул қилинган Конституцияга мувофиқ, мураккаб унитар давлатлар таркибига киради. Мураккаб унитар давлат дейилишига асос, Ўзбекистон Республикаси таркибида алоҳида мақомга эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида 2000 йилда қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, Давлат бюджети:

- республика бюджетини;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

- давлат бюджети таркибида давлат мақсадли фондлари жамланади.

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда республикага (Қорақалпоғистон) бўйсунувчи туман ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

- вилоятнинг бюджети унинг бюджетини, вилоятга бўйсунувчи туман ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

- туманларга бўлинадиган шаҳарнинг бюджети шаҳар бюджети ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади.

- туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетини ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетини ўз ичига олади[1].

Юқорида қайд этилган давлат бюджети еттита тузилмадан таркиб топган. Аммо амалиётда улар уйғунлаштирилиб, шартли равишда 2 та поғонага туширилади. Хусусан, қонунда келтирилган 1 ва 3-пунктда, **Республика бюджети,** қолганлари эса **маҳаллий бюджетлардан иборатдир**.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ер юзидаги барча унитар давлатларда бюджет тузилмаси шу каби бир неча пунктдан таркиб топса-да, лекин шартли равишда улар мана шундай икки поғонали бюджет тизимига айлантирилади. Бунга асосий сабаб солиқлар ва солиқ вазифасини бажарувчи мажбурий тўловларни жорий этишни қулайлаштириш ва соддалаштиришдир.

Бизнинг Республикадаги бюджет тизимига монанд ҳолда, солиқ тизими ҳам икки поғонадан таркиб топиб, улар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 6-7-моддаларига биноан Умумдавлат солиқлар, маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлардан таркиб топган.

[1] «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун, 3-бўлим 9-модда. 2000 йил 14 декабрь.

2007 молия йилининг бошланишига кўра умумдавлат солиқлари таркибини қуйидаги солиқлар ташкил этади:

1. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи.

2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

3. Қўшилган қиймат солиғи.

4. Акциз солиғи.

5. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ.

6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Ушбу умумдавлат солиқлари республика бюджет даромадини шакллантиришда хизмат қилиб, улардан шаклланган солиқ суммаси, асосан, умумжамият аҳамиятига молик бўлган чора-тадбирларни молиялаштиришга сарфланади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар таркибига қуйидагилар киради:

1. Мол-мулк солиғи*.

2. Ер солиғи*.

3. Инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

4. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

5. Савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари.

6. Юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боб, 100- модда, 3-бандида: «Маҳаллий ҳокимият орган-

* Изоҳ: Ушбу солиқлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан жорий этилади ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бирор-бир ўзгаришсиз ундирилади.

лари, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш», деб акс эттирилган.

Бундан шу нарсани аниқлаш мумкинки, маҳаллий ҳокимият (фақат, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси) органлари бюджет даромадига қўшимча даромад манбаи келтириш учун маҳаллий аҳамият касб этувчи янги солиқлар ва йиғимларни жорий этиши мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкасини пасайтириши, вақтинчалак солиқ каникули бериш ҳуқуқига эгадирлар. Бироқ шуни унутмаслик зарурки, маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий солиқлар ва йиғимларни Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда жорий этиши талаб қилинади ва улар маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берган солиқ ставкасидан юқори бўлган ставкани белгилаш ҳуқуқига эга эмаслар.

Барча маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан шаклланадиган солиқ суммалари маҳаллий бюджетга тушиб, маҳаллий аҳамият касб этувчи чора-тадбирларни молиялаштириш учун сарфланади (1-иловага қаранг).

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ҳар бюджет йилининг бошланишида, умумдавлат солиқларидан айримлари тўлиқ ёки қисман белгиланган тартибдаги меъёрлар асосида тегишли маҳаллий бюджетлар ўртасида қайта тақсимланади(2-иловага қаранг).

Юқорида қайд этилганидек, дунёда унитар давлатлар билан биргаликда, етмишдан ортиқ федератив давлатлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг таркибига Россия

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Германия Федератив Республикаси, Бразилия ва бошқа давлатлар киради. Ушбу давлатлардаги бюджетнинг умумий тузилишидан қатъи назар, бюджет тизими шартли равишда уч поғонали бўлиб, шунга мос равишда солиқ тизими ҳам уч поғонадан иборат бўлади. Масалан, Америка Қўшма Штатларида муниципал солиқлар, штат солиқлари ва федератив солиқлар мавжуд бўлса, Россия Федерациясида маҳаллий солиқлар, Федерация таркибидаги республика солиқлари ҳамда Федерация солиқлари мавжуд.

XX аср охири ва XXI асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб ер шарида янги сиёсий тузумлар қарор топа бошлади. Уларни Конфедератив давлатлар дейишга асос бор. Бундай давлатлар таркибига бир вақтнинг ўзида конфедерацияга аъзо бўлган унитар давлатлар ва федератив давлатлар йиғиндисидан шаклланган давлатлар уюшмасини киритиш мумкин. Жумладан, Европа ҳамжамияти, МДҲ давлатлари.

Ушбу тузумдаги давлатларда алоҳида бюджет тизими шаклланиш арафасида турибди. Шу боис, умумконфедератив аҳамиятга хос чора-тадбирларни молиявий таъминлаш учун зарур бўлган маблағлар умумий солиқ ва солиқсиз тушумлардан шаклланган бюджет даромади ёки мамлакатда яратилган ЯИМнинг муайян қисми ажратма сифатида олинмоқда. Чунки, ҳамон махсус ҳолатда алоҳида мақомга эга бўлган конфедератив солиқлар расмий равишда жорий этилгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини танлаган дастлабки кунлардан бошлаб, солиқ тизимини миллий хусусиятимиз ва иқтисодиётимизга мос равишда ташкил этиш борасида кўп тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг пировард натижасида ўзига хос

солиқ тизимини шакллантиришга асос солинди. Ривожланган хорижий мамлакатлар, шунингдек, МДҲ давлатларидан фарқли ўлароқ, бизда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳамда умумдавлат солиқлари билан бирга, солиқ тўловчининг жамиятда тутган ўрнини эътиборга олиб, қатор иқтисодий фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахслар учун махсус соддалаштирилган солиқлар жорий этилган. Улар амалдаги Солиқ кодексининг 8-моддасида ўз аксини топган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

1. Микрофирма ва кичик корхоналар учун соддалаштирилган ягона тўлов.

2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг *ялпи даромадидан* олинадиган солиқ.

3. Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғи.

4. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар учун белгиланган қатъий солиқ[1].

Мамлакат иқтисодиётида қатор хўжалик субъектлари фаолият юритмоқда. Жумладан, микрофирма ва кичик корхоналарнинг фаолияти ялпи ички маҳсулотнинг қийматини оширишда муҳим салмоққа эга бўлмоқда. Ривожланган хорижий мамлакатлар иқтисодий тажрибасидан маълумки, кичик корхоналар ва микрофирмалар салмоғи мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 65-70 фоизини ташкил қилмоқда.

2004 молия йилига келиб бизнинг миллий иқтисодиётда яратилаётган ялпи ички маҳсулотда кичик ва микрофирмалар улуши 32-35 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич иқтисодиётни тўлиқ қондира олмайди, албатта. Шу боис, уларнинг иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида соддалаштирилган ягона солиқ

[1] 2006 молия йилида кўрсатилган маълумотларга асосан.

жорий этилди. Пировардида, 1998 йилда кичик корхо на ва микрофирмалар улуши ЯИМда 10-15 фоизни таш кил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб унинг салмоғ 2,5-3 баробар ошиб кетди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида савдо ва уму мий овқатланиш корхоналари ўзига хос хусусиятга эг бўлади. Ушбу корхоналарда нақд товар-пул айланмаси энг кўп бўлади. Шу боис, уларнинг молиявий кўрсат кичларини тўлақонли қамраб олиб, ўзига хос ранг-ба ранг иқтисодий фаолиятини ҳар бирини одилона со ликка тортиш имконияти мураккаблашади. Шуни эъти борга олиб, солиқ тўловчилар томонидан бир вақтнин ўзида бир неча солиқлар тўламасдан фақат ялпи даро мад солиғини тўлаш кўзда тутилди. Бунинг натижаси да давлат бюджети даромади билан бирга, солиқ тўловч субъектлар ҳам қулай имкониятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётид қишлоқ хўжалиги тармоғи етакчи ўринни эгаллайди Ҳозирги кунда қишлоқ жойларда умумий аҳолининг 6 фоизи истиқомат қилмоқда. Мамлакатда яратиладига ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизи шу ерда шакллан моқда. Эркин алмаштириладиган валюта тушуминин 40-45 фоизини таъминлаш билан бирга, меҳнатга лаё қатли аҳолининг 45-50 фоизи қишлоқ хўжалиги тармо ғида банд бўлмоқда. Қишлоқ хўжалигининг ана шун дай хусусиятларини эътиборга олиб, мамлакатимизд қишлоқ хўжалиги субъектлари 1999 йилдан буён бел гиланган барча солиқларни тўлашдан озод қилиниб биргина «Ягона ер» солигини тўлайдилар.

Тармоқлар иқтисодиётида шундай бир хўжали субъектлари ҳам мавжудки, уларнинг фаолияти узо муддатли бўлмасдан, айрим ҳолларда мавсумий ха рактерга эга. Улар учун солиқ кодексида белгиланга

олиқларни жорий этиш ёки соддалаштирилган солиқ-
арни ўрнатиш юқори самара бермайди. Шу боис, уларга
лоҳида кўринишдаги қатъий белгиланган солиқ жо-
ий этилган. Қатъий белгиланган солиқ тўловчилар
аглами унчалик кўп бўлмай, улар уч гуруҳга бўлина-
и ва таркиби қуйидагилардан иборат:

√ автомобилларнинг қисқа муддатли автотурар жой-
ари;

√ болалар автомат ўйинлари;

√ бильярдхоналар, автомат ўйинлари, шунингдек,
тукли автомат ўйинлари.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, соддалаштирил-
и қатъий солиқларни тўлаётган хўжалик субъектла-
и давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўлаши лозим бўлган йиғим ва тўлов-
арни тўлашдан озод этилмайди.

Юқорида зикр этилган умумдавлат ва маҳаллий
олиқлар ҳозирги кунда давлат бюджети даромади-
инг аксарият қисмини молиявий маблағлар билан таъ-
инлаб келмоқда.

3. Бевосита ва билвосита солиқларнинг таркиби

Дунёдаги барча мамлакатларда жорий этилган со-
иқлар ижтимоий ва иқтисодий хусусиятига кўра шарт-
и ҳолатда уч гуруҳга бўлинади: бевосита (тўғри) ,
илвосита (эгри) солиқлар ва ресурс солиқлари.

**Бевосита солиқлар солиқ тўловчининг даромад-
аридан, билвосита солиқлар эса унинг ихтиёрида
олган даромадларининг истеъмолга йўналтирилган
исмидан ундирилади.**

Зотан уч гуруҳга кирувчи солиқларнинг барчаси
ажбурийлик характерида бўлса-да, лекин солиқ

тўловчилар иқтисодий ҳаётида бир қатор фарқлари мавжуд. Масалан, бевосита солиқлар солиқ тўловчининг даромади ва мол-мулкининг қийматига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Яъни солиқ тўловчининг даромади ошган сайин, солиқ ставкаси ошмаса-да, лекин солиқ суммаси шунга мос равишда ошиб боради. Яна бир мисол, мол-мулкнинг қолдиқ қиймати пасайган сайин, солиқ ставкаси ўзгармаган ҳолда солиқ суммаси пасайиб боради.

Бевосита солиқларнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, солиқ тўловчи олаётган даромадидан солиқ суммаси қанча ва уни қачон тўлашини олдиндан режалаштира олиши мумкин. Солиқ тўлангандан кейин корхона ёки жисмоний шахс қандай иқтисодий ва хўжалик сиёсатини олиб бориши янада ойдинлашади.

Солиқ тизимининг эволюцион тарихий ривожланишига назар соладиган бўлсак, бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг марказлашган фондлари ичида бевосита солиқларнинг салмоғи юқори бўлиб, айримларида у ҳаттоки, 65-70 фоиз даромадни шакллантириб беради. Қолган қисми эса билвосита, ресурс солиқлар ҳисобидан таркиб топади.

Бизнинг миллий иқтисодиётда ҳам бевосита солиқлар таркиби ранг-баранг бўлиб, уларнинг таркиби қуйидагилардан иборат:

- юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- микрофирма ва кичик корхоналардан ундириладиган соддалаштирилган ягона тўловлар.

Мамлакат миллий иқтисодиётини макроиқтисодий ривожланишида билвосита солиқлар муҳим аҳамият касб этади.

Билвосита солиқлар қадимдан мавжуд бўлиб, давлатнинг шаклланиши билан бирга пайдо бўлган десак, муболаға бўлмайди. Чунки, илмий асосланган солиқ тизимини жорий эттунга қадар давлат харажатларини тез ва осон йиғиладиган молиявий ресурслар билан таъминлаш зарурати бўлган. Шу боис, дастлаб бож тўловлари, сўнгра акцизлар, сотувдан олинадиган солиқлар ва кейинчалик юқори ривожланиш тенденциясига эга бўлган қўшилган қиймат солиқлари пайдо бўлиб, улар жаҳон иқтисодиёти ривожи ва интеграциялашувида муҳим иқтисодий аҳамият касб этмоқда.

Эгри солиқларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар маҳсулот таннархининг ошишга бевосита таъсир кўрсатмаса-да, лекин истеъмол товарлари нархининг ошишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Эгри солиқларни тўлаётганда истеъмолчи солиқ тўловчи давлатга қанча солиқ суммасини тўлаётганини режалаштира олмайди. Эгри солиқларни билвосита тўловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳисобга олинмайди ва уни тўлашда барча баробар ҳисобланади. Чунки таркибида эгри солиқ мавжуд бўлган товарининг ички ва ташқи таркибида эгри солиқ суммаси қанча миқдорда мавжудлигини истеъмолчи ёки харидор аниқлаши мураккаб.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида тўртта билвосита солиқ амал қилмоқда. Жумладан:

- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- давлат пошлинаси ва божхона божлари;
- жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газдан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ.

Бевосита солиқларга нисбатан билвосита солиқларнинг салмоғи ривожланаётган мамлакатларда нисбатан

юқорироқ бўлади. Бозор иқтисодиёти ривожланаётган давлатларда солиқ юкининг асосий улуши қиймат яратувчилардан қийматни истеъмол қилувчиларга ўтказилади. Сабаби, қиймат яратувчилар иқтисодий жиҳатдан қанчалик барқарор бўлса, улар яратган маҳсулотларни харид қилувчи истеъмолчилар миқдори шунга мос равишда кўпайиб боради. Бу, ўз навбатида, истиқболда солиқ юкини истеъмолчилардан тижорат асосида фаолият юритувчи ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар ва иш бажарувчиларга ўтказиш ўринли бўлишини таъминлайди.

Мамлакатимиз солиқ тизмида бир қатор ресурс солиқлари ҳам мавжуд бўлиб, улар маҳаллий ва республика бюджетини даромад манбаи бўлиши билан бирга, солиқ тўловчиларни тартибга солиш ва рағбатлантириб туришда ҳам муҳим ўрин тутади. Зеро, давлат бюджети таркибида ресурс солиқларининг салмоғи юқори бўлмаса-да, солиқ тўловчиларни рағбатлантиришда улар муҳим иқтисодий аҳамият касб этади. Кейинги пайтда давлат бюджетида ресурс солиқларининг улушини оширишга қаратилган сиёсат олиб борилиши режалаштирилмоқда. Жумладан, Олий Мажлиснинг қўшма мажлисида Президентимиз ресурс солиқларига алоҳида урғу бериб: «Асосий юк табиий, минерал хом ашё, ер-сув ва бошқа захиралардан тежамкорлик билан ва оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи ресурс солиқларига тушиши лозим»[1], -деб таъкидлаган.

Ҳозирги кунда республикамиз солиқ тизимида қатор ресурс солиқлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

---

[1]Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. // «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь

- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- экология солиғи (2006 молий йилидан бошлаб бекор қилинди).

Ресурс солиқлари таркибига кирувчи солиққа тортиш объектларини ўрганадиган бўлсак, уларнинг таркиби бир нечтани ташкил этади. Масалан, биргина ер ости бойликларидан фойдаланадиган солиқ объектининг 40 дан ортиқ тури мавжуд. Республика солиқ тизимидаги бошқа солиқларга нисбатан ресурс солиқлари ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Жумладан, ресурс солиқлари корхонанинг молиявий натижаси билан бевосита боғлиқ бўлмайди. Корхоналар молиявий натижаси салбий ёки ижобий бўлишидан қатъий назар белгиланган ресурс солиқларини тўлашлари шарт. Бу тартибнинг иқтисодий аҳамияти шундаки, корхона имкон қадар молиявий натижасини ижобий қилишга ҳаракат қилади. Агар, ҳисобот салбий кўрсаткич билан бир неча бор якунланса, корхонанинг касодга учраши тезлашади. Шу боис, ресурс солиқлари хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий жиҳатдан назорат қилувчи ва тартибга солувчи молиявий восита бўлиб ҳам хизмат қилади.

1.4. Умумий ва мақсадли солиқлар

Бизнинг республикада ҳар бир солиқ ва солиқ функциясини бажарувчи мажбурий тўлов, йиғимларни жорий этишдан муайян мақсад кўзланади. Жумладан, бюджет даромадини шакллантириш, бирор-бир соҳани тартибга солиш, табиий ресурслардан нооқилона, самарасиз фойдаланишни чеклаш, ички бозорни ҳимоя этиш ва ҳ.к.

Бироқ, миллий иқтисодиётда солиқлар бир маконга бориб тушиши жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Масалан, аксарият солиқлар давлат бюджети даромадида шаклланиб, сўнгра тармоқлар иқтисодиётининг зарурий соҳаларига қайта тақсимланади. Хусусан, социал-маданий тадбирлар ҳисобидан маориф, соғлиқни сақлаш ва спорт, фан, маданият соҳасини, марказлашган инвестицияларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга кўмаклашиш, тоғ-кон саноатини ривожлантириш мақсади кўзланади. Миллий хавфсизлик бўйича қилинаётган харажатлар ҳисобидан Мудофаа, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги каби соҳалар молиявий маблағ билан таъминланади. Юқоридагиларни инобатга олиб айтиш мумкинки, солиқлар дастлаб умумий қозонга бориб, сўнгра қайта тақсимланади. Шунга мувофиқ, аксарият солиқларни умумий солиқлар дейишга асос бўлади.

Миллий иқтисодиётда шундай бир солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳам борки, улар том маънода мақсадли хусусиятга эга бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилаётган ажратмалар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фондига юридик шахслар томонидан тўланаётган ажратмалар, Бандликни қўллаб-қувватлаш Давлат фонди, Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари федерациялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар бевосита мақсадли характерга эга бўлиб, мазкур ажратмалардан шаклланган молиявий ресурслар номи зикр этилган идоралар молиявий мажбуриятларини бажаришга сарфланади. Яъни, ушбу ажратмалардан вужудга кел-

ник молиявий маблағлар бошқа соҳа ва тармоқларга қайта тақсимланиш хусусиятига эга эмас.

Умуман олганда, амалиёт нуқтаи назаридан солиқларни шартли равишда мақсадли ва умумий турга бўлишнинг принципиал аҳамиятга эга бўлмаса-да, ундан умумдавлат молиясининг шаклланиши ва сарфланишида кенг фойдаланиш зарур. Хусусан, давлат бюджетида, мажбурий тўловларнинг улуши йиллар давомида содир бўлган ўзгаришлар, шунингдек, бюджетдан ташқари мақсадли фондларда мажбурий ажратмалар салмоғи ҳақида тақлилий маълумотлар олиб, мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулотда солиқларнинг улуши қанча-ю, мажбурий тўловларнинг салмоғи қанча эканлигини аниқлашга олиш мумкин. Натижада, миллий иқтисодиётни янада ривожланиши учун қандай чора-тадбирлар кўриш зарурлиги бўйича маълум иқтисодий қарорлар қабул қилиш имконияти кенгаяди.

1.5. Солиқ элементлари

Ҳар бир давлатнинг солиқ тизимида мавжуд бўлган солиқлар ва солиқ функциясини бажарувчи мажбурий тўловларни муваффақият билан жорий этилишида солиқ элементлари муҳим иқтисодий аҳамият касб этади. Солиқ элементлари қадимдан мавжуд бўлиб, уларнинг кўлами дастлабки даврларда жуда кам бўлган. Аммо жамиятда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, янги турдаги солиқларни кашф этилиши билан бирга, солиқ элементлари ҳам тубдан ўзгарди ва бу жараён хамон давом этмоқда.

Солиқ элементларини яхши ўзлаштириш солиқ ва солиққа тортиш фанининг назария қисмидан амалиёт қисмига ўтиш учун кўприк воситасини ўтайди. Агар солиқ тўловчи ва солиқни мувофиқлаштирувчи орган хизматчилари солиқ элементларини тўлиқ ўзлаштириб олса-

лар, давлат томонидан жорий этилаётган солиқ сиёсатини миллий иқтисодиётга татбиқ этиш ва мувофиқлаштириш осон кечади. Шунингдек, улар солиқлар ҳақидаги муайян маълумотга муҳтож бўлган ҳар қандай шахсга зарур жавобни қисқа вақтларда тушунтира олади.

Умуман олганда, солиқ элементлари ранг-баранг ва хилма-хил бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

Солиқ тўловчи субъектлар. Солиқ тўловчи субъектларни шартли равишда икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: юридик шахслар ва жисмоний шахслар.

Солиқ тўловчи субъектлар ўзларининг фаолият юритиши, мулк шакли, идоравий бўйсуниши, ҳажми, социал қатлами ва бошқа кўрсаткичлари билан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, юридик шахслар солиқ тўловчи субъект сифатида қуйидаги хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади:

- мулк шакллари(давлат корхоналари, хусусий корхоналар, аралаш мулк шаклидаги корхоналар, ҳиссадорлик корхоналари ва бошқалар);

- тижорат асосида фаолият юритувчи хўжалик субъектлари, нотижорат асосида фаолият юритувчи корхоналар;

- ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат кўрсатиш муассасалари ва иш бажарувчи қурилиш корхоналари;

- микрофирма ва кичик корхоналар, йирик корхоналар.

Жисмоний шахсларнинг солиқ тўлаши бўйича унчалик тафовутлар бўлмаса-да, лекин айрим фарқли томонлари мавжуд. Жумладан:

- муайян бир идора ёки юридик шахслар таркибида фаолият юритувчи жисмоний шахслар;

- юридик шахс мақомини олмасдан махсус бозорлар ва савдо марказларида фаолият юритувчи жисмоний шахслар;

- юридик шахс мақомига эга бўлмаган, аммо тадбиркорликнинг айрим турлари билан шуғулланувчи жисмоний шахслар.

Солиқ тўловчи субъектларнинг барчасига солиқ тўлашда бир хил тамойил асосида, яъни олаётган даромадларидан белгиланган солиқни тўлаш шарт эканлиги уқтирилган бўлса-да, аммо солиқ ставкаларини ўрнатишда, солиқ тўлаш муддатларини белгилашда, солиққа тортиш объектларини аниқлашда кескин тафовутлар мавжуд бўлади.

Масалан, микрофирма ва кичик корхоналар ўз хоҳишларига кўра соддалаштирилган ягона тўловни молия йилининг бир чорагида бир маротаба бюджетга тўласалар, фермер ва ширкат хўжаликлари Ягона ер солиғини бир молия йилида уч маротаба тўлашлари лозим. Йирик корхоналар эса, даромад(фойда) солиғини тўлаши лозим бўлган солиқ суммасининг ҳажмидан келиб чиқиб, бир ойда бир ёки икки маротаба бюджетга тўлайдилар.

Жисмоний шахсларда ҳам худди шунга ўхшаш тафовутлар мавжуд. Хусусан, муайян бир идора ёхуд корхонада фаолият кўрсатаётган жисмоний шахс даромадининг ошишишига қараб, 13/18/25 фоизли (2007 молия йилидан бошлаб) табақалашган мураккаб ставкада солиқ тўласа, махсус бозорларда фаолият юритаётган жисмоний шахслар савдо қилаётган жойи ва савдо тури учун белгиланган солиқни тўлайдилар.

Солиққа тортиш объекти. Миллий иқтисодиётда ҳар қандай солиқни жорий этишдан олдин унинг солиққа тортиш объекти аниқланади. Ҳозирги кунда иқтисодиётда қанча миқдорда солиқ ва солиқ функциясини бажарувчи мажбурий тўловлар мавжуд бўлса, айрим турдаги солиқлар бўйича шунга мос равишда солиққа тортиш объектлари мавжуд бўлади. Жумладан, юри-

дик шахслардан олинадиган даромад(фойда) солиғи учун солиққа тортиш объекти айнан даромад ёки фойда ҳисобланади. Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиш объекти айнан ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки иш бажариш жараёнида **қўшилган қиймат** ҳисобланади. Аммо бир қатор солиқлар ҳам мавжудки, солиқнинг тури битта бўлса-да, бироқ солиққа тортиш объекти бир нечта бўлиши мумкин. Масалан, биргина акциз солиғи бўйича республикада ишлаб чиқариладиган 30 га яқин акцизости товар объектлари мавжуд. Шунингдек, ер ости бойликлари ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича ҳам худди шунга ўхшаш ҳолат кузатилади.

Солиққа тортиш объектларини илмий кашфиёт ва муайян тажрибаларга асосланган ҳолда аниқлаш истиқболда солиқ юкини пасайтиришга яқиндан хизмат қилади.

Солиқларни тўлаш манбаи. Солиқларни тўлаш манбаи кўп жиҳатдан солиққа тортиш объектига тўлиқ мос келади. Масалан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, юридик шахслардан олинадиган даромад(фойда) солиғининг солиққа тортиш объекти ва манбаи бир хил. Бироқ миллий иқтисодиётда шундай солиқ турлари ҳам мавжудки, уларни солиққа тортиш объекти маълум бўлса-да, лекин солиқ тўлаш манбаи ноаниқ бўлади. Масалан, жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғида солиққа тотиш объекти мол-мулкнинг қиймати бўлса, унинг учун солиқ тўлаш манбаи турлича бўлади. Хусусан, жисмоний шахслар учун даромад солиғи тўлангандан қолган сумма ёки бошқа манбалардан олган даромад мол-мулк солиғини тўлаш манбаи бўлиши мумкин.

Солиқ тўловчи учун солиқ тўлаш манбаи принципиал иқтисодий аҳамият касб этади. Бизнингча, солиққа

тортиш объекти ва манбаи бир хил бўлганда солиқ тўловчига унчалик оғирлик тушмайди. Аммо айрим солиқларни тўлагандан кейин қолган суммалар ҳисобига яна солиқлар ва йиғимларни тўлаш мавжуд бўлганда, солиқ тўловчи дастлабки солиқ ставкаси паст бўлишидан ўта манфаатдор бўлади. Сабаби дастлабки солиқ суммаси қанчалик кам бўлса, реал даромаддан бошқа солиқ ва йиғимларни тўлашга молиявий маблағ шунча кўп қолади.

Солиққа тортиш базаси. Солиққа тортиш объектидан ҳукумат ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан тақдим қилинган имтиёзлар чегирилгандан кейин шаклланган солиққа тортиш объекти солиққа тортиш базасини англатади. Мисол учун жисмоний шахс ўз вақтида ҳарбий хизмат вазифасини Афғонистон Республикасида адо этган дейлик. Амалдаги тартиб-қоидага мувофиқ, аниқроғи, Солиқ кодексининг 59-модда, 2-қисм з) пункти: «Кимда ким хизмат вазифасини Афғонистон республикасида ўтаган бўлса, даромад суммасидан ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг 4 баробар миқдорида солиққа тортишдан озод этилади»[1] деб кўрсатилган. Шунга асосан айтадиган бўлсак, шартли равишда жисмоний шахсга январь ойи учун 100000 сўм иш ҳақи ёзилган бўлса, ушбу сумма солиққа тортиш объекти ҳисобланади. Аммо, у учун белгиланган имтиёз мавжуд бўлиб, ушбу имтиёзни чегириб оладиган бўлсак, (4 x 12420 =49680) 100000-49680 = 50320 сўм. Айнан 50320 сўм солиққа тортиш базаси ҳисобланади. Худди шундай кўринишни бошқа турдаги солиқларда ҳам учратиш мумкин.

Солиқ ставкаси – мамлакатда шаклланаётган солиқ суммасига бевосита таъсир кўрсатадиган молиявий

[1] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт-матбаа бирлашмаси, Тошкент, 2003 йил. 43-бет.

кўрсаткичлардан биридир. Солиққа тортиш объекти (базаси)га нисбатан белгиланадиган солиқ ставкалари ранг-баранглир. Аксарият объектларга солиқ ставкаси фоизларда, айримларига эса мамлакат пул бирлигида белгиланади. Ҳозирги кунда, даромад(фойда) солиғи, акцизлар, қўшилган қиймат солиғи, жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиги, инфратузилмани ривожлантириш солиқлари фоиз шаклида ундирилса, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ. Ягона ер солиғи, ер солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқлар миллий валюта - сўмда ундирилади.

Солиқ суммаси — солиққа тортиладиган объект ёхуд базадан солиқ ставкаси кўмагида ундириладиган маблағ солиқ суммаси ҳисобланади. Шунинг учун солиқ суммасига бевосита таъсир кўрсатувчи икки солиқ элементи мавжуд бўлиб, улар солиққа ториладиган база ва солиқ ставкасидир. Солиққа тортиладиган база ва солиқ ставкаси қанчалик кичик ҳажмда бўлса, солиқ суммаси шунга мос равишда паст бўлади ёки аксинча. Масалан, солиққа тортиш базаси - 100000 сўм. Солиқ ставкаси - 15 фоиз. Шунда солиқ суммаси 15000 сўмга тенг бўлади. Агар солиқ ставкаси ўзгармаган ҳолда солиққа тортиладиган база 50000 сўм бўлганда эди, солиқ суммаси 7500 сўмга тенг бўлади. Ёхуд солиққа тортиладиган база ўзгармаган ҳолда солиқ ставкаси 20 фоиз бўлганда эди, солиқ суммаси 20000 сўмга тенг бўларди.

Солиқ имтиёзлари — солиқ элементлари ичида марказий бўғинни эгалловчи элементлардан бири ҳисобланади. Солиқ имтиёзларини жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи ва иш бажарувчилар инвестицион фаоллигини ошириш ва уларнинг

жамғармаларини кўпайтириш ҳамда солиқ тўловчилардан солиқ юкини пасайтириш имконияти мавжуд. Шунингдек, одилона солиқ имтиёзларини жорий этиш ҳисобига солиқ тўловчи субъектлар сонини ошириш, давлат бюджетининг даромад манбаини кўпайтириш ҳам мумкин. Бу қатор мамлакатларнинг иқтисодий тажрибаларида амал қилиб келган.

Солиқлар соҳасида таниқли олим Т.С. Маликов таъкидлашича, солиқ имтиёзларини беришда, албатта, қуйидаги хусусият амал қилмоғи лозим: «Солиқ имтиёзини олган ва имтиёзни берган томон манфаатлари бир-бирига мос тушсагина, солиқ имтиёзини солиқ тўловчига бериш мақсадга мувофиқ».

Солиқ имтиёзларининг шартли учта гуруҳи мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- солиқлардан вақтинчалик озод бўлиш;
- солиқлардан қисман озод бўлиш;
- солиқлардан бутунлай озод бўлиш.

Умуман олганда, ҳар бир ҳукумат солиқ имтиёзлари беришдан бир неча мақсадни кўзлайди. Жумладан:

- кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш;
- моддий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- ногиронларни иш жойлари билан таъминлаш;
- маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш;
- эркин алмаштириладиган валюта жамғармасини кўпайтириш;
- қишлоқ хўжалиги хом ашё маҳсулотларини тайёр маҳсулотга айлантиришни ривожлантириш;
- маҳаллий истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- бозор иқтисодиёти шароитида жамият учун ўта зарур бўлган тармоқ ва соҳалар таркибидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш.

Бизнинг солиқ тизимимизда юқорида қайд этилган солиқ имтиёзларининг барчасини (қарийб ҳар бир солиқда) учратиш мумкин.

Солиққа тортиш даври (муддати) – солиқларнинг давлат бюджетидаги салмоғи, солиққа тортиладиган тармоқни жамият ривожида тутган ўрни, солиқ тўловчининг савдо айланмасига мос равишда турлича бўлади. Масалан, давлат бюджетида муайян салмоққа эга бўлмаган солиқлар ҳар чоракда бир маротаба ундирилади. Эгри солиқлар ҳар декадада ёки ҳар ойда бир маротаба ундирилади. Аммо қишлоқ хўжалиги соҳасидаги товар ишлаб чиқарувчи ширкат ва фермер хўжаликлари бир йилда уч маротаба, айрим маҳаллий солиқлар ҳам мавжудки, бўлиб-бўлиб бир йилда икки маротаба тўланади.

Янгидан жорий этиладиган солиқларни кучга кириши бўйича ҳам турли муддатлар жорий этилади. Ҳаттоки Буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ҳам солиқларни жорий этишда муайян муддатларни жорий этган. Жумладан, Тимур тузукларида солиқларга тегишла қуйидаги фикрлар акс этган:

"Мен қайси юртни ишғол қилган бўлсам, шу элнинг улуғларини атрофимга тўпладим. Бева-бечораларга хайр-эҳсон қилдим. Уруш жароҳатини дилидан буткул чиқарсин деб, *биринчи* йили бу юртни солиқ тўлашдан озод этдим. *Иккинчи* йили, лозим топган тақдирда, солиқ тўлашсин деб тайинладим. *Учинчи* йили эса мамлакатнинг бошқа ҳудудлари қаторида солиқ тўлашлари ва бунда зинҳор куч ишлатиб солиқ талаб қилмаслиги лозимлигини, баъзи ночор кимсаларни солиқдан озод қилиш лозимлигини тайин этдим. *Тўртинчи* йили ҳам солиқ олишда шунга амал қилдим. Фақат *бешинчи* йилга келиб, олган фойдаларига кўра солиқ белгиладим.

Яна амир этдимки, кимки бирор саҳрони обод қилса, ёки кўприк қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса (олиқ-солиқ) қонун-қоидасига мувофиқ солиқ йиғилсин"[1].

Солиққа тортишнинг муддатларини узайтириш солиқ тўловчиларнинг молиявий фаолиятини қисқа вақтларда яхшиланишига олиб келади. Аммо шуни унутмаслик зарурки, бунда давлат бюджети даромадига ҳам кескин зарар етказиш мумкин. Шунинг учун солиққа тортиш муддатларини белгилашда икки томоннинг ҳам моддий манфаатини эътиборга олмоқ шарт.

Солиқ мажбуриятлари – мамлакатда қабул қилинган ва миллий иқтисодиётга жорий этилган солиқ ва бошқа йиғимларни ҳар бир солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахс фаолият туридан келиб чиққан ҳамда даромадининг ҳажмига мувофиқ ҳолда ўз вақтида ва тўлиқ тўлашлари шарт. Одатда, кўзга кўринмас ва меъёрий хужжатларда акс этмаган бир аксиома ҳукм суради **Яъни солиқ тўловчининг мажбуриятлари солиқ хизмати ходимларининг ҳуқуқлари ҳисобланса, солиқ тўловчининг ҳуқуқлари эса солиқ хизмати ходимларининг мажбуриятлари ҳисобланади.** Шу боис, икки гуруҳ ўртасида доимо кўринмас қарама-қарши зиддият мавжуд бўлади.

Солиқ юки. Ҳар бир мамлакат солиқ тўловчилар ҳурматига сазовор бўлиш учун миллий иқтисодиётдаги солиқ юкини пасайтириш олиб борилаётган солиқ сиёсатининг марказий бўғинида туради. Солиқ юкини ҳисоблашнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, у ҳар бир

---

[1] Темур тузуклари. –Т., "Ўзбекистон" 1992. 98-99 бетлар.

ҳудуд, минтақа, тармоқ, соҳа, мулк шакли, жисмоний шахслар қатлами ва умумий иқтисодиёт миқёсида амалга оширилади. Ҳозирга қадар бизда ва МДҲ давлатларида умумий иқтисодиёт миқёсида солиқ юкини аниқлаш усули ишлаб чиқилган. Қолганлари ишлаб чиқилган бўлса-да, аммо уларни кенг оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда учратиш қийин.

Умумий иқтисодиётда солиқ юкини аниқлаш - бу бир йиллик солиқ суммасининг мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулотга нисбати бўлиб, у солиқларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини характерловчи умумий кўрсаткичдир.

Умумий солиқ юкини аниқлашнинг қуйидагича формуласи мавжуд:

$$СЮ = \frac{С.С.}{ЯИМ} \bullet 100\%$$

Ҳар бир давлатда умумиқтисодий кўрсаткичда бўлиб, умумий кўлами 15 фоиздан 45 фоизга қадар бўлади. Бизнинг республикада кейинги йилларда солиқ юки бир мунча пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Жумладан, и.ф.н., доц. Туробжон Жўраев шундай деб ёзади: «Агар дунё мамлакатларида қўлланиладиган солиқ юкларини изоҳловчи статистика маълумотларига мурожаат этсак, шуни кўриш мумкинки, ЯИМга нисбатан солиқ тўловлари даражаси турли давлатларда турличадир. Бу эса иктисодий тартибга солиш даражасидаги фарқлар, ижтимоий иқтисодий сиёсат йўналиши, муайян мамлакатларнинг геосиёсий жойлашуви ва бошқа омиллар билан изоҳланади. Умуман, солиқ юки даражаси бўйича дунё мамлакатларини 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

- солиққа тортишнинг юқори даражси – солиқлар салмоғи ЯИМнинг 40 фоизидан ортиқ (Люксембург, Франция);

- солиққа тортишнинг ўртача даражаси – солиқлар салмоғи ЯИМнинг 30 фоизидан 40 фоизигача (Дания, Швеция, Австрия, Германия, Буюк Британия);

- солиққа тортишнинг ўртачадан пастроқ даражаси – солиқлар салмоғи ЯИМнинг 30 фоизигача (Хитой, Ҳиндистон, Миср, Малайзия, Жанубий Корея).

Ўзбекистонда солиқ юки даражаси йилдан-йилга мунтазам равишда пасайиб бормоқда. Агар 1999 йилда ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 38,7 фоизини ташкил этган бўлса, 2002 йилга келиб 33,6 фоизга тушди, 2003 йилда эса ЯИМнинг 31,4 фоизини ташкил этиши кутилмоқда. 2004 йилда солиққа тортиш даражасини ЯИМга нисбатан 2,5-2,8 фоизгача қисқартириш ёки 28,6 фоизгача етказиш режалаштирилган. Иқтисодиётда солиқ юки даражасининг камайтирилиши солиқларни ҳисоблаш механизмларини такомиллаштириш, фискал функцияларни қисқартириш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш билан бирга давом эттирилмоқда»[1]

Мамлакатдаги бюджет тизимини мувофиқ, солиқлар **бириктирилган ва тартибга солувчи солиқларга** бўлинади. Агар бюджет тизими икки поғонали бўлса, солиқлар ва солиқ функциясини бажарувчи мажбурий тўловлар ҳам икки кўринишга эга бўлади. Яъни маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетнинг даромадига бириктирилган солиқлар ҳисобланса, умумдавлат солиқлари республика бюджетининг даромадига бириктирилган солиқлар ҳисобланади. Аммо айрим

[1] Жўраев Т.И. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўлида./ «Тошкент ҳақиқати», 2003 йил, 24 сентябрь 78-сон.

маҳаллий бюджетлар ҳам мавжудки, улар бириктирилган солиқлар ва йиғимлар орқали бюджет даромадларини тўлиқ шакллантира олмайди. Шундай вазият ҳукм сурган ҳолатда айрим умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджет даромадларини тартибга солувчи даромад воситаси сифатида фойдаланилади.

Бизда умумдавлат солиқларининг аксариятидан маҳаллий бюджетларни тартибга солувчи солиқлар сифатида кенг фойдаланилади (2-иловага қаранг).

1.6. Солиққа тортиш усуллари

Солиқлар кашф этилган даврдан бошлаб, то ҳозирга қадар солиққа тортиш усуллари – даврга ва давлат тузумининг ўзгаришига монанд ўзгариб келмоқда. Бугунги кунда солиққа тортишнинг қатор усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- *прогрессив* усули;
- *регрессив* усули;
- *спропорционал* усули;
- *адвалор* усули;
- *товар қийматига нисбатан фоизда ёки ўлчов бирлигига нисбатан пул бирлигидаги* усули.

Солиққа тортиш **прогрессив усулининг** иқтисодий мазмуни шундан иборатки, унга кўра солиқ тўловчи субъектнинг солиққа тортиладиган даромад базаси кўпайган сари, унга белгиланган солиқ ставкаси ҳам ошиб боради. Бу билан ҳукумат юқори даромадга эга бўлган солиқ тўловчилар ва қуйи даромадга эга бўлган солиқ тўловчилар даромадларини қисман тенглаштиришга эришади.

Дунё амалиётида ушбу усул, асосан, жисмоний ва юридик шахслар тўлайдиган даромад солиғига нисбатан жорий этилади. Прогрессив усулни қўллашнинг

яна бир хусусиятли томони шундаки, ҳар бир алоҳида давлатда олиб борилаётган солиқ сиёсатига бевосита боғлиқ бўлади. Бу, ўз навбатида, солиққа тортиш усулининг, давр ва солиқ сиёсати ўзгариши билан биргаликда янгиланиб туришга мойиллигидадир. Хусусан, бизнинг республикада биргина жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига нисбатан солиққа тортишнинг прогрессив усули жорий этилган. Қолган солиқлар ва солиқ функциясини бажарувчи тўловларда солиққа тортишнинг бошқа усуллари жорий этилган.

Солиққа тортиш усуллари ичида **регрессив усул** нисбатан кам қўлланадиган усуллардан бири бўлиб, бу усул, асосан, солиқ тўловчи субъектларнинг даромад олишини кўпайтиришга қўшимча рағбатлантириш мақсадида жорий этилади. Регрессив усулнинг иқтисодий мазмуни шундан иборатки, унга кўра солиқ тўловчининг даромади муайян бир чегара суммасидан ошгандан кейин, унга белгиланган солиқ ставкаси пасайиш тенденциясига эга бўлади.

Регрессив усулда солиққа тортиладиган объект ҳозирги кунда биргина Америка Қўшма Штатлари солиқ тизимида мавжуд бўлиб, у жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғига нисбатан белгиланган. Бизнинг миллий иқтисодиётда ҳам регрессив усулда солиққа тортиш усули қисман - юридик шахслардан олинадиган даромад(фойда) солиғи ва мол-мулк солиғига нисбатан жорий этилган.

Даромад(фойда) солиғи бўйича регрессив усулни қўллаш корхонанинг экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган бўлиб, бу усул қуйидаги ҳолатларда жорий этилади. Корхона:

- ўзи ишлаб чиқарган товарларини эркин алмаштири-

ладиган валютага экспорт қилиш улуши реализациянинг умумий ҳажмида 15-30 фоизни ташкил қилса, умумий белгиланган солиқ ставкаси 30 % пасайтирилади;

- ўзи ишлаб чиқарган товарларини эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилиш улуши реализациянинг умумий ҳажмида 30 ва ундан ортиқ фоизга тенг бўлса, умумий белгиланган солиқ ставкаси 2 баробарга пасайтирилади.

Мол-мулк солиғи ҳам корхонанинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, қуйидаги вазиятларда регрессив усул қисман жорий этилади. Хусусан, мол-мулк солиғининг табақалаштирилган ставкалари қуйидаги тартибда амалга оширилади:

• умумий реализация ҳажмида экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда – белгиланган мол-мулк солиғи ставкаси 30 фоизга пасаяди;

• умумий реализация ҳажмида экспорт улуши 30 фоиздан ортиқ бўлган тақдирда – белгиланган мол-мулк солиғи ставкаси 50 фоизга камаяди.

Солиққа тортишнинг **пропорционал усули** энг кўп тарқалган усуллардан бири бўлиб, аксарият солиққа тортиладиган база ана шу усул асосида солиққа тортилади. Пропорционал усулнинг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти шундан иборатки, солиқ тўловчи субъектнинг солиққа тортиладиган базаси, у ёки бу молиявий кўрсаткичи ўзгаришидан қатъи назар, солиқ ставкаси ўзгармасдан қолаверади. Жумладан, юридик шахслардан олинадиган даромад(фойда) солиғи, ижтимоий Инфратузилмани ривожлантириш солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва бошқалар пропорционал усулда олинади. Масалан, бугунги кунда даромад(фойда) солиғи ставкаси 10 фоиз. Алоҳида бир корхонанинг солиққа тортиш базаси 200000 сўм бўлганда, солиқ сум-

маси 20000 (200000 x 10/100) сўмга тенг бўлади. Агар солиққа тортиш базаси 150000 сўм бўлганда эди, солиқ суммаси 15000 (150000 x 10/100) сўмга тенг бўлади.

Солиққа тортишнинг **адвалор усулини** қўллаш ғоятда чекланган бўлиб, бу усул ривожланган давлатларда деярли қўлланилмайди. Ривожланаётган давлатларда эса, айрим турдаги акцизости товарларига, импорт қилинаётган спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларига нисбатан адволор усули жорий этилади. Айрим акцизости товарларини адвалор усулида солиққа тортишнинг махсус формуласи ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидаги мазмунга эга:

$$\mathbf{O = (C \times 100) / 100 - A}$$

Бу ерда:

O = қўшилган қиймат солиғисиз, аммо таркибида акциз солиғи бўлган товарнинг шартнома (эркин) баҳоси;

C = акцизости товарни ишлаб чиқарувчи корхонанинг улгуржи (норматив харажатлар ва фойда нормаси) баҳоси;

A = муайян товарга нисбатан акциз солиғи ставкаси.

Ушбу солиққа тортиш усулининг яна бир ўзига хос томони шундаки, солиқ ставкаси муайян бир акцизости товарига 75 фоиз белгиланган бўлса-да, лекин солиқ ҳисоблаб чиқилганда солиқ суммаси солиққа тортиладиган базага нисбатан 200, ҳаттоки 250 фоизга қадар кўтарилиб кетиш эҳтимоли мавжуд.

Солиққа тортишнинг **товар қийматига нисбатан фоизда ва ўлчов бирлигига нисбатан пул бирлигида усули** ҳам кенг тарқалган усуллардан бири бўлиб, бу, асосан, экспорт-импорт товарларига хамда айрим акцизости товарларига нисбатан белгиланади. Масалан, арақнинг 1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун 2660 сўм; коньяк ва бальзамнинг 1 литр сув қўшилма-

ган этил спирти учун 4000 сўм; винонинг 1 литр тайёр маҳсулоти учун 273,9 сўм; шампан виносининг 1 шишаси учун 182,0 сўмда солиқ белгиланган[1].

Солиққа тортиш усулларини қўллаш тартиби, асосан мамлакатдаги молиявий сиёсатга бевосита боғлиқ бўлади. Мамлакатда молиявий барқарорлик ҳукм сурган пайтларда пропорционал ва регрессив усуллардан фойдаланишга кенг имконият берилса, молиявий ҳолат танг бўлган даврларда прогрессив ва адволор усулларига муҳтожлик сезилади.

1.7. Солиқлар ва солиққа тортиш тамойиллари

Солиқлар ва солиқ функциясини бажарувчи мажбурий тўловлар бўйича кашф этилган тамойиллар сони унча кўп бўлмаса-да, лекин улар солиқларни бошқа иқтисодий категориялардан тубдан ажратиб туришда муҳим роль ўйнайди. Солиқ тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Солиқларнинг ноэквивалентлик тамойили. Ушбу тамойилнинг изоҳи шундан иборатки, унга кўра солиқ тўловчилардан белгиланган солиқларни ўрнатилган тартибда ундирилиши аниқ бир муддатдан кейин айни шу суммада солиқ тўловчига қайтиб берилишини талаб этмайди.

2. Бир солиқ тури билан солиққа тортилган базани бир вақтнинг ўзида икки маротаба солиққа тортмаслик тамойили.

Ушбу тамойиллардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 4-моддасида Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг асосий тамойиллари белгиланган бўлиб, унда қуйидагилар акс этган:

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 27 декабрдаги 244-сонли қарори.

– ҳар бир шахс белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт;

– солиқ солиш – юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъи назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади;

– белгиланаётган солиқлар ва йиғимлар товарлар (иш, хизмат) нинг ёки пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида эркин муомалада бўлиши, бевосита ёки билвосита ёхуд солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятини бошқача тарзда чеклаб қўйиши ёки унга тов бўлиши мумкин эмас;

– олинган манбалардан қатъи назар, барча даромадларга солиқ солиниши шарт;

– солиқ имтиёзларини белгилаш ижтимоий адолат тамойилига мос бўлиши зарур.

Иқтисодий назария фанининг классик намояндаларидан бири Адам Смит ўз даврида солиққа тортиш борасида қуйидаги 4 тамойилни айтиб ўтган бўлиб, бизнингча, ушбу тамойиллар ҳозирги кунда ҳам ўз кучини тўлиқ намоён этиб турибди. Хусусан:

1. Солиққа тортишнинг умумийлиги ва фуқаролар ўртасида уларнинг даромадларига қараб тақсимланишини тақозо этадиган ***адолатлилик*** тамойили.

2. Тўлов усули, тўлов суммаси ва тўлов вақти олдиндан солиқ тўловчига аниқ-равшан маълум бўлишини талаб қиладиган ***муқаррарлик*** тамойили.

3. Солиқ тўловчи учун энг қулай ҳисобланадиган вақт ва усулни тақозо қиладиган ***қулайлик*** тамойили.

4. Солиқ ундириш харажатларини қисқартириш ва солиққа тортиш тизимини оқилона ташкил этишни тақозо қиладиган ***тежамкорлик*** тамойили.

1.8. Солиқ тўловчилар ҳамда давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўрнатилган солиқлар ва солиқ функциясини бажарувчи мажбурий тўловларни давлат бюджети ва бюжетдан ташқари марказлашган жамғармаларга тортишда солиқ тўловчи субъектларга муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклатилади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ҳар бир алоҳида мамлакатнинг географик жойлашуви ва миллий дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзгача бўлиши мумкин.

Бизнинг мамлакатда солиқ тўловчиларнинг **ҳуқуқлари** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 3-боб, 11-моддасида кайд этилган бўлиб, унга мувофиқ солиқ тўловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1. Солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш.

2. Солиқ кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш.

3. Бюджетга ортиқча миқдорда тушган солиқлар ва йиғимлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш.

4. Солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш.

5. Солиқ органлари томонидан ўтказилган текширув материаллари билан танишиш ҳамда текшириш ва текширув далолатномаларини олиш (текширувларнинг натижаларидан норози бўлган тақдирда солиқ органига ўзининг ёзма эътирозларини 10 муддат ичида тақдим этади).

6. Солиқ органларининг қарорлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ органларига ёки судга шикоят қилиш.

7. Солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш.

Қайд этилган Солиқ кодексининг 12-моддасида эса солиқ тўловчиларнинг қуйидаги **мажбуриятлари** белгиланган:

1. Белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларида рўйхатдан ўтиш, юридик манзили ўзгарган тақдирда эса, бу ҳақда солиқ органига ўн кунлик муддат ичида хабар бериш.

2. Солиқлар ва йиғимларнинг тегишли суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш.

3. Бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ киритиш.

4. Молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиш.

5. Солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқиш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотлар, шунингдек, солиқлар ва йиғимлар юзасидан имтиёзларга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ органларига тақдим этиш.

6. Солиқ тўлаш масалаларини текшириш учун солиқ органлари мансабдор шахсларига даромад олиш ёки солиқ солиш объектларининг сақланиши билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришига рухсат бериш.

7. Солиқ органларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасида **Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқлари** қуйидаги мазмунда акс эттан.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) солиқ тўловчиларнинг (шу жумладан, солиқ тўловчи билан боғлиқ бўлган субъектларнинг) молиявий ҳужжатлари, шартномалари, режалари, сметалари, даромадлари ҳақидаги декларациялари ва солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларини, шунингдек, экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳужжатларини текшириш, текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур тушунтиришлар, маълумотлар ва ахборотлар олиш;

2) юридик ва жисмоний шахслардан солиқ тўловчиларнинг фаолиятига тааллуқли ахборотлар, маълумотномалар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш.

3) белгиланган тартибда:

– солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўяётган юридик ва жисмоний шахслардан даромадни (фойдани) ва солиққа тортиладиган бошқа объектлар яширилганлигидан далолат берувчи ҳужжатларни, шунингдек, ҳуқуқбузарлик предметларини олиб қўйиш;

– тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузаётган жисмоний шахслардан лицензияларини, патентлари ёки рўйхатдан ўттанлик тўғрисидаги гувоҳномаларини олиб қўйиб, сўнгра қонун бузилишига доир материалларни мазкур фаолият билан шуғулланишга рухсат берган органларга топшириш;

4) кассаларни ва товар-моддий бойликлар ҳамда ҳужжатлар сақланадиган жойларни муҳрлаб қўйиш, товарлар, буюмлар, хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг намуналарини, шунингдек,

ҳужжатларни олиб қўйиш ва уларни экспертизага юбориш;

5) савдо қоидаларига, товарларни бериш ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя қилишни текшириш.

6) юридик ва жисмоний шахсларнинг қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, даромад(фойда) олиш учун фойдаланадиган ёхуд солиққа тортиш объектларини сақлаб туриш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш бинолари, омборхоналар, савдо ва бошқа биноларни ҳамда жойларни (шу жумладан, алоҳида режимдаги корхоналарни) текшириш, бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни текширув тариқасида ўлчаш ва товар-моддий бойликларни рўйхат қилиш. Солиқ хизмати органларининг солиқлар бўйича текшириш ўтказаётган мансабдор шахслари мазкур бинолар ёки жойларга киритилмаган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари ўзларида мавжуд бўлган ахборотлар (шу жумладан, солиқ тўловчининг харажатлари ҳақидаги ахборотлар) асосида ёки бошқа шунга ўхшаш солиқ тўловчиларга солинадиган солиқларни назарда тутган ҳолда солиқлар суммасини мустақил равишда белгилашга ҳақлидирлар.

7) қонун ҳужжатларининг бузилганлиги аниқланган ҳолларда юридик ва жисмоний шахслардан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

8) юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳужжатлар асосида (ҳисоб-китобли) текширув ўтказилишини ёки давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари даромад (фойда) олиш учун фойдаланадиган ёки солиққа тортиш объектини сақлаб туриш билан боғлиқ бинолар ва жойларга киритишни рад этса, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ молиявий ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар, декларация ва бошқа ҳужжатларни солиқ хизмати органларига ва уларнинг

мансабдор шахсларига тақдим этмаса (ёки тақдим этишни рад қилса), бундай юридик шахсларнинг, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахсларнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит муассасаларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақалари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш;

9) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

- солиқларга оид қонунбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўллаш;

- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш;

10) солиқлар борасида қонунбузарлик фактлари бўйича товар-моддий бойликларини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда мусодара қилиш;

11) солиқлар бўйича боқимандаларни, шунингдек, жарима суммаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ сўзсиз ундириб олиш;

12) юридик ва жисмоний шахсларнинг ғайриқонуний равишда олган маблағларини давлат ҳисобига ундириш ҳақида уларга судда даъво қўзғатиш;

13) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишни белгиланган тартибда мувофиқлаштириш, назорат қилувчи органлар хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишларни тўхтатиш ҳақида таклифлар киритиш,

14) даромад(фойда)лар ёки бошқа солиққа тортиш объектларини яшириш ҳоллари аниқланганида, қонун ҳужжатларига мувофиқ суриштирув ўтказиш, жиноий ишлар қўзғатиш ва уларни терговга ошириш.

Давлат солиқ хизмати органларининг ушбу модданинг биринчи қисми 1–7-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлари давлат солиқ хизмати органларининг барча мансабдор шахслари, 8–14-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар эса, фақат давлат солиқ хизмати органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари учун белгиланган.

Давлат солиқ хизмати органлари давлат статистика, ахборот, архив маълумотлар ва бошқа ташкилотларнинг солиқ тўловчилар ҳақидаги маълумотларни бериш юзасидан кўрсатадиган хизматлари (бажариладиган ишлари) учун ҳақ тўлашдан озод қилинади.

Зикр этилган қонуннинг 6-моддасида **Давлат солиқ хизмати органларининг мажбуриятлари** қуйидаги тартибда баён этилган:

1) солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларни тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан давлат назоратини амалга оширишлари, қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиш;

2) юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

3) солиққа тортиладиган субъектлар ва объектлар, ҳисоблаб чикарилган ва тўланган солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини, шунингдек, жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибига риоя этишлари устидан назоратни таъминлаш;

4) солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини тўлаш бўйича йўриқнома материаллар, услубий кўрсатмалар ва қўлланмалар ишлаб чиқиш ва нашр этиш;

5) солиқлар бўйича текширувлар ўтказилаётган вақтда солиқ тўловчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтириш;

6) солиқ тўловчиларга ўтказилган текширувлар натижалари маълум қилиш;

7) солиқ тўловчиларга солиқ ҳақидаги қонунлар ва меъёрий (норматив) ҳужжатларни ўз вақтида етказиш.

8) солиққа оид қонун ҳужжатлари бузилиши ҳақидаги фактларни тўплаш, таҳлил этиш ва баҳолашлари ҳамда солиқлар бўйича ҳуқуқ бузарчиликларга йўл очиб бораётган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритиш;

9) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг узоқ муддати ва жорий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

10) солиқларга оид қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа ахборотларни текшириш;

11) юридик ва жисмоний шахсларга улар солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинганликлари тўғрисидаги ҳужжатларни, рўйхатга ўтказиш (идентификациялаш) тартиб рақамларини қонун ҳужжатларидан белгиланган тартибда бериш.

12) мусодара қилинган, эгасиз мол-мулк, хазиналар, мерос ҳуқуқи бўйича давлатга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтган мол-мулкнинг ҳисобини юритишлари, уларни баҳолаш ва реализация қилинишини назорат қилиш;

13) масалани ҳал этиш давлат солиқ хизмати органларининг ваколати доирасидан чиққан ҳолларда қонун ҳужжатларини бузиш фактларига оид материалларни прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати органларига ва судга ошириш;

14) юридик ва жисмоний шахсларнинг валюта ҳамда экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда бел-

белланган тартибга риоя этишларини ўз ваколатлари доирасида назорат қилиш;

15) қонун ҳужжатларга мувофиқ солиқ тўловчиларга оид маълум бўлган маълумотларнинг махфийлигига риоя этиш;

16) ўзларига бўйсунадиган бўлинмалар фаолиятини назорат қилишлари шарт.

Солиқларни давлат бюджетига ва марказлашган жамғармаларга ўз вақтида ҳамда тўлиқ тушиб туришини таъминлашда солиқ тўловчи субъектлар ва солиқ хизмати ходимлари ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиши билан бирга, мажбуриятларини ҳам аниқ бажариши ва уларга тўлиқ итоат этиши принциал аҳамият касб этадиган масалаларнинг марказий бўғинини эгаллайди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Солиқларни туркумлашнинг зарурати нимада?
2. Тўғри солиқлар солиқ тўловчилар ҳаётида қандай иқтисодий аҳамият касб этади?
3. Солиқ тўловчилар билвосита солиқларни тўлаётганда ижтимоий–иқтисодий аҳволи инобатга олинадими?
4. Нима сабабдан айнан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи прогрессив усулда солиққа тортилади?
5. Регрессив солиққа тортишнинг солиқ тўловчилар учун қандай иқтисодий аҳамияти бор?
6. Солиқ имтиёзларини жорий этишдан қандай мақсад кўзланган?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси. – Т., «Ўзбекистон», 2003 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. 2000 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрь 532-сонли қарори.
4. Каримов И.А Ўзбекистон - буюк келажак сари. -Т., «Ўзбекистон», 1999 йил.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. // «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.
6. Қодиров Б. Солиқ тўловчининг ҳуқуқий кафолатлари. 2000 йил 2-сон.
7. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т., «Академия», 2002 йил.
8. Маликов Т.С. Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқлик. "Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш асослари". -Т.: 2004 йил.
9. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Солиқларнинг тури кўпми? // "Жамият ва бошқарув", 2001 йил 2-сон.
10. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Етти ўлчаб ... // "Бозор, пул ва кредит". 2001 йил 3-4-сон.
11. Ражабов У. Ўзбекистонда солиқ бошқарувини такомиллаштириш омиллари. // "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси". 2004 йил 1-2-сон.

II боб. Корхоналар даромади(фойдаси)дан олинадиган солиқ

2.1. Даромад (фойда) солиғининг иқтисодий моҳияти

Иқтисодий категориялар ичида хўжалик субъектлари фаолиятининг молиявий натижаларини аниқловчи учта кўрсаткич мавжуд бўлиб, улар:

- **тушум;**
- **даромад;**
- **фойда**.

Ушбу иқтисодий кўрсаткичлар бир-биридан ички аломатлари билан фарқ қилади.

Масалан, **тушум** ҳажми жиҳатида қолган кўрсаткичларга нисбатан катта ҳажмга эга бўлиб, у ўз таркибига корхона ишлаб чиқарган маҳсулот, кўрсатилган хизмат ва бажарилган ишларни реализация қилиш натижасида вужудга келган барча молиявий маблағлар йиғиндисидан таркиб топади ва у ялпи тушум номини олади. Мазкур суммадан эгри солиқлар(қўшилган қиймат солиғи, бож тўловлари, акциз солиғи) чегириб олингандан сўнг корхона ихтиёрида соф тушум шаклланади.

Соф тушумдан реализация қилинган товар ёки хизматга кетган оборот маблағлари(хом ашё материаллари) ва ишлаб чиқариш воситаларига амортизация ажратмаларини чегириб олгандан сўнг корхона ихтиёрида ялпи даромад шаклланади. Ялпи даромаддан қонун орқали ўрнатилган даромад солиғи ундирилгандан сўнг корхонада соф даромад вужудга келади.

Иқтисодий мазмунига кўра соф даромад ишлаб чиқариш жараёнида янгидан яратилган қийматнинг бир қисми бўлиб, у ўз таркибида иш ҳақи ва фойдани гавдалантиради. Соф даромаддан ишчи ва хизматчи-

ларга белгиланган иш ҳақи чегириб олинса, корхонада ялпи фойда шаклланади.

Фойда бу — тижорат асосида фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг сўнгги молиявий натижаси бўлиши билан бирга, республика ва маҳаллий бюджетлар даромадининг асосий молиявий манбаларидан бири, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади. Нархлар барқарор бўлганда фойда динамикасининг ўсиши корхонанинг самарали фаолият юритаётганлигидан далолат беради. Фойда ҳажмининг ўсиши корхонанинг молиявий қудрати, ишлаб чиқариш ва социал соҳани ривожлантириш фондини ташкил этиш ҳамда ишчи ва хизматчиларни моддий рағбатлантириш имкониятларини кенгайтиради.

Фойдадан тартиб-қоидага мувофиқ фойда солиғи олингандан сўнг хўжалик субъекти ихтиёрида соф фойда вужудга келиб, уни корхона ўз имконияти ва хоҳишига биноан тақсимлайди. Яъни агар корхона ҳиссадорлик жамияти бўлса акционерларга дивидендлар тақсимлайди, унитар корхона бўлса, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлайди, ҳар хил спонсорлик ва хайрия ишларини амалга ошириши мумкин бўлиб, бу уларнинг молиявий сиёсатига бевосита боғлиқ хусусиятлар мажмуасидир.

Ер куррасидаги барча мамлакатларда юридик шахсларнинг молиявий натижаларидан ундириладиган солиқлар мавжуд. Аммо шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳар бир мамлакат солиқларни ундиришда ўзининг ички сиёсатига амал қилган ҳолда ёхуд тармоқлар иқтисодиётидаги соҳаларнинг давлат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнидан келиб чиққан холда иш юритади. Шундай қилиб, корхоналар молиявий натижасини солиққа тортишда ягона ёндашув мавжуд эмас.

Умуман олганда, тарих нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, юридик шахслардан олинадиган даро-

мад (фойда) солиғининг пайдо бўлганига нисбатан кўп вақт бўлгани йўқ, албатта. Ушбу солиқ дастлаб, якка тартибдаги тадбиркорликдан, жамоа шаклидаги хўжалик юритишга ўтиш давридан жорий этила бошланган.

Ўзбекистон Республикасида мазкур солиқ илк бор 1991 йилда «фойда» солиғи кўринишида жорий этилган. Аммо 1992 молия йилидан бошлаб тижорат асосида фаолият юритаётган барча турдаги хўжалик субъектлари «Даромад» солиғини тўлашга ўтдилар. Бундай кескин ўзгаришнинг ўзига хос объектив сабаблари бўлган эди, албатта.

Бизга маълумки, Озарбайжон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, умуман Ўрта Осиё давлатларининг барчаси режали иқтисодиёт даврида собиқ Иттифоқ бюджетидан дотация ва субвенция олиб, бюджет даромадининг етишмаган қисмини молиялаштирар эди. Айрим йилларда Ўзбекистон Республикаси олаётган дотация ҳажми бутун бюджет харажатларининг 15–17 фоизини ташкил этар эди. Собиқ Иттифоқ тарқатилгандан кейин, ўз навбатида, дотация олаётган барча Ўрта Осиё Республикалари қатори Ўзбекистон Республикаси ҳам Иттифоқ бюджетидан олаётган молиявий дотациядан маҳрум бўлди. Катта ҳажмдаги молиявий манбанинг йўқ бўлиши билан бирга, республика бюджети харажатларида янги харажат кўрсаткич(статья)лари пайдо бўлди. Жумладан, мудофаа харажатлари, миллий хавфсизлик хизматини молиялаштириш, хорижий мамлакатларда элчихона ва консуллик хизмати харажатлари ва бошқа умумжамият аҳамияти касб этадиган харажатлар. Ушбу харажатлар ҳажми ҳам катта молиявий маблағларни талаб этар эди.

Мана шундай бир ночор вазиятдан фақатгина оқилона молиявий сиёсат ва ноанаънавий иқтисодий йўллар билангина чиқиш мумкин эди. Шундай шароитда бозор

иқтисодиёти тамойилларига ҳар томонлама мос келадиган солиқларни жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ва энг асосийси тижорат асосида фаолият юритаётган хўжалик субъектларидан «Фойда» солиғи эмас, балки «Даромад» солиғини олиш зарур деб топилди. Чунки иқтисодий тажрибалардан маълумки, корхоналар фойда олмасдан ҳам қатор ойлар, ҳаттоки йиллар давомида фаолият юритиши мумкин. Ана шундай пайтларда корхона давлат бюджетига фойда солиғини тўлаши мантиққа зид ҳолат ҳисобланади. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхоналар зарарга ишлаган тақдирда ҳам даромад олади. Корхона қандай миқдорда даромад олишидан қатъи назар бир қисмини давлат бюджетига солиқ сифатида тўлаши, бюджет даромадидаги кемтик жойларни тўлдиришга хизмат қилиши билан бирга, Иттифоқ тарқалиши ҳисобига вужудга келган қўшимча харажатларни молиялаштириш учун хизмат қилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, кўп йиллар давомида моддий бойлик ва натура товари ишлаб чиқараётган хўжалик субъектларидан даромад солиғини олиш ҳамиша ҳам иқтисодий самарадорликни таъминлай олмайди. Шу боис, мамлакатда молиявий барқарорлик қарор топа бошлагандан кейин ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган барча корхоналар учун даромад солиғи ўрнига фойда солиғини жорий этиш имконияти пайдо бўлди. 1995 бюджет йилидан бошлаб миллий иқтисодиётда фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг молиявий натижасидан тўлаётган даромад солиғи иккига бўлинди.

1. Даромад солиғини тўловчи юридик шахслар.

2. Фойда солиғини тўловчи юридик шахслар.

Бундай бўлинишга таъсир этган бош омил уларнинг фаолият тури, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш йўналиши ҳисобланди.

1995 молия йилидан бошлаб: Тижорат банклари, сугурта компаниялари, кино-концерт фаолиятини олиб борувчи муассасалар; кўнгил-очар ўйинларни ташкил этувчи корхоналар, биржа ва бошқа шу каби корхоналар «Даромад» солиғини тўловчи юридик шахслар таркибида қолди.

Қолган хўжалик субъектлари «фойда» солиғини тўловчи субъектлар таркибига ўтди. Аммо соф хорижий корхоналар ва қўшма корхоналар учун фойда ёки даромад солиғини тўлаш улар ихтиёрига қолдирилди.

1996 йилдан бошлаб Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари соддалаштирилган ялпи даромад ва мол-мулк солиғини тўлаш жорий этилиши муносабати билан даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод бўлдилар.

1998 йилдан микрофирма ва кичик корхоналар "Соддалаштирилган ягона солиқ" тўлаш механизмига ўтиши муносабати билан даромад (фойда) солиғини тўлашни ихтиёрий равишда танлаш имкониятига эга бўлдилар.

1999 йилдан қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилар соддалаштирилган "Ягона ер солиғи"ни тўлашга ўтиши муносабати билан даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод бўлдилар.

Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи идора этилиши бўйича умумдавлат солиқлари таркибига киради. Ижтимоий-иқтисодий таркибига кўра эса тўғри солиқлар таркибидан ўрин олган.

Даромад (фойда) солиғи жорий этилган даврдан бошлаб, унинг салмоғи Давлат бюджетида пасайиб бормоқда. Бунга таъсир этган асосий сабаблар солиқ ставкасининг йилдан-йилга пасайиб бораётгани ва аксарият солиқ тўловчи субъектлар ижтимоий қатламига мувофиқ, бошқа солиқ турларини тўлашга ўтишлари муносабати билан солиқ тўловчи субъектлар миқдорининг камайиб бораётганидир.

2.2. Солиқ тўловчи субъектлар ва солиққа тортиладиган объектлар

Даромад (фойда) солиғини тўловчи юридик шахслар кўлами кенг ва ранг-баранг бўлиб, бир молия йилида солиққа тортиладиган даромад(фойда)га эга бўлган юридик шахслар солиқ тўловчи субъектлар ҳисобланади.

Шу жумладан, хўжалик юритиши ёки бошқарув вида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек, мустақил балансга ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган алоҳида бўлинма, филиаллар ҳам солиқ тўловчилардир. Масалан, Ташқи иқтисодий миллий банк битта бўлса-да, аммо унинг мустақил балансга эга бўлган юзлаб филилаллари ёхуд бўлимлари вилоятлар ва туманларда мавжуд. Шунингдек, суғурта ташкилотлари ва бошқа тижорат корхоналарини ҳам солиқ тўловчи субъектлар сифатида мисол тариқасида келтириш мумкин.

Юридик шахслардан олинадиган даромад(фойда) солиғини тўловчилар иқтисодий фаолиятига мувофиқ икки гуруҳга бўлинади: **резидентлар ва норезидентлар**.

Ўзбекистон Республикаси резидентлари - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида олган даромадлари бўйича солиққа тортилади.

Ўзбекистонда таъсис этилган ёки рўйхатга олинган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатга олинган, аммо бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашган юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси «Резиденти» ҳисобланади.

Фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб борилган тадбиркорлик фаолиятидан олган молиявий натижалар Ўзбекистон Республикасидаги норезидент юридик шахсларни даромад (фойда) солиғига тортиш объекти, ҳисобланади.

Одатда, юридик шахслар давлат бюджети билан даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китобларни мустақил равишда амалга оширадилар. Аммо айрим тармоқлар юридик шахсларининг бирлашмалари бюджет билан ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ марказлаштирилган тартибда амалга оширишлари ҳам мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Темир йўллари акционерлик жамияти. Ушбу корхонанинг минтақаларда бир қатор бўлимлари мавжуд бўлиб, уларни солиққа тортиш марказлашган тартибда амалга оширилади.

Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиққа тортилувчи объект бўлиб, у корхона **жами даромадидан,** маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланган чегирмалар ўртасидаги ижобий фарқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган маҳсулот(иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш ва реализация харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг **4.** пунктида молиявий натижаларни ташкил қилиш қандай тартиб асосида амалга оширилиши кўрсатилган. Шунга мувофиқ, хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$$ЯФ = ССТ - ИТ$$

бунда,

ЯФ – ялпи фойда;

ССТ – сотишдан олинган соф тушум;

ИТ – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

Асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки бошқа зарарлар олиниши натижасида аниқланади:

$$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ$$

бунда,

АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ – давр харажатлари;

БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммасига молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва кўрилган зарарлар ўртасидаги тафовутни қўшиб ҳисоблаб чиқилади:

$$УФ = АФФ + МД - МЗ$$

бунда,

УФ – умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

МД – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МЗ – молиявий фаолиятдан кўрилган зарарлар.

Солиқ тўлангунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдага қўшилиб фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарарлар суммаси чегирилиши натижасида аниқланади:

$$СТФ=УФ+ФФ-ФЗ$$

бунда,

СТФ - солиқ тўлангунгача олинган фойда;

ФФ - фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ - фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар.

Солиқ тўланганидан сўнг хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қоладиган йилнинг соф фойдаси, солиқ тўлангунгача олинган фойда суммасидан даромад (фойда) солиғи ва қонунда кўрсатилган бошқа солиқлар ҳамда тўловлар суммаларининг чегирилиши натижасида қолган суммага тенг:

СФ=СТФ-ДС-БСТ

бунда,

СФ-соф фойда;

ДС-даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ;

БСТ-бошқа солиқлар ва тўловлар.

Солиққа тортиладиган даромад (фойда)нинг умумлашган тартиби:

- асосий фаолияти бўйича товар (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган даромад;
- асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари ва бошқа активларни сотишдан олинган даромад;
- фоиз ва дивидендлар кўринишидаги даромад;
- текинга олинган мол-мулк, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромад;
- текинга олинган молиявий ёрдам (давлат бюджети субсидияси бундан мустасно);
- валюта ҳисоб варақлари бўйича курсдаги мусбат фарқ;
- фавқулодда даромадлар;
- бошқа даромадлар.
- амалдаги Солиқ кодексига мувофиқ, юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғига тортиладиган ялпи даромаддан қуйидаги ҳаражатлар чегириб ташланади:

■ қўшилган қиймат солиғи(ҚҚС), акциз, мол-мулк, ер солиғи, ер остидан фойдаланганлик учун, экология, сув ресурсидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси ҳамда божхона тўлови суммаси;

■ иш ҳақи бўйича тўловлар (даромад солиғини тўловчи юридик шахслар бундан мустасно);

■ тижорат банклари ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг қисқа муддатли кредит ресурслари учун фоиз тўловлари;

■ ижара тўлови (лизингга тўлов);

■ асосий воситаларни таъмирлаш бўйича харажатлар;

■ қонунга мувофиқ иш ҳақига нисбатан амалга оширилган мажбурий суғурта тўловлари суммаси;

■ маҳсулотларни сертификациялаш ишлари бўйича қилинган харажат суммаси;

■ қонун даражасидаги нормага асосан хизмат сафари харажатлари;

■ қонун доирасидаги нормага мувофиқ кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга кетган харажатлар;

■ қонун доирасидаги нормага мувофиқ тақдимот харажатлари;

■ маҳаллий давлат бошқарув органлари тасдиқлаб берган нормативлар доирасида солиқ тўловчининг балансида бўлган соғлиқни сақлаш, ногирон ва қариялар уйи, мактабгача болалар муассасалари, болалар дам олиш оромгоҳлари, спорт ва маданият, халқ таълими муассасалари, турар жой фондлари объектларига сарфланган харажатлар;

■ белгиланган норма доирасидаги амортизация ажратмалари;

■ тадбиркорлик фаолиятида уч йилдан ортиқ фойдаланилган асосий воситаларни реализация қилиш даврида вужудга келган зарар суммаси.

Янада тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш» харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга мурожаат қилиш мумкин.

2007 молия йилида Солиқ ставкаси 12 фоиздан, 10 фоизга пасайтирилди.

2.3. 2006 йилда юридик шахслардан ундириладиган даромад (фойда) солиғи ставкалари[1]

Т/р	Солиқ тўловчилар	Солиққа тортиш даромад (фойда)га нисбатан фоизда
1	Юридик шахслар (2-4 пунктдаги корхоналар бундан мустасно).	12
2	Аукцион(ким ошди савдоси)ларни ўтказиш, гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга юридик ва жисмоний шахсларни жалб этиш орқали оммавий томоша тадбирларини амалга оширишдан даромад кўрувчи корхоналар учун:	35
3	Болалар учун мўлжалланган моллар, аёллар гигиенаси буюмлари ва бадиий ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун*	10
4	Ўз ишлаб чиқариши товарлари(иш, хизмат) реализациясининг умумий ҳажмида эркин алмаштириладиган валюта(ЭАВ)га экспорт қилиш ҳиссаси ҳисобга олинади. Булар қуйидагича аниқланади:	

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрь 244-сонли қарори.

4	-ўз ишлаб чиқариши товарларини ЭАВга экспорт қилиш улуши реализациясининг умумий ҳажмида 15-30 фоизгачани ташкил қилса	солиқ ставкаси 30 фоизга пасайтирилади
	-ўз ишлаб чиқариши товарларини ЭАВга экспорт қилиш улуши реализациясининг умумий ҳажмида 30 ва ундан ортиқ фоизга тенг бўлса:	солиқ ставкаси 2 баробарга пасайтирилади

Изоҳ: * Ушбу корхоналар ишлаб чиқараётган махсус товарлар ҳажми жами ишлаб чиқарилаётган товарларининг 60 фоизидан кам бўлмаслиги лозим;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 13 ноябр 2002 йил, 390-сонли қарорига мувофиқ:

• истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадларидан амалдаги ставкадан 20 % камайтирилган ставка бўйича даромад (фойда) солиғи тўлайдилар;

• болалар учун товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар болалар учун товарлар ишлаб чиқаришдан олинган даромадларидан 7 % ставкада даромад (фойда) солиғини тўлайдилар.

Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғининг Давлат бюджетидаги салмоғи йилдан-йилга пасайиб бормоқда, бизнингча, бунга таъсир этган омиллар қуйидагилардан иборат:

■ солиқ ставкаси 1995-2006 йиллар оралиғида 26 пунктга пасайди;

■ айрим тоифадаги корхоналарнинг соддалаштирилган ягона солиқ тўлаш тизимига ўтиши муносабати билан, солиқ тўловчилар сони камайди;

1995-2006 йиллар давомида даромад (фойда) солиғи ставкаларининг ўзгариш тенденцияси



■ республикада ижтимоий аҳамият касб этувчи қурилишларни жадаллаштириш туфайли айрим корхоналарнинг солиққа тортиш базаси қисқарди.

Юридик шахслардан ундириладиган даромад(фойда) солиғининг Давлат бюджети даромадидаги улуши 1-диаграммада акс этган.

1-диаграмма

Даромад (фойда) солиғининг давлат бюджетидаги улуши салмоғи



Диаграммадан маълум бўляптики, агар юридик шахслардан олинадиган даромад(фойда) солиғи улуши 2000 молия йилида 12,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2002 молия йилида 10,5 фоизни, 2005 молия йилида эса бор-йўғи 6,32 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич таҳлил қилинган 5 йил давомида қарийб икки баробарга пасайиб кетган.

2.4. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи бўйича бериладиган имтиёзлар

Солиқ тизимидаги барча солиқлар қатори даромад (фойда) солиғи бўйича ҳам кенг кўламли ва ранг-баранг имтиёзлар мавжуд.

Имтиёзлар шартли ҳолатда 3 гуруҳга бўлинади:

1. Даромад (фойда) солиғидан тўлиқ озод бўлиш.

2. Даромад (фойда) солиғидан вақтинчалик озод бўлиш.

3. Солиққа тортиладиган базанинг қисқариши.

1) Даромад (фойда) солиғидан тўлиқ озод бўлиш имтиёзи:

- ходимлар умумий сонининг 50 фоизини ногиронлар ташкил этган корхоналар;
- жазони ижро этиш муассасалари;
- бюджет муассасалари ва бошқа нотижорат корхоналар ва бошқалар.

2) Даромад (фойда) солиғидан вақтинчалик озод бўлиш имтиёзи:

- янги ташкил этилган деҳқон, фермер хўжаликлари рўйхатдан ўтгандан кейин 2 йил мобайнида;
- агар хорижий инвестор улуши 50 фоиз ва ундан кўпни ташкил этса, ишлаб чиқариш бошланган пайтдан 2 йил муддат ичида;

■ республикада инвестиция дастурига кирган қўшма корхоналар рўйхатдан ўтган даврдан бошлаб 7 йилмобайнида;

■ янги ташкил этилган юридик шахс рўйхатдан ўтган даврдан бошлаб:

1-йил 25 %;

2-йил 50 %.

3-йилдан сўнг тўлиқ ҳажмда солиқ белгиланади.

3) Солиққа тортиладиган базанинг қисқариши имтиёзи:

■ инвестиция харажатлари (солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг 30%дан кўп бўлмаган миқдори);

■ экология, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва спорт муассасаларига бадаллар суммасига, бироқ солиқ солинадиган даромад(фойда)нинг 1 фоизидан кўп бўлмаган миқдори;

■ қўшма корхоналар учун солиқ солинадиган даромад (фойда) захира фонди устав фондининг 25 фоизига етгунига қадар даромад (фойда)нинг 20 фоизи миқдорида захира фондига ўтказиладиган ажратмалар суммасига камайтирилади.

Ишловчилар умумий сонининг 3 фоиздан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи суммаси қуйидаги тарзда: белгиланган меъёрдан ортиқ ишчи жойлаштирилган ногиронларнинг хар бир фоизига даромад (фойда) солиғи 1 фоиз камайтирилади.

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланадиган корхоналар учун даромад (фойда) солиғининг шартли ҳисоб-китоби

Ходимларнинг умумий сони	25 киши
шу жумладан, ногиронлар	7 киши
ходимлар умумий сонида ногиронлар фоизи	28%
ишга жойлаштирилган ногиронларнинг белгиланган меъёри	3%
белгиланган меъёрдан ошиш (28-3)%да	25%
ҳисобланган солиқ миқдори	100,000 сўм
имтиёзни ҳисобга олганда солиқ миқдори 100-(100х25)/100	75,000 сўм

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелда миллий иқтисодиётга «Тўғридан–тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқларидаги корхоналар асосий фаолияти бўйича **даромад(фойда)** солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, экология солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда юқорида қайд этилган солиқ имтиёзлари берилиши кўзда тутилган:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача – 3 йил муддатга;

- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача – 5 йил муддатга;

- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга.

Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган солиқ имтиёзлари қуйидаги шартлар асосида қўлланиши белгилаб қўйилган:

- мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар - Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари, шунингдек, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларига жойлаштириш;

- хорижий инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш;

- корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим;

- корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни - хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;

- имтиёзларни қўллаш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш.

Мазкур фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзларининг жорий этилиши хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга кириб келишини рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, у истиқболда молиявий муаммолар-

ни бартараф этиш билан бирга, ижтимоий тангликларнинг олдини олишга ҳам қаратилган. Чунки тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар янги иш ўринларини ташкил этишга яқиндан ёрдам берадиган иқтисодий тадбир ҳисобланади.

2.5. Бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва муддатлари

Давлат бюджетига тўланадиган солиқ суммаси солиқ тўловчилар томонидан мустақил равишда, амалдаги бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотлари асосида белгиланади.

Барча тўловчилар йилнинг бир чораги давомида бюджетга солиқнинг жорий тўловларини амалга оширадилар. Жорий тўловларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш учун солиқ тўловчилар тегишли чорак учун тахмин қилинган даромад(фойда) ва белгиланган солиқ хизмати органларига жорий тўловлар бўйича маълумотнома тақдим этадилар.

Ҳисобот чорагида маҳсулотни сотишдан энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача миқдорда даромад(фойда) олган корхоналар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналари улар ишлаб чиқаришининг мавсумий хусусиятини ҳисобга олиб, солиқ тўловларини ҳар чоракда йил бошидан ўсиб борувчи якун билан олдинги чораклар учун ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаларини ҳисобга олиб, жорий тўловларни тўламасдан, ҳақиқатда олинган даромад (фойда)дан келиб чиқиб амалга оширадилар.

2003 йилдан бошлаб ҳисоб чорагида маҳсулотни сотишдан энг кам иш ҳақининг 200 баробаридан ортиқ даромад(фойда) олган корхоналар жорий тўловларни ҳар ойнинг 15-кунидан кечиктирмай тенг улушлар би-

лан даромад (фойда) солиғи чораклик суммасининг 1/3 миқдорида амалга оширадилар.

2.6. Соликни тўлаш тартиби бузилган ҳолларда юридик шахсларга нисбатан қўлланувчи молиявий чоралар

Солиқ кодексининг 135-модда 3-бандига мувофиқ, даромад(фойда) яширилган тақдирда солиқ тўловчидан яширилган даромад(фойда)нинг бутун суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ тўловчи юқоридаги хатти-ҳаракатни молиявий жазо чораси қўлланилгандан кейин 1 йил ичида такроран содир этган тақдирда, ундан тегишли сумма ва яна шу сумманинг икки баравари миқдорида жарима ундирилади.

Солиқлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,07 фоиз миқдорида пения (айбона) ундирилади, тўлов куни ҳам шунга киради. Таъкидлаш жоизки, айбона ундириш солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 ноябрдаги 483-сонли қарорига мувофиқ, юридик шахслар солиқ тўлашдан бош тортиш ҳамда даромад (фойда)ни яширишнинг онгли аломатлари сифатида қуйидаги кўрсаткичлар белгиланган:

1. Молиявий ҳужжатларни қалбакилаштириш.

2. Қалбаки бирламчи бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланиш.

3. Штатда бўлган, аммо корхонада ишламайдиганларга иш ҳақи белгилаш орқали меҳнат ҳаки харажатларини ошириш.

4. Реализациядан шаклланган тушумни келгуси ҳисобот даврига ўтказиш (даромад ва реализация ҳажмини онгли равишда пасайтириш).

5. Амортизация ажратмалари, ёқилғи-энергетика ресурслари ва материал харажатлари бўйича норматив ҳамда лимитларни нотўғри қўллаш ёки сунъий ошириш.

6. Ҳужжатларни йўқ қилиш ёки тақдим этишдан бош тортиш.

7. Ишлаб чиқаришда фойдаланилмаган материал харажатларини ҳисобдан чиқариш.

8. Бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларга мос равишда товарлар ҳамда маҳсулотларни расмийлаштирмасдан жойларда реализация қилиш.

9. Давлат рўйхатидан ўтмасдан ва солиқ органларида ҳисобда турмасдан хўжалик, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш.

10. Давлат солиқ хизмати органининг ёзма талабига мувофиқ, икки ёки ундан ортиқ жойда даромад олаётган жисмоний шахслар ҳақида маълумот бермаслик.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу ҳаракатларни билмасдан амалга ошириб, текширувчи аниқлагунга қадар корхона томонидан хатолар тўғриланса, молиявий жазодан озод этилиши мумкин.

Ҳақиқатни англамоқ учун объектни қиёсламоқ ва таққосламоқ даркор дейдилар. Шунга мувофиқ, бизнинг миллий иқтисодиётимизга қандайдир қирралари билан монанд келадиган айрим хорижий мамлакатлардаги юридик шахслардан олинадиган даромад(фойда)-солиғининг ставкалари ҳақида маълумот берадиган бўлсак, манзара қуйидагича намоён бўлади.

Фойда солиғи **Россия Федерациясида** - 24 %; **Қирғизистон Республикасида** - 15 % ва 30%; **Хитой Халқ Республикасида** - 18 %; 27 % ва 33 %; **Қозоғистон Республикасида** - 24 %; **Арманистон Республикасида** - 20 %ни ташкил этади.

Маълумотлардан кўриш мумкинки, солиқ ставкаси энг кам миқдори Ўзбекистон Республикасида белгиланган. Бу, ўз навбатида, юридик шахслардан олинадиган солиқ юки бошқа қардош республикаларга нисбатан пастлигидан далолат беради.

Такрорлаш учун саволлар

1. 1992-1995 йилларда Ўзбекистонда фақат даромад солиғининг жорий этилишига қандай омиллар таъсир кўрсатган эди?
2. Маҳсулот таннархини ташкил этувчи харажатларни қандай камайтириш мумкин?
3. Қандай харажатларни камайтириш корхона компетенциясига кирмайди?
4. Корхона томонидан қандай харажатлар камайтирилиши мумкин?
5. Нима сабабдан кейинги йилларда даромад(фойда) солиғи тушуми бюджет даромадида камайиб бормоқда?
6. Нима сабабдан ҳозирги кунда айрим корхоналар учун даромад солиғини тўлаш тартиби сақланиб қолган?

А д а б и ё т л а р

1. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси. - Т., «Ўзбекистон», 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. 2000 йил.
3. Давлат бюджети параметрлари ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг башорати ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги 244-сонли қарори.
1. Каримов И.А Ўзбекистон - буюк келажак сари. - Т.,«Ўзбекистон», 1999 йил.

5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. // «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.
6. Раҳмонов Қ. Даромад солиғи ва уни тўлаш тартиби. "Бозор, пул ва кредит", 2002 йил 9-10-сон.
7. Костаев У., Эгамбердиев О. Корхонанинг тақсимланмаган фойдаси: ҳисобга олиш ва тақсимлаш тартиби. "Бозор, пул ва кредит", 2004 йил 2-сон.
8. Маликов Т.С. Солиқ тизимини такомиллаштиришда солиқ имтиёзларининг ўрни. // ТМИ. 2004 йил.
9. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Етти ўлчаб ... "Бозор, пул ва кредит". 2001 йил 3-4-сон.
10. Ҳайдаров Н.Ҳ., Абдураҳманов О.Қ. Современные тенденции формирования подоходного налогообложения и пути его совершенствования в Республике Узбекистан, Москва. "Бухгалтер и закон". 2002 йил 1-сон.
11. Ойбекова Н. Тушумларда бевосита ва билвосита солиқлар моҳияти. / "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", 2003 йил 3-сон.

III боб. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ

3.1. Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқнинг иқтисодий моҳияти ва мазмуни

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ умумдавлат солиқлари таркибига кириб, у бевосита солиқлар ичида мужассамлашган. Тарихий маълумотларга қараганда, ушбу солиқни қонуний жорий этилганига кўпи билан 200 йилдан ортди. Аниқроғи, у дастлаб 1798 йили Англияда кучга кирган. Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ Россия Империясида 1916 йилда қабул қилинди ва 1917 бюджет йилидан кучга кириши лозим эди. Аммо мамлакатдаги сиёсий тузумнинг кескин ўзгариб кетиши уни жорий этишга имконият бермади. Ушбу солиқ режали иқтисодиёт даврида ҳам мавжуд эди, лекин унинг салмоғи, молиявий таъсири жисмоний шахслар даромадида сезиларсиз даражада бўлган.

Режали иқтисодиёт даврида 1946 йилдан жисмоний шахслар иш ҳақига нисбатан яна бир солиқ тури жорий қилинган эди. У «Бўйдоқлар ва кам болали оилалардан олинадиган солиқ» деб номланар эди. Маълумки, иккинчи жаҳон уруши даврида собиқ Иттифоқ республикалари миллионлаб аҳолисидан маҳрум бўлди. Миллионлаб ота-онасиз қолган етим болаларни молиявий маблағ билан таъминлашни осонлаштириш учун ушбу солиқни жорий этишга қарор қилинди. Қайд этилган солиқнинг ставкаси 6 фоиз бўлиб, фарзандсиз эркаклар (23 ёшдан 45 ёшгача) ва турмушга чиққан, аммо фарзанди бўлмаган аёллар (21 ёшдан 45 ёшгача) солиқ тўловчилар ҳисобланган. Ушбу солиқ 1991 йилда бекор килинган.

Республикамиз ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш йўлини танлагандан кейин, кўпчилик ривожланган мамлакатларда тан олинган жисмоний шахслар даромадини «мураккаб прогрессив ставкада» солиққа торта бошлади. Мазкур жараён 1994 йилдан бошлаб амалга ошириб келинмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 1994-2006 йиллар ўртасида солиққа тортиш ставкалари, табақаланишда бир қанча ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Кейинги статистик маълумотларга назар соладиган бўлсак, мазкур солиқ суммаси давлат бюджетининг даромад қисмида кўтарилиш тенденциясига эга. Бунинг ўзига хос объектив сабабларидан бири, солиқ тўловчиларнинг даромад олиш манбалари йилдан-йилга кўтарилаётгани бўлса, иккинчиси солиқ ставкаларининг пасайиб бораётганлигида. Натижада, солиқ тўлашдан бош тортиш ёхуд қочиш ҳоллари камайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, солиқ суммасини тўлиқлигича бюджет даромадига тушиш имкониятини кенгайтирмоқда.

3.2. Жисмоний шахс даромадига солинадиган солиқни тўловчи субъектлар ва солиққа тортиш объекти

Бундай солиқни тўлайдиган субъектлар шартли равишда икки гуруҳга бўлинади:

1. Маъмурий идорада ёхуд бирор юридик шахс бўлган хўжалик субъектида фаолият юритаётган жисмоний шахслар.

2. Юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар.

Мазкур жисмоний шахслар қуйидаги талабларга тўлиқ жавоб берсаларгина даромад солиғига тортиладилар:

- молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар;
- Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки молия йилида бошланадиган ёхуд тугайдиган ўн икки ойгача бўлган исталган давр мобайнида 183 кун ёки ундан кўпроқ муддатда Ўзбекистонда фаолият кўрсатган **резидент** шахслар;
- Ўзбекистон Республикасида бир молия йилида 183 кундан кам муддатда фаолият юритган **норезидент** жисмоний шахслар.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқаридаги манбалардан олган даромадидан умумий ўрнатилган тартибда солиқ тўлайди.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари фақат Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик ва тижорат асосида олинган манбадан даромад солиғи тўлайди.

Жисмоний шахсларнинг даромад объекти сифатида жами йиллик даромад асос қилиб олинади. Аммо солиқ суммаси ҳар ой учун алоҳида-алоҳида ўсиб борувчи усулда ҳисоблаб борилади.

Жами йиллик даромад таркибига солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киради. Жумладан:

- меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлар;
- жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари;
- жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлари.

Жисмоний шахсларнинг меҳнат шартномаси бўйича қилинган ишларидан ва фуқаролик ҳуқуқий шартномалар бўйича оладиган даромадлари меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлар таркибига киради. Чунончи:

■ ходимларга сотиладиган товарлар қиймати билан бундай товарларни харид қилиш нархи ёки уларнинг таннархи ўртасидаги манфий фарқ;

■ иш берувчи томонидан ўз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ходимларнинг чиқимларини қоплаш учун қилинган харажатлар;

■ иш берувчи томонидан ўз ходимларининг ҳаёти ёки соғлиғини ихтиёрий суғурталаш бадалларини тўлаш учун қилинган харажатлар;

■ иш берувчининг ўз ходимларининг бевосита ёки билвосита даромадларини ташкил этадиган бошқа харажатлари.

Бундай харажатларга юридик шахснинг ўз ходими тўлаши лозим бўлган, аммо ушбу юридик шахс томонидан тўланган маблағлар киради. Жумладан:

- коммунал хизматлар;
- турар жой учун тўлов;
- давлат пенсиясига қўшимча тўлов;
- йўл чипталари қиймати, овқатланиш учун қўшимча тўловлар суммаси;
- газета ва журналлар обунаси, туристик йўлланмалар;
- спорт секцияларига абонентлар.

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадига:

- олинган фоизлар;
- дивидендлар;
- мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлар киради.

3.3. Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимидаги барча солиқлар каби жисмоний шахслар даромадидан оли-

надиган солиқ бўйича ҳам қатор имтиёзлар берилиши кўзда тутилган. Юқоридаги бобларнинг бирида солиқ имтиёзларининг шартли учта тури ҳақида маълумот берилган эди. Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ бўйича эса икки турдаги солиқ имтиёзлари қўлланиши амалий тажрибадан маълум. Жумладан, даромад солиғини тўлашдан тўлиқ озод бўлиш ва қисман озод бўлиш каби имтиёз турлари мавжуд. Солиқ имтиёзлари таркибидан муносиб ўрин олган вақтинчалик озод бўлиш, ушбу солиқ тури бўйича жорий этилмаган.

Маълумки, жисмоний шахслар оладиган даромад манбалари хилма-хилдир. Шундай даромад манбалари ҳам мавжудки, агар улар солиққа тортиш базасига киритиладиган бўлса, истиқболда мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, жисмоний шахслар олаётган барча даромадлар ҳам солиққа тортиш базасига киритилавермайди.

Масалан, жисмоний шахсларнинг тижорат банкларига қўйилган депозитдан оладиган даромади мавжуд. Агар ушбу даромад манбаини солиққа тортиш белгиланадиган бўлса, аҳоли ортиқча пул маблағларини тижорат банкларига депозит шаклида қўймасдан, уйида сақлаши мумкин. Бу, ўз навбатида, нақд пул ресурсларининг миллий иқтисодиётда айланишини секинлаштириб, инфляция жараёнига салбий таъсир кўрсатиб жадаллашиб кетишига туртки бўлиши мумкин. Яна бир мисол, ҳукумат давлат бюджетидаги камомадни молиялаштириш мақсадида муомалага давлат заёмлари ёхуд лотореясини чиқаради. Уни харид қилувчиларнинг аксарияти жисмоний шахслар ҳисобланади. Жисмоний шахсларни қизиқтирадиган бирдан-бир нарса ана шу заём ёки лотореядан ютуқ ютиб, қўшимча даромад

олишдир. Агар давлат ютуқдан даромад солиғини ундирадиган бўлса, аҳолининг заём ва давлат лотореяларини харид қилиш кўлами қисқариши мумкин. Бундай ҳолатда заём ва лотореяларни реализация қилиш секинлашиб, ҳукумат ўз олдига қўйган мақсадига тўлиқ эриша олмайди. Шу боис, давлат жисмоний шахслар оладиган айрим даромадларининг макроиқтисодий ва ижтимоий хусусиятини инобатга олиб, алоҳида даромад манбаларини солиққа тортиш базасига киритмайди.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғига тортиш базасига киритилмайдиган даромад манбалари:

- давлат ижтимоий суғурта ва таъминоти бўйича нафақалар;
- олинадиган алиментлар;
- олий ўқув юрти ва ўрта махсус ҳунар-техника ўқув юртларидан бериладиган стипендиялар;
- давлат пенсиялари ва уларга устамалар;
- шахсий ёрдамчи хўжаликда етиштирилган деҳқончилик, чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотларидан келган даромадлар;
- давлат заёмларининг облигация ва лотореялар бўйича ютуқлари;
- банкдаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ва ютуқлар;
- меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган, энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасидаги ишдан бўшатиш нафақаси, давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, шу жумладан, оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақалари бундан мустасно), шунингдек, хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан фуқароларга пул ва натура шаклида бери-

ладиган нафақалар ва бошқа ёрдам турлари (мазкур тузатиш киритилгунига қадар меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси тўловининг тўлиқ ҳажмида солиқ солинадиган даромадга киритилмаган эди);

■ фуқароларнинг хорижда ишлашга юборилиши муносабати билан давлат бюджетидан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотлардан чет эл валютасида оладиган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида (мазкур тузатиш киритилгунига қадар имтиёз барча давлат корхоналари ва ташкилотларидан олинувчи айтилган тўловларга татбиқ этилган эди);

■ Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахсларга бир йўла бериладиган пул мукофотлари ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати.

■ Олимпия ўйинларида ва бошқа халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаган спортчиларга, бир йўла бериладиган пул мукофотлари:

■ бир йил давомида олган қимматли совғаларнинг қиймати 6 минимал иш ҳақи ҳажмида;

■ бир йил мобайнида берилган моддий ёрдам суммалари 12 минимал иш ҳақи ҳажмида;

■ табиий офатлар, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам - **тўлиқлигича**;

■ вафот этган ходим оила аъзоларига ёки оила аъзолари вафот этган ходимларга берилган моддий ёрдам 10 минимал иш ҳақи ҳажми миқдоригача;

■ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12/V 250-сонли қарори билан тасдиқланган ўта зарарли ва оғир шароитдаги ишларда банд бўлган

ходимларнинг даромади умумбелгиланган тартибда солиққа тортилади. Аммо даромад миқдоридан қатъи назар даромадидан олинадиган солиқ суммаси умумий даромаднинг 25 фоизидан ошмаслиги лозим;

- ушбу қарорнинг 1-сон рўйхатининг 3-қисми ҳамда 2-сон рўйхатининг 1-қисмида қайд этилган ишларда банд бўлган **хотин-қизлар**нинг даромадидан солиқ олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим. (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 март 117-сонли қарорига мувофиқ);
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 595-сон қарори 2-бандига кўра бюджетга тўланадиган, амалдаги ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига йўналтириладиган мажбурий ҳар ойлик бадаллар ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг 1 фоизи миқдорида камайтирилади.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлашдан қуйидаги тоифа жисмоний шахслар тўлиқ озод бўладилар:

- Хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари ва ишчи хизматчилари (Ўзбекистон фуқаролари бундан мустасно).
- Ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари.
- Мудофаа вазирлиги.
- Ички ишлар вазирлиги.
- Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

■ Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари.

■ Божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига қарашли шахслар.

■ Ўзбекистон Республикаси прокуратура тизимидаги ходимлар (2002 молия йилидан бошлаб).

■ Ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар – хизматни ўташ муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўлов суммалари.

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳар бир тўлиқ ой учун **энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдорида** тўлашдан озод этилган жисмоний шахслар таркиби:

■ Ўзбекистон Қаҳрамони, Совет Иттифоқи қаҳрамонлари.

■ Ленинград қамалида 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача бўлган даврда Ленинград шаҳрида ишлаган фуқаролар;

■ Болалигидан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек, **I** ва **II** гуруҳ ногиронлари.

■ Ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтаб келган собиқ аскарлар.

■ Чернобль АЭСидаги фалокат оқибатида жабр кўрганлар.

■ Қаҳрамон оналар, ўн ва ундан ортиқ фарзанди бўлган аёллар.

■ Икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар.

■ Болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота ёки онадан бири.

Амалиётда имтиёзларни олиш бўйича даромад солиғидан тўлиқ озод бўлганларга бирон-бир расмий ҳуж-

жат талаб қилинмайди, чунки улар фаолият кўрсатаётган идора вазирлик асос қилиб олинади. Бироқ даромад солиғидан қисман озод бўлган жисмоний шахслар ўзлари фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларга имтиёз олишини тасдиқловчи расмий ҳужжатни тақдим этишлари шарт. Агар бир жисмоний шахс бир вақтнинг ўзида ҳам Афғонистонда хизмат қилган ва ундан кейин Чернобль АЭС фалокатини бартараф этишда иштирок этиб соғлиғи азият чекан бўлса, унга бир тўлиқ ойда икки баробар солиқ имтиёзи берилиши кўзда тутилмаган. Бундай ҳолатларда солиқ тўловчининг хоҳишига мувофиқ бир тўлиқ ойда бир солиқ имтиёзидан фойдаланиши мумкин.

3.4. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ставкалари

Жаҳон амалиётида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи уч хил ставкада ундирилади: прогрессив, пропорционал ва регрессив. Бизнинг республикамизда 1994 йилдан бошлаб, мураккаб прогрессив ставкада солиқ ундириш бошланди. Одатда, прогрессив ставкада солиқ ундир ҳам икки хил кўринишда бўлади. Жумладан: оддий ва мураккаб прогрессив ставкалар.

Оддий прогрессив ставкада солиқ ставкаси барча даромадлар учун кўтарилади. Бир ойда 1000 сўмгача даромад 1%; 1001 дан 2000 сўмгача даромад 2 % ва ҳ.к. Агар солиқ тўловчининг бир ойлик даромади 1000 сўм бўлган тақдирда, у 10 сўм солиқ тўлайди. Мобода 1001 сўм бўлиб қолса, у 20 сўм солиқ тўлаши лозим. Одатда, назарий жиҳатдан оддий прогрессив ставка кашф этилган бўлса-да, лекин амалиётда оддий прогрессив ставкада солиқ ундириш деярли қўлланилмайди.

Мураккаб прогрессив ставкада солиқ тўловчининг даромад ҳажмига қараб бир неча табақаларга бўлинади ва ҳар бир табақа учун алоҳида солиқ ставкаси қўлланилади. Мисол учун солиқ тўловчининг бир ойлик солиққа тортиш даромади 1001 сўм бўлса, у 1000 сўмидан 1 % солиқ ставкаси бўйича 10 сўм бўлади, қолган бир сўмидан 02 сўм солиқ ундирилади. Жами тўлаган солиқ суммаси 10 сўм 2 тийинни ташкил этади.

Бу усулда солиқ ставкасининг кўтарилиши фақат муайян чегарадан ошган даромадга нисбатан қўлланилади.

Амалий тажрибаларда жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг яна икки тизими мавжуд бўлиб, улар шедуляр ва глобал тизим деб ном олган.

- Шедуляр тизими қўлланадиган давлатларда солиққа тортиш ҳар бир солиққа тортиладиган манбага нисбатан қўлланилиб, йил сўнгида жами даромад қайтадан ҳисобланмайди.

- Глобал солиққа тортиш тизимини қўллаётган давлатларда солиқ тўловчи олган ҳар бир даромад манбаидан солиқ тўлаганлигидан қатъи назар, йил якунида барча олинган даромадлар қайтадан ҳисобланади. Ва шаклланган суммадан муқаддам тўланган солиқ суммаси ҳисобга олиниб, тўланмай қолган даромаддан яна умумбелгиланган тартибда солиқ ундирилиши талаб этилади.

Бизнинг Республикада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари жорий этилгандан буён қатор ўзгаришлар содир бўлди. Ҳаттоки, юқори ставка 45 фоиз ва қуйи ставка 15 фоиз миқдоригача бўлиб, бугунги кунда қуйидаги кўринишдаги ставкалар шаклланди.

2007 молия йилида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари

№	Ялпи даромад ҳажми	Солиқ суммаси
1	Энг кам иш ҳақи ҳажмининг 5 баравари-гача	Даромад суммасининг 13 фоизи
2	Энг кам иш ҳақининг 5 баравари (+ 1 сўм)дан 10 баравари миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан олинадиган солиқ +5 баравардан ошадиган суммaнинг 18 фоизи
3	Энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 баравари (+ 1 сўм) ва ундан юқори миқдордан	Энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан олинадиган солиқ + 10 бараваридан ошадиган суммaнинг 25 фоизи

Солиққа тортиш учун энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан эътиборан ортиб борувчи якун тарзида ҳисобланади.

3.5. Жисмоний шахсларнинг декларация тақдим этиш тартиби ва солиқни тўлаш муддати

Жами йиллик даромад ҳақидаги декларация қуйидаги ҳолларда топширилади:

- Асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган жисмоний шахслар.
- Резидент чет эллик жисмоний шахслар
- Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган резидент жисмоний шахслар.

Асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган резидент жисмоний шахслар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг **1 апрелидан** кечиктирмасдан ўзлари истиқомат

қилаётган туман солиқ инспекциясига белгиланган шакладаги декларацияни тақдим этишлари лозим.

Чет эллик жисмоний шахслар назарда тутилаётган даромадлари ҳақида - Ўзбекистонга келган кундан бошлаб бир ой мобайнида туман солиқ инспекциясига декларация тақдим этилиши лозим.

Асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган резидент - жисмоний шахслар - жами йиллик даромад ҳақидаги декларация маълумотлари бўйича ҳисобот йилидан кейинги йилнинг **1 июнидан** кечикмай, йил мобайнида қайта ҳисобланганда эса - декларация давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган кунидан эътиборан **1 ой** ичида тўланиши лозим.

Такрорлаш учун саволлар

1. Даромад солиғининг эволюцион тарихи ҳақида нималарни биласиз?
2. Қачондан бошлаб мураккаб прогрессив усулда солиққа тортила бошланди?
3. Нима сабабдан Ўзбекистон Республикасида аҳолидан олинадиган даромад солиғининг улуши бюджет даромадида нисбатан паст?
4. Солиққа тортилмайдиган минимумни бекор қилишга қандай омиллар таъсир кўрсатди?
5. Республикамиз солиқ тизими қўшни мамлакатлардаги солиқ тизимидан қайси жиҳатлари билан фарқланади?
6. Ушбу солиқ тури бўйича боқимандалик улуши қандай ривож топмоқда?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси. – Т., «Ўзбекистон», 2003 йил.
2. Давлат бюджети параметрлари ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг башорати ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги 532-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиш шкаласини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони. / «Солиқ тўловчининг журнали», 2000 йил 1-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларни аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони. // "Халқ сўзи", 2002 йил 26 январь.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида. "Халқ сўзи" 2002 йил 26 январь.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон – буюк келажак сари. -Т., «Ўзбекистон», 1999 йил.
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. // «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.
8. Абдурахмонов О. Даромад солиғи ставкалари қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари. "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", 2002 йил 4-сон.
9. Абдураҳмонов О. Солиқ солишнинг декларация усули. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 1999 йил 5-сон.
10. Раҳмонов Қ. Даромад солиғи ва уни тўлаш тартиби./ / "Бозор, пул ва кредит". 2002 йил 9-10-сон.
11. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т., «Академия», 2002 йил.

IV боб. Савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларининг ялпи даромадидан олинадиган солиқ

4.1. Ялпи даромад солиғининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни

2005 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасида:

– савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида 60,7 млн та субъект рўйхатга олинган;

– озиқ-овқат молларини сотиш 4,6 фоизга, ноозиқ-овқат молларни сотиш эса 12,5 фоизга ошди;

– умумий овқатланиш товар айланмаси 142,2 млрд. сўмни ташкил этди;

– 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига чакана савдодаги товар захиралари 39,2 млрд сўмни ёки 24 савдо кунини, шу жумладан, консигнация товарлари 1,6 млрд. сўм ёки 1 савдо кунини ташкил қилди.[1]

Амалий тажрибаларга назар ташлайдиган бўлсак, бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда асосий эътибор маҳсулот ва товарларни ишлаб чиқаришга нисбатан, уларни реализация қилишга қаратилади. Буни тўлиқ эътироф этган Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш жараёнида асосий эътиборини савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш корхоналарининг фаолиятини қулай шароитда ташкил этишга қаратмоқда.

Миллий иқтисодиётимизда 1996 йилга қадар савдо ва умумий овқатланиш корхоналари тармоқлар иқтисодиётидаги бошқа корхоналарга белгиланган солиқларнинг барчасини тўлаб келганлар.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2006 йил, 37-бет.

1996 молия йилидан бошлаб савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш корхоналари даромадига нисбатан соддалаштирилган солиқ тизими қўлланилмоқда. Қисқа давр мобайнида қуйидаги қатор ўзгаришлар содир бўлди:

- Дастлаб, савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан фақат ялпи даромад солиғи тўланган;
- 1998 молия йилидан бошлаб, ялпи даромад ва мол-мулк солиғи тўланган;
- 2002 йил 1 июлдан бошлаб, юқорида санаб ўтилган икки солиқ ўрнига ялпи тушум(товар айланмаси ҳажми)дан солиқ тўланган;
- 2003 йил 31 июлдан бошлаб яна ялпи даромад ва мол-мулк солиғини тўлашга ўтилди.

2003 йил 31 июлдан бошлаб, улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш корхоналари, микрофирма, кичик корхоналар ялпи даромад солиғи ва мол-мулк солиғини белгиланган тартибда тўлайдилар.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида назорат касса машиналаридан фойдаланиш ҳамда товарлар сотиш ва хизмат кўрсатишдан олинадиган нақд тушумини инкассация қилиш қоидаларига риоя этиш ялпи даромад солиғини тўлашга ўтишнинг мажбурий шартидир. Ушбу тартиб ўз фирма дўконлари орқали нақд ҳисоб-китобга майда улгуржи ва чакана савдони амалга оширадиган улгуржи савдо корхоналарига жорий этилади.

Мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби амалдаги йўриқномага мувофиқ, мулк шаклидаги барча корхоналар каби умумбелгиланган тартибда амалга оширилади.

Мабодо, чакана ёки улгуржи савдо ёхуд умумий овқатланиш соҳасидаги кичик корхона асосий фаолият

туридан бошқа фаолият тури билан шуғулланса, у ушбу фаолият тури бўйича алоҳида ҳисоб юритиши лозим.

Агар тармоқлар иқтисодиётининг бошқа корхоналари асосий фаолият туридан ташқари қўшимча савдо билан ҳам шуғуллансалар, улар белгиланган тартибда савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига рухсат гувоҳномасига эга бўлишлари ва савдо қоидаларига риоя қилишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябр "Юридик ва жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини ташкил этиш ва уларни рўйхатга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 407-сонли қарорига мувофиқ, 2002 йил 1 декабрдан бошлаб, улгуржи савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар, албатта, рухсат гувоҳномасига эга бўлиши шарт.

Рухсат гувоҳномасига эга бўлиш учун юридик шахс шахсий моддий-техника базаси(товар партияларини реализация қилиш учун йиғиш, навларга ажратиш, товарларни сақлашга мос келадиган шахсий омборхонси)га ҳамда рўйхатдан ўтиш пайтида **6000** минимал иш ҳақи ҳажми(шундан **2000** минимал иш ҳақига тенг бўлган сумма пул маблағи кўринишида бўлиши шарт)га тенг бўлган **Низом** жамғармасига эга бўлиши лозим.

Рухсат гувоҳномаси улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи шахснинг аризасида кўрсатилган бўлади, бироқ уч йилдан ортиқ муддатга бўлиши мумкин эмас.

Рухсат гувоҳномаси икки ҳолат содир бўлганда ўз кучини йўқотиши мумкин:

- улгуржи савдони амалга ошириш тартиб-қоидалари қўпол равишда бузилганда;
- юридик шахсга хизмат кўрсатувчи тижорат банки маълумотига асосан **1 ой муддат** даврида реализация обороти бўлмаган ҳолатда.

Икки ҳолат бўйича ҳам давлат солиқ инспекциясининг тавсиясига мувофиқ, рухсат гувоҳномасини берган ҳокимият томонидан у қайтариб олинади.

Товарларнинг улгуржи савдо обороти фақат келишилган шартнома ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича қуйидаги субъектлар билан амалга оширилади:

- муқим (стационар) савдо жойига эга бўлган, назорат-касса машинаси билан таъминланган юридик шахслар;
- давлат муассасаларини таъминлашга ихтисослашган махсус савдо фирмалари, давлат таъминот ташкилотлари, махсус истеъмолчилар;
- шахсий хўжалик-ишлаб чиқариш фаолияти учун харид қилаётган юридик шахслар;
- юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш рухсатномасига эга бўлган жисмоний шахсларга кичик-кичик партияларда реализация қилиш (фақат, назорат-касса машинаси билан таъминланган ҳамда чакана савдо олиб борадиган муқим савдо жойига эга бўлган жисмоний шахслар) мумкин.

Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс бир вақтнинг ўзида чакана савдо билан ҳам шуғулланмоқчи бўлса, унга давлат солиқ органи томонидан чакана савдо қилиш учун шартномада муқим жойи ҳамда назорат касса машинаси мавжудлигини тасдиқловчи маълумотнома берилган бўлиши шарт.

Чакана савдо фаолияти билан шуғулланиш учун ҳокимият томонидан бериладиган рухсат гувоҳномаси ҳам бўлиши лозим.

Бундай гувоҳномани олиш учун юридик шахснинг ўз ёки ижарага олган муқим савдо нуқтаси ҳамда назорат касса машинаси бўлиши керак.

Рухсат гувоҳномаси чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи шахснинг аризасида кўрсатилган бўлади, бироқ у икки йил муддатга берилган бўлади.

Рухсат гувоҳномаси қуйидаги ҳолатларда ўз кучини йўқотиши мумкин:

- чакана савдони амалга ошириш тартиб-қоидалари қўпол равишда бузилганда;

- юридик шахсга хизмат кўрсатувчи тижорат банки маълумотига асосан, бир ҳафта муддатда реализация обороти бўлмаган ҳолатда.

Ушбу ҳолатлар бўйича давлат солиқ инспекциясининг тавсиясига мувофиқ, гувоҳнома берилган ҳокимият томонидан қайтариб олинади.

Чакана савдо фаолиятини фақатгина муқим савдо нуқтасига ва назорат касса машинасига эга бўлган юридик шахслар амалга ошириши мумкин. Савдо фаолиятида яхна ичимликлар ва музқаймоқдан бошқа товарларни ташқарига чиқариб савдо қилиш қатъиян ман этилади.

2003 йил 1 январдан бошлаб, Умумий овқатланиш корхоналари қатъий равишда юридик шахс мақомида фаолият юритишлари шарт. Хусусий тадбиркорларнинг ушбу фаолият билан шуғулланишига рухсат этилмайди.

Улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари учун:

- божхона тўловлари (товарларни импорт қилишда божхона божлари ва йиғимлари, акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи);

- давлат божлари;

- савдо ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш ҳуқуқи учун лицензия йиғимлари;

- давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сақланиб қолади.

Савдо корхоналари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки жойлардаги давлат ҳокимияти органлари қарорларига биноан, ўзларига ижарага берилган ер учун ижара тўловидан озод қилинади.

4.2. Солиқ тўловчи субъектлар ва солиққа тортиш объекти

Улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари (қуйида корхоналар деб аталади) ялпи даромад солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳномада қайд этилган корхона фаолияти коди ялпи даромад солиғи тўловчиларни аниқлашнинг асосий мезони ҳисобланади.

Корхонанинг ялпи даромади эса ялпи даромад солиғи тўлаш объекти ҳисобланади.

Ялпи даромад таркибига қуйидагилар киради:

- реализация қилинган товарларнинг харид ва сотиш баҳолари ўртасидаги фарқ;

- асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операцион даромадлар);

- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар. Бунда баланс валюта моддаларини қайта баҳолашдан олинган даромад бўлиб, мусбат ва манфий курс ўртасидаги сальдо манфий курс фарқи мусбат фарқиникидан ошиб кетган тақдирда ошиб кетган сумма ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқаётганда солиқ солинадиган базани камайтирмайди;

- Консигнация шартномалари бўйича товарларни реализация қиладиган савдо корхоналари ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқиш чоғида божхона тўловлари, акциз ва ҚҚСни солиқ солиш объекти(ялпи даромад солиғи)дан реализация қилинган товар улушига қараб чиқарилади;

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ белгиланган бошқа даромадлар.

Дивидендлар ва фоизлар шаклида олинган даромадлар солиқнинг тўлов манбаи бўйича тўланганлигини

тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлган тақдирда ялпи даромаддан чегирилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан тўланадиган дивидендлар ва фоизлар умумбелгиланган тартибда солиққа тортилади.

4.3. Ялпи даромаддан олинадиган солиқ ставкалари, ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари

Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан солиқ тўловчининг жойлашган ҳудудига ва бошқа ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда белгиланади.

2006 йил Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи даромадига табақалаштирилган солиқ ставкалари

	Солиқ тўловчилар	Қуйидаги ҳудудларда жойлашган корхоналар учун солиқ ставкалари (ялпи даромадга нисбатан фоизда)		
		Тошкент шаҳри ва Республиканинг бошқа шаҳарларида	Қишлоқ жойларда	Узоқ тоғли туманларда
1	Улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари, улардан:	20	18	16
	Умумтаълим мактабларига, мактаб-интернатларга, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари	16	14	12

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалар, шунингдек, реализациядан олган товар айланмаси бўйича ялпи даромаддан амалдаги ставкадан **20** фоизга пасайтирилган ставка бўйича даромад солиғини тўлайдилар.

Ялпи даромад солиғи бўйича ҳисоб-китоб корхоналар (тўловчилар) томонидан рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирилмай тақдим этилади.

Солиқ тўловчилар ялпи даромад солиғи бўйича ҳисоб-китобларни топшириш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай тўлайдилар. Улар ялпи даромад солиғининг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Давлат солиқ хизмати органлари ялпи даромад солиғига тортишни белгиланган қоидасига риоя этилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширадилар.

Ушбу солиқ бўйича шуни алоҳида қайд этиш жоизки, зеро солиқ суммаси бюджет даромадида сезиларсиз бўлса-да, аммо солиқ хизмати ходимларининг аксариятини жиддий фаолият юритишга даъват этиб туради.Бу, ўз навбатида, мазкур солиқ ва уни бюджетга тортиш механизмини доимо ва изчил такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини соддалаштирилган солиқ тизимига ўтказишнинг зарурати нимада эди?
2. Нима сабабдан умумий овқатланиш ва савдо ташкилотлари ялпи даромад солиғидан ташқари яна мол-мулк солиғини тўлаши лозим?
3. Чакана савдо ташкилотларида касса аппаратини қўллашнинг шартлиги нима билан изоҳланади?
4. Улгуржи савдо билан шуғулланаётган тадбиркорлар фаолиятига қандай объектив сабаблар салбий таъсир кўрсатмоқда?
5. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан олинадиган ялпи даромад солиғини қандай такомиллаштириш мумкин?

А д а б и ё т л а р

1. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси. - Т., «Ўзбекистон», 2003 йил.
2. Давлат бюджети параметрлари ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг башорати ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги 244-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти "Савдо, умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони. "Халқ сўзи", 2002 йил 12 июнь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти "Улгуржи савдо корхоналарини солиққа тортишни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони. 2003 йил 4 февраль.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. 2003 йил 10 июнь.

6. Каримов И.А Ўзбекистон - буюк келажак сари. -Т., «Ўзбекистон», 1999 йил.
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. // «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.
8. Костаев У., Эгамбердиев О. Корхонанинг тақсимланмаган фойдаси: ҳисобга олиш ва тақсимлаш тартиби. "Бозор, пул ва кредит", 2004 йил 2-сон.
9. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т., «Академия», 2002.
10. О дополнительных мерах по развитию сети предприятий розничной торговли, общественного питания и бытового обслуживания населения на 2003-2006 год. "Журнал налогоплательщика", 2003 год № 4-5.
11. Султонов А. Савдо тизими корхоналари бюджет муносабатларини такомиллаштириш. "Бозор, пул ва кредит", 2003 йил 12-сон.
12. Қурбонов З. Ялпи тушумдан ягона солиқ ва унинг бухгалтерия ҳисоби. "Солиқ тўловчининг журнали", 2003 йил 86-сон.

V боб. Иқтисодиёт тармоқларида қўшилган қиймат солиғи

5.1. Солиқнинг иқтисодий моҳияти ва ривожланиш босқичлари

Қўшилган қиймат солиғи илк бор Ғарбий Европа мамлакатларида 1960 йиллардан бошлаб кенг жорий этила бошлаган. Қўшилган қиймат солиғининг асл ватани эса Франция давлати бўлиб, у француз иқтисодчиси М. Лоро томонидан 1954 йилда кашф этилган. 1990 йилларда ушбу солиқ ер юзидаги 40 дан ортиқ давлатлар миллий иқтисодиётида мавжуд бўлиб, 1991 йилдан кейин собиқ Иттифоқ давлатларининг миллий иқтисодиётига жорий этилди. Шундай қилиб, ҳозирги кунга келиб қарийб 60 дан ортиқ давлатларда қўшилган қиймат солиғи мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида **1992** молия йилига қадар миллий иқтисодиётда "Оборот солиғи" ва "Сотувдан олинадиган солиқ"лар мавжуд эди. Аммо у солиқлар бозор иқтисодиётига тўлиқ мос келмаслигини эътиборга олиб, 1992 молия йилидан бошлаб мазкур солиқлар ўрнига бозор иқтисодиёти принципларига мос келадиган ва универсал хусусиятга эга бўлган қўшилган қиймат солиғи жорий этилди.

ҚҚС иқтисодий тузилиши ва мазмунига кўра эгри солиқлар таркибига кирса-да, аммо ўзининг универсаллик хусусияти билан бошқа эгри солиқлардан ажралиб туради. Яъни ушбу солиқ муайян бир хом ашёнинг алифбосидан бошлаб, тайёр маҳсулот шаклини олиб, харидор истеъмол қилгунга қадар ҳар бир босқичда қўшилган қийматга нисбатан ўрнатилади ва солиқ кўриниши да давлат бюджетига ўтказилади. Давлат бюджетига ўтган ҚҚС суммаси миқдорида реализация қилинаётган товарнинг баҳоси кўтарилиб бораверади.

Одатда, ҚҚСни ҳар бир истеъмолчи ёки харидор товарни харид қилганда **билвосита** тўлайди. Аммо давлат бюджетига **бевосита** тўловлар қўшилган қиймат солиғини тўлаш тизимида иштирок этадиган алоҳида юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Бизни қизиқтирадиган асосий масала, давлат бюджети билан ҳисоб-китоб қилаётган яъни солиқни тўлаётганлар юридик ва импорт операцияларида иштирок этаётган жисмоний шахслар ҳисобланади.

ҚҚС жорий этиш ва ривожланиш босқичида бўлиб, бу жараён турли мамлакатларда турлича кечади. ҚҚС ўзига хос бир универсал хусусиятга, шунингдек, давлат бюджети даромадида юқори улушга эга бўлгани боис, уни миллий иқтисодиётга жорий этиш чора-тадбирлари 1,5–2 *йил* муддатни талаб этар экан.

ҚҚС жорий этилиши ва солиқлар ўртасида кескин тафовутлар мавжуд. Жумладан, қўшилган қиймат солиғини жорий этган айрим Осиё мамлакатлари маълумотларига назар соладиган бўлсак, у қуйидагича намоён бўлади (1-гистограммага қаранг).

1-гистограмма

Осиё мамлакатларида ҚҚС нинг жорий этилган вақти ва ставкаси ҳақида маълумот
(2000 йил маълумотлари)



1-гистограмма маълумотларига кўра, ҚҚС жорий этилиши, асосан, 1990 йилдан кейин бошланган. Жанубий Корея давлати бундан мустасно. Солиқ ставкаларига назар соладиган бўлсак, энг юқори ставкаси 15 фоиз бўлиб, Покистон ва Монголия давлатларига хос. Иордания давлатида эса 13 фоиз этиб белгиланган. Қолган давлатларда бор-йўғи 10 фоиз миқдорида солиқ ставкаси ўрнатилган.

ҚҚС бошқа солиқларга нисбатан қатор устуворликларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

• ҚҚС маҳсулот таннархи орқали шаклланадиган баҳога қўшилмайди, балки шаклланган баҳонинг устига қўшилиб, у истеъмолчи ёки харидор томонидан қопланади. Бу, ўз навбатида, маҳсулот таннархининг ошиши ва корхона рентабеллигини пасайишига тўғридан-тўғри таъсир этмайди;

• хом ашё тайёр маҳсулот бўлгунга қадар, қатор босқичларни ва ҳудудларни босиб ўтади. Демак, товарнинг ҳаракати ва босқичлари жараёни қаерда қарор топган бўлса, солиқ суммаси айнан ўша худуд бюджетига тушади. Бу, ўз навбатида, бюджет муассасаларини молиялаштириш имкониятларининг осонлашувига олиб келади;

• солиққа тортиш механизми самарали йўлга қўйилган тақдирда, солиқ тўловчи учун ҳам, солиқ хизмати ходими учун ҳам уни ҳисоблаб чиқиш жараёни ғоятда қулай кечади. ҚҚС ҳисоб-китоб қилишда қандайдир маънода ўз-ўзини назорат қилишга ундайди. Чунки ҳар бир харидор ёки сотувчи счет-фактурада солиқнинг тўлиқ ҳажмини тўғри ва аниқ кўрсатилишидан манфаатдордир;

• ҚҚС бюджет даромадини оширишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Чунки солиққа тортиш оборотларининг кўплигидан, солиқ ставкасининг озги-

на кўтарилиши ҳам ҚҚС суммасининг бюджет даромадида кескин ошиб кетишига олиб келади;

• ҚҚС бюджет муассасалари маблағларини инфляцияга кескин учрашини олдини олиб туради. Чунки нархнинг ошиши билан шунга мос равишда қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳам ошиб боради.

• ҚҚС корхона маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятини кенгайтиради. Яъни кимда-ким ишлаб чиқарган товарларини хорижий мамлакатларга экспорт қиладиган бўлса ҚҚСни бюджетга тўлашдан озод этилади;

• ҚҚС миллий иқтисодиёт учун ўта зарур бўлмаган импорт товарларга қўлланиб, **протекционизм** сиёсатини қўллашга қулай имконият яратади. Бу ташқи иқтисодий алоқаларни миллий иқтисодиётга мос ҳолда ривожлантиришга туртки бўлади;

• ҚҚС барча корхоналар учун махсус счет-фактурасида алоҳида акс эттирилишининг талаб этиши, уни тўлашдан бош тортиш ҳолларини анча мураккаблаштиради.

ҚҚС юқорида қайд этилган устувор хусусиятлари билан бирга, маълум бир нуқсонларга эга. Жумладан:

• аксарият ҳолларда солиққа тортиладиган маҳсулотнинг ҳақиқий реализация даврига нисбатан солиқ суммасини тўлаш даври мос келмайди. Чунки бизда солиққа тортиладиган оборот – сотилган маҳсулот учун сотувчи корхона ҳисоб-китоб рақамига келиб тушган маблағ эмас, балки харидорга жўнатилган маҳсулотнинг олди-сотди актининг эътироф этилиши асос қилиб олинган. Бу Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуннинг 13-моддасида қуйидагича баён этилган: *"Даромадлар ва харажатлар, тўланган вақти ва келиб тушган санадан қатъи назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади"*.

• импорт қилинадиган товарларда солиққа тортиш базасида нафақат қўшилган қиймат, балки унга мутлақо тааллуқли бўлмаган бошқа элементлар ҳам ҳисобга олинади. Масалан, акцизости товарларини импорт қилаётган шахс, товардаги акциз суммаси ва божхона божи йиғиндисидан шаклланган қийматдан ҳам ҚҚС тўлайди. Шундай қилиб, бир вақтнинг ўзида бир товарнинг ўзи икки- уч марта турли хил эгри солиқларга тортилади;

• юқори ставка қўлланилган пайтда истеъмолчиларнинг харид қилиш қуввати сусаяди. Натижада, ишлаб чиқарувчиларнинг реализация жараёни қисқаради. Ҳаттоки, минимал ҳажмдаги фойдани кўзлаган ишлаб чиқарувчи учун ҳам сотув баҳосига қўшиладиган ҚҚС ҳисобига чиқарган маҳсулотларини тезда реализация қилиш имконияти чекланади;

• ишлаб чиқарувчининг ҳисоб-китоб рақамига харидордан ўз вақтида ва тўлиқлигича солиқ суммасининг келиб тушмаслиги ҚҚС суммасини оборот маблағлар ёки бошқа эркин маблағлар ҳисобига тўлашга олиб келади;

• ҚҚС тўлашдан озод бўлган корхоналар билан ҚҚС тўлаш тизимидаги корхоналар ўртасидаги товар-пул муносабатларининг ривожланишига муайян тўсиқлар мавжуд.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҚҚС ушбу нуқсонлари бўлишига қарамай, ҳозирги кунда давлат бюджети даромадининг қарийб 22-24 фозини таъминлаб беришини ҳам унутмаслик зарур. Чунки биргина ҚҚС тушадиган йиллик солиқ суммаси Фарғона водийсида жойлашган учта вилоятнинг бир йиллик маҳаллий бюджети даромадига тенг бўлади.

5.2. Солиқ тўловчи субъектлар ва солиққа тортиш объекти

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган барча юридик шахслар ва уларнинг алоҳида филиаллари ҳамда бўлинмалари ҚҚС тўловчилар ҳисобланади.

Бироқ тармоқнинг устуворлиги ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни рағбатлантириш максадида айрим юридик шахслар ҚҚСни бюджетга тўлашдан озод бўлганлар. Хусусан:

- ягона ер солиғини тўлаётган Қишлоқ хўжалиги корхоналари;

- ялпи даромад солиғини тўлаётган Савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари;

- микрофирма ва кичик корхоналар (ўз хоҳишига биноан соддалаштирилган ягона солиққа тортиш тизимига ўтганлар);

- ягона божхона тўлови тизимида фаолият юритаётган импорт товарларни мамлакат ичкарисига олиб келаётган тадбиркорлар.

Солиққа тортиш объекти:

1. Товар (иш, хизмат) ларни реализация қилиш обороти.
Товар (иш, хизмат) ларни импорт қилиш обороти.
3. Текинга берилган товарлар обороти.
4. Таннархидан паст нархда реализация қилинаётган товарлар обороти.
5. Натура шаклида берилаётган товар ва маҳсулотлар.

Солиққа тортиладиган оборотни аниқлаш.

Реализация бўйича солиққа тортиладиган оборот миқдори, реализация қилинадиган товарлар, хизматлар қиймати асосида қўлланиладиган нархлар ва тарифлардан келиб чиқиб, акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Амалдаги Солиқ кодексининг 70-моддасига мувофиқ, импорт товарга солинадиган солиқ миқдори қуйидагича белгиланган: «Импорт қилинадиган товар (иш, хизмат)ларга солинадиган солиқ миқдорига товар (иш, хизмат)ларнинг божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган бож қиймати, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига товар (иш, хизмат)ларни импорт қилишда тўланадиган акциз солиғи, божхона божлари суммалари киритилади».

5.3. Қўшилган қиймат солиғи ставкаларининг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси

йиллар	солиқ ставкаси
1992	30 % ; 28 %; 0 %
1993*	25 % 6 %; 0 %
1994	20 %; 0 %
1995	18 %; 0 %
1996	17 %; 0 %
1997**	18 % ; 10 %; 0 %
1998**	20 % ; 10 %; 0 %
1999**	20% ; 15 %
2000-2006	20 %

* Изоҳ: Солиқ стакаси 25 % бўлиб, солиқдан шакланган сумманинг 6 фоизи – инвестицион фаолият олиб бораётган корхоналар ихтиёрида қолдирилган. Мисол учун қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиққанда бюджетга тўланадиган солиқ суммаси 100 сўмни ташкил этди дейлик. Ана шу 100 сўмдан 6 сўмини корхона ўз ихтиёрида қолдириб, уни корхона ишлаб чиқаришини кенгайтириш учун инвестицон харажатларга йўналтириши мумкин.

**Ижтимоий аҳамиятга молик бўлган айрим озиқ-овқат товарлари бўйича имтиёзли солиқ ставкаси кўзда тутилган (сут, гўшт, ун ва нон).

Ноль даражали ставка бўйича солиққа тортиш

• Экспортга чиқариладиган товарлар, хизматлар, ишлар. (Ўзбекистон Республикаси товарлар (ишлар, хизматлар) экспортига нисбатан солиқ солиш режимини қўллайдиган давлатларга реализация қилиш ҳоллари бундан мустасно).

• Хорижий мамлакатларнинг республикадаги дипломатик ва консуллик фаолияти билан боғлиқ хизматлар ва ишлар.

• Аҳолига сув, иссиқлик ва газ таъминоти бўйича кўрсатиладиган коммунал хизматларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет эл юкларини ташиш бўйича хизматлар (транзит ташишлар)га ҚҚС бўйича «0» ставкаси жорий этилди. 2005 йилга қадар ушбу пунктда айтилган хизматлар ҚҚС дан озод қилинган эди.

Бугунги кунга келиб миллий иқтисодиётда ҚҚС суммасини аниқлашнинг икки хил формуласи мавжуд.

Белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб, ҚҚС қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$\textbf{С ққс = О с.т.об х Н / 100 ; (1)}$$

бу ерда:

- **С ққс** - истеъмолчидан олинаётган солиқ суммаси;
- **О с.т.об** – солиққа тортиладиган оборот (облагаемый оборот);
- **Н**- қўшилган қиймат солиғининг ставкаси.

Масалан:

$$\frac{180{,}000 \times 20\%}{100} = 36{,}000$$

1. 36 000 сўм харидордан олинадиган солиқ суммаси.

2. Реализация қилинган товар (иш, хизмат)лар баҳоси ёки тариф таркибида қўшилган қиймат солиғи мавжуд бўлса, солиқ суммаси қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{С ққс} = \text{Ст} \times \text{Н} / (\text{Н} + 100); \quad (2)$$

Бу ерда:

Ст- таркибида ҚҚС бўлган товар (иш, хизмат)лар қиймати

Масалан: Таркибида ҚҚС бўлган 198.000 сўмлик товар мавжуд. Ундаги ҚҚС суммаси қанча?

Юқорида қайд этилган формулага асосан у қуйидагича аниқланади.

$$1)\ \frac{198{,}000 \times 20}{20 + 100} = \frac{3{,}960{,}000}{120} = 33{,}000$$

Юқорида қайд этилганидек, давлат бюджети даромадида қўшилган қиймат солиғи суммаси етакчи ўринни эгаллайди. Хаттоки, айрим молия йиллари унинг улуши давлат бюджети даромадининг 1/3 қисмига яқин бўлган суммани ташкил қилган(2-гистограммага қаранг).

2-гистограмма

Қўшилган қиймат солиғининг давлат бюджети даромадидаги салмоғи



2-гистограммадан маълум бўладики, 1999, 2000, 2002, 2003 ва 2004 молия йилларида қўшилган қиймат солиғи мос равишда жами бюджет даромадининг 31,6; 29,7; 28,6 ва 27,8 фоизини забт этган. Қолган бюджет йилларида ҳам унинг салмоғи бошқа солиқ турларига нисбатан жуда юқори бўлиб келмоқда.

ҚҚС суммаси акс эттириладиган **счет-фактура**, фирманинг солиқ ҳақидаги мажбурияти ва олди-сотдини тасдиқловчи ва принципиал аҳамият касб этувчи асосий ҳужжатдир. Шунинг учун уни расмийлаштиришда қатъий тартиб талаб этилади.

1998 йил 1 январдан бошлаб, корхоналар маҳсулот реализация қилганда, иш бажарганда ва хизмат кўрсатганда счет-фактурани тўлдиришлари мажбурийдир. Ҳаттоки, ҚҚС тизимида иштирок этмайдиган микрофирма ва кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари ва бюджет муассасалари ҳам бундан мустасно эмаслар.

Счет-фактурани маҳсулот ортиб жўнатилгандан кейин, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат эътироф этилган заҳотиёқ тўлдириш зарур.

5.4. Солиқ имтиёзлари

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Солиқ кодексига мувофиқ, Давлат бюджетига қарийб 30 дан ортиқ йўналишдаги товар, иш ва хизматлар реализация обороти бўйича солиқ тўлашдан озод қилинган бўлиб, уларни шартли холатда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Молиявий хизматлар билан боғлиқ бўлган имтиёзлар (пул маблағлари билан бўладиган операциялар, кредит бериш ва бош.).

2. Социал йўналтирилган имтиёзлар (маориф, соғлиқни сақлаш, спорт, диний ташкилотлар хизмати, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш, шаҳар йўловчи транспорт хизматлар, ногиронлар учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматлар ва ҳакозо).

3. Лицензия тўлови, йиғимлар, пошлиналар тўлаш юзасидан бажарилган хизматлар учун имтиёзлар.

4. Жамият учун устувор аҳамият касб этадиган тармоқлар ва фаолият турлари бўйича бериладиган имтиёзлар.

5. Суғурта бўйича воситачилар ва агентлар амалга оширадиган суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш операциялари ҳамда бундай операциялар билан боғлиқ хизматлар.

5.5. Қўшилган қиймат солиғи суммасини аниқлаш тартиби

Қўшилган қиймат солиғи суммасини аниқлаш тартиби Қўшилган қиймат солиғини бюджетга ўтказиш механизмининг шартли намунаси (1-чизма)да кўрсатилган. Солиқ ставкаси 20 %.



(70.000 X 0.20 =14.000с)

Шуни унутмаслик лозимки, Бюджетга тааллукли бўлган солиқ суммаси, товар(хизмат, иш)лар реализация қилган сотувчига харидор томонидан тўланган солиқ суммаси билан товар(хизмат, иш)ларни сотганда олинган солиқ суммаси ўртасида ижобий фарқ бўлади.

Ёки: 100 сўмлик товарни ҚҚС билан 120 сўмга харид қилган субъект уни қайта ишлаб 200 сўмлик товар шаклига келтириб ҚҚС суммасини қўшган ҳолда 240 сўмга сотади. Бунда, бюджетга тааллукли сумма 20(40-20) сўмни ташкил этади.

5.6. Импорт товарлари ва хизматлардан олинадиган солиқ

Ўзбекистон Республикасидаги солиқ қонунчилиги ва божхона режимига биноан, импорт қилинаётган товар(-иш,хизмат)лар ҚҚС тортиладиган объект ҳисобланади.

Товарларини импорт қилаётган юридик шахслар эса қўшилган қиймат солиғини тўловчи субъектлар ҳисобланади;

Тадбиркорлик фаолияти асосида товарларини импорт қилаётган жисмоний шахслар ҚҚС тўламасдан **Ягона божхона тўловини** қуйидаги ставкаларда тўлайдилар:

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари -- **40 %.**
2. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари – **70 %.**
3. Ун маҳсулотлари - **0 %.**

Товарнинг ***божхона қиймати*** Ўзбекистон ҳудудига кириб келаётган импорт товарларига нисбатан ҚҚС қўллашга асос қилиб олинади. Импорт товарларни ҚҚС тортиш обороти - унинг божхона қиймати, божхона божи ва агар товар акцизости товари бўлса, акциз суммасининг йиғиндиси ҳисобланади.

Импорт товаридаги ҚҚС суммасини ҳисоблаш қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\mathbf{С\ ккс = (Ст + Пип + Ас) \times Н / 100\ ;}$$

Бу ерда:

- **Ст** - импорт товарнинг божхона қиймати;
- **Пип** – божхона божининг суммаси;
- **Ас** – акцизости товар бўйича акциз суммаси.

Божхона органининг қарорига мувофиқ, импорт қилинаётган товарлар бўйича тўлов муддати кечиктириб берилиши мумкин. Лекин бу ҳолат божхона декларацияси тўлдирилгандан кейин 2 ойдан ошиб кетмаслиги лозим. Аммо, экспорт товарларини ишлаб чиқаришга қаратилган моддий техника ресурсларини импорт қилаётган шахслар учун тўлов муддатини кечиктириш 90 кунгача узайтирилиши мумкин.

Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги микрофирма ва кичик корхоналар, шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликларига фоиз тўловисиз 90 кунлик муддатга кечиктирилган шароит яратиб бериш кўзда тутилган.

Тўлов муддатини кечиктириб бериш қуйидаги ҳужжатларни тақдим этгандан кейингина таъминланади:

- божхона органи раҳбариятига товарни импорт қилаётган корхона раҳбари ва бош бухгалтери солиқни тўлаб бериш муддати ва тўлаш бўйича мажбуриятларини акс эттирувчи хати;
- солиқ тўловчига хизмат кўрсатувчи банкнинг, ҳақиқатда корхона хисоб-китоб рақамида, шунингдек, валюта рақамида пул ресурсларининг етишмаётганлигини тасдиқловчи маълумотномаси;
- товар-транспорт ва кузатув-илова ҳужжатлари.

Импорт товарларига нисбатан ҚҚС тўлов муддатини кечиктириб берган давр учун корхона Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 % миқдорида тўлов тўлаши лозим.

5.7. Солиқ тўловчиларнинг Давлат бюджети билан ҳисоб-китоб қилиши ва солиқни тўлаш муддатлари

■ Солиқ тўловчи корхоналар ҳар ойнинг 15-кунидан кечикмасдан ўзлари рўйхатдан ўтган солиқ инспекциясида, ўтган ой тўланган солиқ суммасини ортиб борувчи якун шаклида бюджет билан ҳисоб-китоб қиладилар. Йил якуни бўйича эса, йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш билан бир вақтда ҳисоб-китоб қиладилар.

■ Корхона мос равишдаги давр учун ҳақиқий реализация оборотига асосланиб белгиланган кундан кечикмасдан қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоб қилишлари шарт.

■ Тугаётган ой бўйича барча солиқ тўловчи субъектлар ҳар ойда бир маротаба, ҳисобот ой учун келгуси ойнинг 15-санасига қадар солиқ суммасини тўлашлари зарур. Солиқни ўз вақтида тўламаган солиқ тўловчилар ҳар бир ўтиб кетган кун учун **0,07** фоиз пеня тўлашга мажбурдир;

■ Янгидан ташкил этилган корхона ва биринчи маротаба ҚҚС тўловчи корхоналар, дастлабки ойда бюджет билан ҳақиқатда реализация оборотига асосланган ҳолда ҳисоб-китоб қиладилар. Кейинги ойларда эса, қабул қилинган умумий тартибда солиқни тўлайдилар;

■ Агар корхона номалум бир сабабга кўра меъёридан ортиқ ҚҚС тўлаган бўлса ва бошқа солиқ турларидан қарзи бўлмаса, у корхонанинг ёзма талабига асосан 30 кун ичида қайтариб берилади ёки келгуси ой ҳисобига ҳисоб-китоб қилинади. Бу солиқ тўловчи субъектнинг хоҳишига биноан амалга оширилади;

■ 2003 молия йилидан бошлаб, экспортёрлар муқаддам тўлаган солиқ суммасини қайтариб олиш тартиби бўйича янги тартиб жорий этилди. Унга мувофиқ

товарлар Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқилиб, реализация бўлгандан сўнг корхона ҳисоб рақамига валюта тушуми тушганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим этилгандан кейин олдин тўлаган ҚҚС суммаси экспортёрга қайтарилади.

■ Солиқ тўғрисидаги қонунларга риоя қилинишини текшириш жараёнида, корхонага ҚҚС тўловчиси ҳисобланмаган етказиб берувчилар томонидан ҳисоб-варақ-фактураларда ҚҚС суммаси кўрсатилган ҳолда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, текширилаётган корхонага нисбатан жарима жазолари қўлланмайди ва мазкур корхона бюджет билан қайтадан ҳисоб-китоб қилмайди ҳам. Ҳисоб-варақ-фактуралар тўғри тузилиши учун жавобгарлик товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб берувчилар зиммасига юкланади.

5.8. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш, бюджетга тўловни амалга оширишнинг айрим хусусиятлари бўйича шартли амалий масалалар

Маҳсулот реализацияси билан боғлиқ бўлмаган барча операцияларда ҚҚС, айни шу маҳсулотларни реализация қилгандаги ҳажмда бюджетга тўланиши шарт. Бу ерда мантиқ жуда оддий. Яъни, маҳсулот даромад олиш учун ишлаб чиқарилади ва унинг таркибида истеъмолчилар тўлайдиган ҚҚС бўлиши шарт. Агар корхона онгли равишда даромаддан воз кечса - бюджет асосий даромад манбаи бўлган ҚҚС суммасини йўқотиш билан тенг бўлади. Мабодо корхона ишлаб чиқарган барча маҳсулотларини текинга тарқатган тақдирда ҳам давлат бюджети азият чекиши мумкин эмас, яъни корхона маҳсулотни реализация қилганда қанча ҚҚС суммаси шаклланадиган бўлса, уни тўлиқ ҳажмда бюджетга тўлаши шарт.

ҚҚС суммасини давлат бюджетига тўлаш бўйича айрим амалий мисоллар:

1. Текинга бериладиган товар(хизмат, иш)лар бўйича ҚҚСни ҳисоблаш тартиби.

Текинга бериладиган товарнинг солиққа тортиладиган обороти бўлиб, товар берилаётган даврдаги баҳоси ва тарифидан келиб чиқади. Аммо, у ишлаб чиқарилган(ташқаридан харид қилинган) товарга кетган ҳақиқий харажатидан кам бўлмаслиги лозим.

Асосий воситалар ва номоддий активларни текинга берганда, активларнинг қолдиқ қиймати ва берилаётган даврдаги баҳо ўртасидаги тафовут солиққа тортиш обороти ҳисобланади.

Реализация қилинадиган товарларга тўлдириладиган счет-фактура, текинга бериладиган товарларда ҳам расмийлаштирилиши шарт.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, қайси корхона товар (иш, хизмат)ни текинга берса, ўша корхона ҚҚС суммасини тўлайди!

Мисол учун, 200,000 сўмлик товар текинга берилди дейлик. Ушбу суммага 20 % ҚҚС ҳисобланади. Яъни, мос равишдаги тартиб аниқлангандан сўнг:

1. 200.000 х 20 / 100 = 40.000

2. Маҳсулот (хизмат, иш)ни таннархидан паст нархда реализация қиладиган корхоналардан солиққа тортиш обороти сифатида, ана шу товарларнинг таннархи олинади.

Масалан, корхона шартнома баҳода 250.000 сўмлик товарни (41.666 сўм ҚҚС билан) реализация қилди дейлик. Реализация қилинган маҳсулотнинг таннархи 220.000 сўм. Бундай шароитда ҚҚС 220.000 сўмга нисбатан ҳисобланади. 220.000 х 20% / 100 = 44.000 сўм. 2.334 сўм (44.000-41.666) тафовут харидордан эмас, балки реализация килган корхонадан ундирилади.

3. Корхона меҳнат ҳақини натура кўринишида (жумладан, ўзи ишлаб чиқарган бўлса ҳам) тўласа ёки уларни таннархидан паст қийматда касса орқали реализация қилса, қуйидаги тартибда ҚҚС тўлайди.

Масалан, корхона ўз ходимига 25.000 сўмлик маҳсулотни реализация қилган деб фараз қилайлик,. Аммо, мазкур маҳсулотнинг таннархи 30.000 сўмни ташкил этади. Бундай ҳолатда корхона 30.000 сўмдан ҚҚС тўлаши лозим. Яъни, солиқ ставкаси 20 % бўлганда, солиқ суммаси 6.000 сўмга тенг бўлади.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 март 88- сонли "Иш ҳақини ўз вақтида таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2002 йил 1 апрелдан бошлаб, корхоналарнинг мулк шаклидан қатъи назар, иш ҳақини натура кўринишида тўлаш бекор қилинади.

Фақат ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уларни қайта ишланган турларини қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчилари ишчи ходимнинг ёзма аризасига биноан шартнома баҳосида берилиши, бундан мустасно.

4. Корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот(иш, хизмат)лардан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган ички бўлинмаларида фойдаланса ёки тақдим этса, солиққа тортиш объекти ана шу берилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ҳисобланади.

Масалан, тўқимачилик фабрикаси ўзи ишлаб чиқарган 10.000 сўмлик, 100 метр матони ўз таркибидаги медпунктга фойдаланиш учун берди деб тасаввур қилайлик. Медпунктга матони бергандан сўнг, матога нисбатан ҚҚС ҳисобланади. Корхона ҳисобланган солиқ суммасини муддатидан кечиктирмай 2.000 (10.000 х 20% / 100) сўм миқдорида бюджетга тўлаши лозим.

Медпунктда матони ҚҚС қўшган ҳолда 12.000 сўм қилиб акс эттиради.

5. Узоқ муддатли ишлаб чиқариш циклига эга бўлган корхоналар (қурилиш, қурилиш-монтаж ва қурилиш жиҳозлаш, илмий ва лойиҳа қидирув ташкилотлари) учун солиққа тортиш обороти - ижрочи томонидан бажарилган ишнинг буюртмачи томонидан эътироф этилган, тасдиқланган қиймати ҳисобланади.

Ўзининг эҳтиёжи учун ўзи бажарган қурилиш-монтаж ишлари ҚҚСга тортилмайди. Материал ресурслар, ёқилғи ва бошқа жиҳозлар бўйича тўланган солиқ суммаси қурилиш объектига қўшиб юборилади.

6. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг реализацияси бўйича ҚҚС суммасини эътироф этиш кўзда тутилмаган. Ана шу воситалар реализация қилинаётганда солиққа тортиш обороти сифатида, асосий воситаларни сотиш баҳоси билан уларнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги тафовут олинади.

Мисол учун корхона 50.000 сўмлик қолдиқ қийматли асосий воситани 100.000 сўмга реализация қилди деб фараз қилайлик. Бунда тафовут 50.000 (100.000-50.000) сўмни ташкил этяпти. 50.000 сўмда ҚҚС акс эттан бўлади. Бундай ҳолат шаклланганда ҚҚС, 50.000 / 100 х 20% = 10.000 сўмни ташкил этади.

Бу ҳолатда шу нарсага алоҳида эътибор бериш жоизки, агар корхона асосий воситаларини тенг ёки қолдиқ қийматидан паст нархда реализация қилса, солиқ тўловчида ҚҚСга тортиш объекти шаклланмайди. Шунинг учун бюджетга ҚҚС ҳисоблаш ва ўтказиш жараёни бўлмайди.

Бироқ, асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати тўлиқ амортизацияланиб тугаган бўлиб, уни текинга баҳолаш қиймати асосида бераётган бўлса, ҚҚСга тортиш обороти баҳолаш қиймати ҳисобланади.

1-мисол.

- Асосий воситанинг бошланғич қиймати ҚҚС билан биргаликда 200.000 сўм.
- Ушбу воситаларга эскириш суммаси 180.000 сўм.
- Қолдиқ қиймати 20.000 (200.000-180.000) сўм.
- Реализация баҳоси 120.000 сўм.
- Солиққа тортиш объекти 100.000(120.000-20.000) сўм.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси 16.666 (100.000 х 20%/120) сўм.

2-мисол.

- Асосий воситанинг бошланғич қиймати ҚҚС билан биргаликда 200.000 сўм.
- Ушбу воситаларга эскириш суммаси 180.000 сўм.
- Қолдиқ қиймати 20.000(200.000-180.000) сўм.
- Реализация баҳоси 20.000 сўм.
- Солиққа тортиш объекти 0 (20.000-20.000) сўм.

Бунда, асосий воситанинг қолдиқ қиймати билан реализация баҳоси тенг бўлиб қолганлиги туфайли бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси 0 (0 х 20%/120) сўмни ташкил қилади.

3-мисол.

- Асосий воситанинг бошланғич қиймати ҚҚС билан биргаликда 200.000 сўм.
- Ушбу воситаларга эскириш суммаси 180.000 сўм.
- Қолдиқ қиймати 20.000 (200.000-180.000) сўм.
- Реализация баҳоси 15.000 сўм.
- Солиққа тортиш объекти 0 (15.000-20.000) сўм.
- Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси 0 (0 х 20%/120) сўм.

Алоҳида балансга эга бўлган, аммо бир тизимдаги турли корхоналар бир-бирига асосий воситаларни текинга берган тақдирда ҚҚСга тортилмайди. Бироқ асосий воситани солиққа тортмаслик учун умумий мулк эгаси бўлган юқори ташкилотнинг махсус буйруғи бўлиши шарт.

ҚҚСга тортиш обротига қўшилмайдиган жараёнлар:

1. Юридик шахс мақомидаги бирон-бир корхонанинг бўлими ёки цехи ихтиёридаги хом ашё, ярим тайёр ва ним тайёр маҳсулотларни, айни шу корхонанинг бошқа бир бўлими ёки цехига ўтказадиган бўлса, ҚҚС тортилмайди. Бу ишлаб чиқаришнинг ички обороти бўлиб корхона тузилмавий бўлимлари ўртасида хом ашё чорак, ярим тайёр, нимчорак тайёр ва ниҳоят, тайёр маҳсулотга айланади. Сўнгра истеъмолчи учун ташқи бозорга чиқарилади.

Масалан, тўқимачилик комбинатида ип йигирилиб калава бўлгандан кейин, мато цехига ўтказилади. Ипдан мато тайёрлангандан сўнг бўёқлаш цехига, сўнгра комбинат таркибига тикув цехига ўтказилиб, у ерда тайёр маҳсулот чиқарилади. Қайд этилган 4 босқичнинг бирортасида ҳам ҚҚСга тортиш шарт эмас. Чунки, маҳсулот бир тузулмавий корхонанинг таркибидаги жараёнда тайёр маҳсулотга айланяпти.

Агар, корхона ипни тайёр маҳсулот сифатида ташқарига реализация қилганда эди, ҚҚС умумий тартибда солиққа тортилар эди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бир тузулманинг таркибида бўлишига қарамай, тижорат банкида алоҳида ҳисоб рақами орқали олди-сотди операцияларини бажараётган хўжалик субъектлари алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлади ва улар ҚҚСни умумий белгиланган тартибда тўлашлари зарур.

Шуни ёдда тутиш керакки, корхонанинг тузулмавий бирликлари мавжуд бўлиб, тижорат банкларида алоҳида ҳисоб-китоб рақамига ва мустақил балансга эга бўлмаган бўлим, цехлар ва филиаллар ҳисобланади.

2. Корхона тарқатилаётган (ликвидация) пайтда, уни ташкил этишда иштирок этган таъсисчиларга қайтариб берилаётган улушлари ҚҚСга тортилмайди.

Ликвидация қилинаётган корхонани бошқа бир субъектга реализация қилган ҳолатда, яъни мол-мулк ўрнига пул олмоқчи бўлса, юқорида қайд этилган тартиб тадбиқ этилмайди ва белгиланган тартибда ҚҚСга тортилади.

ҚҚСга тортиш оборотини корректировка қилиш

Агар харидор олдин сотиб олган маҳсулотини ишлаб чиқарувчига қайтариб берса, шунингдек, буюртмачи томонидан бажарилган иш ва кўрсатилган хизматга эътироз бўлса, олдин тўланган ҚҚС корректировка этилади. Бунда, қайтариладиган товар ёки ишнинг яроқлилик кафолати даври тугамасдан қайтарилиши лозим.

Бунинг учун ишлаб чиқарувчи харидорга белгиланган шаклдаги счет-фактура ёзиб берган бўлади. Агар товар юқорида қайд этилган шартга мос келиб, олинган товарнинг барчаси ишлаб чиқарувчига қайтариб берилса, шу товарни кузатиб борган счет-фактура бутунлай йўқ қилинади. Мабодо, товар қисман қайтарилган бўлса, айни қисман қайтарилган товарга мўлжалланган ҚҚС корректировка қилиниб, янги счет-фактура ёзиб берилиши лозим.

Янги счет-фактура ишлаб чиқарувчи учун товарнинг реализацияси бўйича тўланган ҚҚСни корректировка қилишига асос бўлса, истеъмолчига ҚҚС ҳисобот қилиш учун асос бўлади.

Ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиётида ҚҚСни ҳисоблашнинг уч хил тартиби кенг тарқалган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- **товар, маҳсулот ва бутловчи қисмларни ортиб жўнатиш ёки етказиб бериш.** Мазкур механизмнинг ўзиги хос томони шундаки, ҚҚСни ҳисоблаш ва уни бюджетга тўлиқ тўлаш сотувчи ва харидор томонидан ҳам товарларни ортиб жўнатилган ёки хизмат кўрса-

тилган ва ишлар бажарилган заҳоти амалга оширилиши зарур. Бошқача айтганда, реализация қилинган товар учун ҳисоб-китоб рақамига молиявий ресурслар келиб тушган ёки тушмаганлиги принципиал аҳамият касб этмайди. Асосийси, олди-сотди операциясини тасдиқловчи ҳужжат бўлса кифоя;

- **тўловли ёки кассали тартиб**. Ушбу механизмда солиққа тортиш мажбурияти етказиб берилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат учун молиявий ресурсларнинг корхона ҳисоб-китоб рақамидаги ҳақиқий тушган суммаси принципиал аҳамият касб этувчи кўрсаткич ҳисобланади. Бошқача изоҳлаганда, олди-сотди операциялари учун харидордан сотувчи кассасига ёки ҳисоб-китоб рақамига ҳақиқатда пул ресурслари келиб тушгандан кейин ҚҚС ҳисобланади ва шундан сўнг давлат бюджетига тегишли суммани ўтказиш зарур бўлади;

- **гибридли тартиб**. Тўловли (кассали) механизмдан кескин тафовут қилмаса-да, қисман фарқланадиган томонлари мавжуд. Солиқ мажбурияти мол етказиб берилган вақт ҳисобланади, яъни етказиб берилган товарни экспертиза қилиш, омборда сақлаб туриш, харидор топиш муаммолари солиқни ўз вақтида тўламасликка асос бўла олмайди. Аммо ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулот учун харид қилган хом ашёларга фақатгина ҳисоб-китоб рақамига маблағ келиб тушгандан сўнг солиқ мажбуриятини амалга ошириш лозим бўлади.

Қўшилган қиймат солиғи тизимида фаолият юритмайдиган хўжалик субъектларидан ҚҚСни ундириш тартиби.

Масалан, полиграфия корхонаси қоғозни ҚҚС билан баргаликда харид қилди. Аммо ушбу корхона ҚҚСни бюджетга тўлашдан озод бўлган. Корхона қоғозни етказиб берувчига тўлаган ҚҚС суммасини ҳисобот қила

олмайди ва уни ишлаб чиқариш харажатларида акс эттиради. Шундай қилиб мазкур корхона ишлаб чиқараётган товарнинг таннархи қисман ошади. Қизиғи шундаки, айнан шунга ўхшаш товарни ҚҚС тўлаётган корхона ишлаб чиқариб бозорга реализация қилса, у ҚҚСни ҳисобот қилади ва у ишлаб чиқарган товар таннархи ҚҚС ҳисобига кўтарилмайди.

Масалан, соддалаштирилган ягона солиқни тўловчи микрофирма ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган товарни ҚҚС билан биргаликда харид қилди дейлик. Унда ҚҚС суммаси алоҳида кўрсатилмасдан у маҳсулот ишлаб чиқариш таннархида акс эттирилади.

Агар корхона бир вақтнинг ўзида ҳам ҚҚС тўлашдан озод бўлган фаолият, ҳам ҚҚС тўлаш фаолиятини олиб борса харажатлар ҳисобини алоҳида юритиши лозим. Ва шунга мос равишдаги солиқни умумий тартибда тўлаши керак. Мабодо, алоҳида ҳисоб юритишнинг имконияти бўлмаса, бир турдаги товар бир жойда ҚҚСга тортилади, иккинчи бир жойда ҚҚСга тортилмайдиган шароит вужудга келса, харажатларни алоҳида-алоҳида ҳисобга олиш имконияти мураккаблашади. Бундай ҳолат шаклланганда, солиққа тортиладиган оборотни аниқлаш унинг умумий улушидан келиб чиқади.

Мисол учун корхона ҳисобот даврида ҚҚСсиз 200.000 сўм реализация оборотига эга бўлди деб фараз қилайлик. Шундан 170.000 сўмлик реализация обороти солиққа тортиш оборотига тааллуқли. Қолган 30.000 сўм эса ҚҚСга тортишдан озод этилган.

Солиққа тортиладиган реализация обороти умумий суммада 85% (170.000 / 200.000 х 100)ни ташкил этяпти.

Агар ушбу ҳисобот даврида олинган счет-фактура бўйича ҚҚС 35.000 сўмни ташкил этса, зачетга шу суммaнинг 85%и қабул қилинади. Яъни 29.750 (35.000 х 85 / 100) сўм.

Қолган 5.250 (35.000 - 29.750) сўм маҳсулот таннархига қўшилади. Бу, ўз навбатида, товарнинг таннархини оширишга олиб келади.

1998 йил 1 январдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товар, хизмат ва ишларни реализация қилаётган барча корхоналар счет-фактурани тўлдиришлари шарт. Ҳаттоки, солиқ тўлашдан озод бўлган ва махсус солиқларни тўлаётган корхоналар ҳам бундан мустасно эмаслар. Хусусан:

- ҚҚС тўлаш тизимида фаолият юритаётган корхоналар реализация қилинаётган товар оборотига нисбатан солиқни акс эттирадилар. Кейинги реализация жараёнида олдин тўланган солиқ суммаси зачет қилинади;

- солиқ тўлашдан озод бўлганлар ва махсус соддалаштирилган солиқларни тўловчи корхоналар счет-фактурани ҚҚС сиз деб тўлдиришлари шарт. Кейинги реализация жараёнида солиқ суммаси зачет қилинмасдан маҳсулот таннархига ёхуд давр харажатларида акс этади;

- солиқни **"0"** ставкада тўлайдиган корхоналар эса **"0"** ставкали ҚҚС деб қайд этади. Кейинги реализация жараёнида олдин тўланган солиқ суммаси зачет қилинади ва бюджетдан қайтариб берилади.

Ноль ставкасининг иқтисодий маъноси шуки, товар, иш ва хизматлар қийматида **ҚҚС** бутунлай йўқ, яъни **"0"** га тенг ҳисобланади.

Ноль ставкани қўллаётган корхонанинг ҚҚС тўлашдан озод бўлган корхонадан устувор томони шундаки, ҚҚСдан озод бўлган корхона олдин тўлаган солиқ суммасини зачет қила олмайди, бу корхона эса зачет қилади ёки бюджетдан қайтариб олади.

Масалан, корхонанинг экспортдан тушган тушумини миллий валютага алмаштирганда 900.000 сўмни таш-

кил этди. Жорий даврда олинган счет-фактура бўйича ҚҚС суммаси 50.000 сўмни ташкил этган. Ноль ставканинг қўлланиши шуни англатадики, маҳсулот реализация қилинаётган пайтда ҚҚС ҳисобланмайди. Экспортга жўнатилган товарнинг хом ашёларини харид қилганда тўлаган 50.000 сўм зачет қилинади, яъни бюджетдан қайтариб берилади. Бу маҳсулот таннархининг ошиб кетишига бевосита таъсир кўрсатмайди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қўшилган қиймат солиғи муқаддам мавжуд бўлган қандай эгри солиқлар ўрнига жорий этилган?
2. Қўшилган қиймат солиғини жорий этишнинг бюджет даромадини шакллантиришдан ташқари яна қандай устувор жиҳатлари мавжуд?
3. Нима сабабдан АҚШда қўшилган қиймат солиғи мавжуд эмас?
4. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг қандай замонавий усуллари мавжуд?
5. Экспорт қилинадиган товар ва маҳсулотлар учун солиқ суммасини бюджетдан қайтариб бериш тартибига қандай ўзгаришлар киритилди?
6. Қўшилган қиймат солиғи бўйича боқимандалик даражасини камайтириш учун яна қандай чоралар кўриш лозим?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси. -Т., «Ўзбекистон», 2003 йил.
2. Давлат бюджети параметрлари ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг башорати ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги 244-сонли қарори.

3. Каримов И.А Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т., «Ўзбекистон», 1999 йил.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. // «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.
5. Абдураҳмонов Х., Фозиев Б. Солиқ юкини камайтиришда қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар. "Бозор, пул ва кредит", 2003 йил 10-сон.
6. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: «Академия», 2002 йил.
7. Ойбекова Н. Тушумларда бевосита ва билвосита солиқлар моҳияти. "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", 2003 йил 3-сон.
8. Қодиров Б. Солиқ тўловчининг ҳуқуқий кафолатлари (ҚҚС). "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", 2000 йил 2-сон.
9. Ҳайдаров Н.Ҳ. Қўшилган қиймат солиғини ундиришдаги айрим муаммолар. ТМИ. 2004 йил 11-12 февраль.
10. Яҳёев Қ. Эгри солиқлардан амалиётда фойдаланишни такомиллаштирайлик. «Солиқ тўловчининг журнали», 2000 йил 6-сон.

VI боб. Акциз солиғи

6.1. Акциз солиғининг пайдо бўлиш босқичлари ва иқтисодий моҳияти

Тарихий манбаларнинг хабар беришича, акцизлар қадимги Рим иқтисодиётида муваффақиятли қўлланилган. Албатта, у даврларда ҳозирги кўринишда бўлмаган, аммо билвосита солиқ кўринишида кенг тарқалган. «Акциз» сўзининг луғавий маъносига эътибор берадиган бўлсак, у француз тилидан олинган бўлиб, ўзбек тилида «қирқиб олиш» деган маънони англатади.

Қадимда акцизлар аҳолининг кенг истеъмол товарларига нисбатан жорий этилган. Бу, ўз навбатида, акциз солиғининг мамлакат ғазнасидаги улуши юқори бўлишига олиб келган. Тарихий манбаларнинг дарак беришича акциз солиғи, асосан, туз маҳсулотларига ҳам кенг қўлланилган. Шу боис, 18-асрнинг ўрталарида Россиянинг Волгабўйи минтақасида туз жанги деб ном олган воқеа ҳам содир бўлган. Воқеа содир бўлишига таъсир кўрсатган бош омил ўша пайтларда туз маҳсулотига акциз солиғи ставкасини 5 копеекдан 20 копеека оширилиши таъсир қилган.

XX асрнинг бошларида Россия империяси бюджет даромадида акцизларнинг мавқеи жуда юқори бўлиб, 1901 йилда бюджет даромадининг 61 фоизи фақат акциз солиғи суммасидан шаклланган. Солиққа тортиш объектини кундалик эҳтиёж моллари ташкил этган. Жумладан: туз, шакар, гугурт, чой, шағам, тамаки маҳсулотлари, спиртли ичимликлар ва қишки кийим кечаклар.

Инқилобдан кейин акцизости товарлар таркибидан кундалик эҳтиёж молларининг аксарият қисми олиб ташланди. Натижада, бюджет даромадида акцизларнинг салмоғи 1918 йил. - 12.1 фоизга, 1919 йил. - 8.8 фоизга тушиб кетди.

Бундай ҳолат бюджет даромадини ўз вақтида ва тўлиқлигича шакллантира олмади. Натижада, ҳукумат янги иқтисодий дастур (НЭП)ни қабул қилди. Унбу дастурга биноан, акцизости товарлар таркиби яна кенгайтирилди ва қуйидагилардан таркиб топди: калиш, валенка, вино, нефть маҳсулотлари, кофе, квас, мис ва олтин буюмлар.

1930 йилга келиб, Давлат иқтисодиётда хусусий мулкни миллийлаштирди, жамоалаштириш кенг авж олиши натижасида асосий мулк давлат ихтиёрига ўтди. Социалистик тарғиботга биноан, давлат ўз мулкидан солиқ олиши мумкин эмас эди. Шунга асосан, 1930 йили мамлакатда солиқ ислоҳоти бўлиб ўтди. Унга мувофиқ, акцизларни олдинги шаклда ва тартибда иқтисодиётда қўллаш бутунлай бекор қилинди. Акцизлар ўрнига Оборотдан олинадиган солиқ жорий этилди.

Бугунги кунга келиб, дунёдаги қарийб барча мамалакатлар миллий иқтисодиётини ва Давлат бюджети даромад қисмини акцизлар орқали тартибга солиш тажрибаси амал қилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида акцизларни солиқ сифатида жорий этиш юқори рентабелли бўлган товарларга нисбатан қўлланилади. Ҳукумат акцизлар орқали акцизости товарларини ишлаб чиқарувчиларнинг кам харажат ва ҳаракат қилиб қўлга киритган юқори иқтисодий самарасининг бир қисмини бюджет даромадига олади. Акцизларни товарларга белгилашга таъсир этган омиллардан яна бири шундан иборатки, товар нархининг ошиши товарни истеъмол қилишни чеклашга кескин таъсир ўтказмайди. Жумладан, олтин буюмлар, спиртли маҳсулотлар, тамаки маҳсулотлари.

Акцизларни кўп ҳолларда харажат солиғи деб ҳам аташади. Бунинг маъноси шуки, фуқаро қанчалик кўп акцизости товарларини истеъмол ёки харид қилса, у

шунчалик кўп акциз солиғини тўловчи шахс ҳисобланади. Умуман барча эгри солиқлар қатори, акцизларни ҳам бюджетга бевосита акцизости товарларини ишлаб чиқарувчи юридик шахслар тўласа-да, бироқ билвосита тўловчилар, акцизости товарлари истеъмолчилари ва харидорлари ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам акцизости товарларининг таркибини белгилашда ёки уларга нисбатан ставкаларни қўллашда ўта эҳтиёткорлик ва оқилона молия сиёсати олиб борилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида акцизларни жорий этиш 1992 молия йилидан бошланган. Ўтган давр мобайнида, акцизости товарлари таркиби билан бир қаторда, уларга белгиланаётган солиқ савкаларида ҳам қатор ўзгаришлар содир бўлди.

Акцизларнинг бошқа солиқлардан фарқи шундаки, у мулк шаклидан қатъи назар барча хўжалик субъектларидан эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берган айрим товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқараётган хўжалик субъектларига нисбатан қўлланилади.

Акцизлар **умудавлат** солиқлари таркибига киради. Иқтисодий тузилиши ва мазмунига кўра билвосита солиқлар таркибидан ўрин олган.

6.2. Акциз солиғини тўловчи субъектлар, солиққа тортиш объекти ва функциялари

Таомилга мувофиқ акциз солиғини тўловчи субъектлар шартли ҳолатда икки гуруҳга бўлинади:

1. Мулк шаклидан қатъи назар, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган акцизости товарларини ишлаб чиқараётган юридик шахслар.

2. Мулк шаклидан қатъи назар, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган акцизости товарларини

импорт қилаётган юридик ва белгиланган нормадан ортиқ акцизости товарларни импорт қилаётган жисмоний шахслар.

Акцизости товарларининг солиққа тортиш **объекти** бўлиб, шартнома (эркин) баҳода ортиб жўнатилган товарлар қиймати (таркибида акциз суммаси қўшилган), (қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда) ёки физик ҳажми ҳисобланади.

Акцизости товарлар натура тўлови сифатида ёки қайтарилмаслик шарти билан ҳисоб-китоб қилинган тақдирда ҳам солиққа тортилади. Агар, шундай вазият вужудга келса, солиққа тортиш объекти бўлиб, акцизости товарнинг айни ўтказаётган пайтдаги ҳақиқий нархидан таркиб топган қиймати ҳисобланади.

Акцизларнинг бошқа турдаги солиқлардан асосий фарқи шундаки, у ўзига хос функцияларни бажаради. Жумладан:

- фискал (хазинани тўлдириш) функцияси;
- тартибга солувчи (ички бозорни айрим хорижий товар ва маҳсулотлардан ҳимоя қилиш) функцияси;
- ижтимоий ҳимоя (инсон соғлиғига секин-аста зарар келтирадиган айрим товар ва маҳсулотларни иқтисодий йўл билан чеклаш. Масалан, спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотлари) функцияси.

Юқорида қайд этилган функциялар ичида фискал функция устувор аҳамият касб этади. Чунки давлат бюджетини тўлдиришда эгри солиқларнинг салмоғи юқори бўлиши мамлакатда олиб борилаётган молиявий сиёсатнинг ҳам марказий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бундан кўзланган асосий мақсад солиқ юкини ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга ўтказиш. Солиқ юки ишлаб чиқарувчиларда қанчалик кам бўлса, корхоналарнинг молиявий барқарорлиги таъминланиб, янги иш ўринлари ташкил этиш ва хорижий мамла-

:атларга экспорт салоҳияти ошади. Бу, ўз навбатида, истиқболда янги солиқ тўловчи субъектлар кўламини кенгайтириб, истеъмолдан олинадиган солиқ юкининг ҳам пасайишига олиб келади.

Акцизларнинг тартибга солувчилик функцияси, асосан ички бозорни ҳимоя қилиш мақсадида хориждан келаётган сифатсиз молларни олдини олишга қаратилган. Умуман олганда, бозор иқтисодиёти шароитида бирор-бир давлат ички бозорини тўлиқ беркита олиш имконияти чекланган. Фақат келаётган товарларга нисбатан солиқлар миқдорини ошириш ҳисобига уларнинг оқимини қисман чеклаш мумкин. Масалан, хориждан хоҳлаганча автомобиль олиб келиш мумкин. Аммо белгиланган солиқларни тўлиқ тўлаш лозим. Акс ҳолда хориждан келаётган автомобилларга нисбатан солиқларни жорий этилмаслиги ички бозорни маънавий эскирган автомобиллар билан тўйинтириб, маҳаллий автосаноатни касодга учратиши билан бирга, экологик муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Ижтимоий ҳимоя функцияси бевосита нисбий хусусиятга эга бўлиб, кишиларни айрим товарларни кенг истеъмол қилишини чеклашга қаратилган. Масалан, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари. Ушбу товарларнинг нархи қанчалик паст бўлса, шунга мос равишда истеъмол кенгайиши мумкин. Агар қайд этилган товарлар нархи баланд бўлса, истеъмолчиларнинг харид қобилияти пасаяди ва истиқболда ўз соғлиқларини сақлаш имкониятлари яхши бўлади.

6.3. Маҳаллий акцизости товарлари таркиби ва уларга белгиланган солиқ ставкалари

Маълумки, акцизости товарлар таркиби ва акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси томонидан имкон қадар ҳар бир молия йилида алоҳида белгилаб берилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида акцизости товарлар таркибини фақат юқори молиявий самара олиш ва фискал мақсадда белгилаш ҳамда уларга нисбатан ставкаларни юқори қўллаш қуйидаги салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин:

- акцизости товарлари ишлаб чиқараётган корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги пасаяди;
- фуқароларнинг (ўрта ҳол) реал даромади камайиб, уларнинг инвестицион фаолияти ва ижтимоий фаоллиги сустлашади;
- бюджетда кутилган солиқ даромади кўпайиш ўрнига пасайиш ҳоллари вужудга келади;
- хуфёна иқтисодиёт пайдо бўлиб, истеъмолчилар учун сифати ва нархи паст акцизости товарлар ишлаб чиқарила бошланади.

2005 йилда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган акцизости товарларига нисбатан акциз солиғи ставкалари ҳақида маълумотга эга бўлиш учун 4-иловага қаранг.

4- иловага изоҳ: ** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 13 ноябрь 2002 йил, 390-сонли қарорига мувофиқ, ушбу товарлардан шаклланган акциз суммаси корхона ихтиёрида қолдирилади ва у маҳсулотлар ассортиментини яхшилишга йўналтирилади.

6.4. Импорт қилинаётган акцизости товарлар таркиби

Белгиланган тартибга мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар олиб келаётган товар ва маҳсулотларга

акциз солиғининг ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ ҳамда Божхона қўмитаси ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари қисқа муддатларда етказади.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига импорт қилинаётган акцизости товарлардан пиво, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари «адвалор» усулида солиққа тортилади. У қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$\mathbf{O = C \times 100 / (100 - A)}$$

Бу ерда:

O = солиққа тортиладиган оборот;

C = божхона қиймати;

A = акциз солиғи ставкаси.

Масалан, тамаки маҳсулоти импортида белгиланган акциз суммасини ҳисоблаб чиқиш тартиби:

- 1.000.000 (50.000 қути) дона сигаретнинг божхона қиймати 400.000 сўм. (Божона қийматининг таркибига сигаретни ортиш, тушириш ва суғурта харажатлари киради);

- акциз солиғининг ставкаси 50 %; ставка ўзида акцизни акс эттирган баҳога нисбатан қўлланилади, яъни солиққа тортиладиган оборотга нисбатан;

- солиққа тортиладиган оборот = (400.000 сўм x 100 % / 100% - 50 %) = 800.000 сўм.

Шунда, акциз суммаси 400.000 (800.000 x 50 % / 100) сўмни ташкил этади.

Юқорида қайд этилган товарлардан бошқа маҳсулотларни олиб кираётган шахслардан акциз солиғи суммасини аниқлаш товарнинг ўлчов бирлигига нисбатан АҚШ долларида ёки божхона қийматига нисбатан фоизда амалга оширилади.

Акцизости товарларининг божхона қийматига нисбатан фоизда акциз солиғининг суммаси қуйидаги формула орқали аниқланади:

С х А / 100

Бу ерда:

С – акцизости товарининг божхона қиймати;

А – акциз солиғининг ставкаси.

Масалан, юридик шахс 1000 кг гуручни Хитой Халқ Республикасидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб келди.

- **1000 кг. гуручнинг божхона қиймати - 150.000 сўм;**
- **гуручга белгиланган акциз солиғи ставкаси - 40 %;**
- **акциз солиғи суммаси – 60.000(150.000 х 40 % / 100) сўм.**

2005 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига юридик ва жисмоний шахслар импорт қилаётган айрим (жами 80 дан ортиқ акцизости товарлари рўйхатга олинган) акцизости товарлари акциз солиғи ставкаси ҳақидаги маълумотга эга бўлиш учун 5-иловага қаранг.

5-иловага изоҳ: * Таркибида акциз суммаси бўлган товар қиймати божхона қийматига нисбатан қўлланилади.

6. 5. Акциз солиғини ҳисоблаш ва бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш

Ўзбекистон Республикасида Акциз солиғи ставкалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва улар:

- товар қийматига нисбатан фоизда – адвалор усули орқали белгиланадиган ставкада;
- натурал кўриниши бўйича ўлчов бирлигига нисбатан абсолют суммада – қатъий ставкада.

Акциз солиғини ҳисоб-китоб қилиш учун таркибида акциз солиғи бўлган товарнинг шартнома (эркин) баҳоси қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$О = (С \times 100) / 100 - А$$

Бу ерда:

О = қўшилган қиймат солиғисиз, аммо таркибида акциз солиғи бўлган товарнинг шартнома (эркин) баҳоси;

С = акцизости товарни ишлаб чиқарувчи корхонанинг улгуржи (норматив харажатлар ва фойда нормаси) баҳоси;

А = муайян товарга нисбатан акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғининг суммаси қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$(О \times А) / 100$$

Бу ерда:

О = қўшилган қиймат солиғисиз, аммо таркибида акциз солиғи бўлган акцизости товарнинг шартнома (эркин) баҳоси;

А = акцизости товарга белгиланган акцизнинг ставкаси.

Хўжалик совуни бўйича акциз солиғини ҳисоблашнинг шартли намунаси (*1 тонна учун сўмда*)

т/р	Асосий кўрсаткичлар	Маҳсулот бирлигига нисбатан "сўм"да
1.	Корхона улгуржи (норматив харажатлар ва фойда нормаси) баҳоси	**21,000 с**
2.	Акциз солиғи ставкаси (% да)	**20%**
3.	Шартнома (эркин) баҳоси (қўшилган қиймат солиғисиз, аммо таркибида акциз солиғи бор) $\frac{(Стр2 \times 100)}{(100 - стр2)} = \frac{2100 \times 100}{100 - 20} = \frac{2,100,000}{80} = 26250$	**26250 с**
4.	Акциз солиғи суммаси: **26250 х 20 : 100: ёки *стр.* 3 – *стр.*1**	**5,250 с**

Шундай қилиб, маҳсулот эркин баҳода, ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда 26250 сўмни ташкил этяпти. Нарх таркибида 20 % ёки 5250 сўмни акциз солиғининг суммаси ташкил этяпти. Қолган 21000 (26250-5250) сўм эса маҳсулотга кетган норматив харажатлар ва корхона фойда нормасини ташкил этмоқда.

Спиртли ичимликлар бўйича акциз суммасини аниқлаш формуласи:

(П х А) / 100 %

Бу ерда:

П – тайёр маҳсулотдаги спиртнинг қуввати % (тайёрланган спиртнинг хом ашё туридан қатъий назар);

А – маҳсулот бирлигига нисбатан акциз ставкаси, сўмда.

Спиртли маҳсулотдан акциз солигини ҳисоб-китоб қилиш ва бюджетга ўтказишнинг шартли намунаси

(1 литр арақнинг)

т/р	Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирликлари
1.	Арақ таркибидаги спиртнинг ҳажми	**40%**
2.	Арақ бўйича, 1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун акциз солиғи суммаси	**2660 сўм**
3.	*Арақ бўйича, 1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун акциз солиғи суммаси (Ўзмевасабзовотвинсаноат-холдинг компаниясининг махсус рақамига тааллуқли сумма)*	**60 сўм**
4.	Бюджетга тааллуқли бўлган Акциз солиғи суммаси, 1 литр арақдан: **(Стр. 1 х стр. 2 : 100) 40 х 2660 : 100 = 1064**	**1064 сўм**
5.	*Арақ бўйича, 1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун акциз солиғи суммаси (Ўзмевасабзовотвинсаноат-холдинг компаниясининг махсус рақамига тааллуқли сумма)*	**24 сўм**

Агар корхона 10,000 деколитр арақ маҳсулотини реализация қилса, бюджетга тўлайдиган акциз суммаси 106.400 (стр. 4 х 100.000 литр) минг сўмни ташкил этади. Ўзмевасабзавотвинсаноат-холдинг компаниясининг махсус рақамига эса 2.400 (стр. 5 х 100.000 литр.) минг сўм ўтказилиши лозим.

Акциз солиғи бўйича имтиёзлар

Маҳаллий акцизости товарлари бўйича имтиёзлар:

1. Экспортга кетаётган акцизости товарлар.

Агар, бошқа бирор-бир ҳукуматлараро келишув имзоланган бўлмаса, ушбу имтиёз акцизости товарларини МДҲ мамлакатларининг миллий валютасида реализация қилинса, татбиқ этилмайди.

2. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган махсус мебелларни Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари муассасаларига реализация қилганда.

Ушбу имтиёзнинг кучга кириши учун махсус мебелларни Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш ташкилотларига етказиб берилганлиги ҳақидаги **шартнома** бўлиши шарт.

Махсус мебеллар бошқа истеъмолчиларга реализация қилинган тақдирда умумий белгиланган тартибда акциз солиғига тортилади.

Қуйидаги импорт қилинаётган акцизости товарлар акциз солиғидан озод этилади:

- бюджет ташкилотлари бюджет маблағлари ҳисобига фақат ўз эҳтиёжларини таъминлаш учун импорт (уларнинг буюртмасига мувофиқ) қилаётган товарлар. Ушбу имтиёз молия органининг молиялаштириш манбаини тасдиқловчи маълумотномаси бўлган ҳолдагина ўз кучига эга бўлади;
- юридик шахс томонидан техник кўмак кўрсатиш мақсадида фойдаланиладиган гуманитар характерга эга бўлган товарлар;
- компьютер техникаси ва унинг ажралмас қисмлари ҳамда дастурий воситалар.

2001-2005 йилларда акциз солиғининг давлат бюджетидаги улуши



6.6. Солиқни тўлаш муддатлари

Акциз солиғини давлат бюджетига тўлаш муддатига таъсир этувчи омиллар:

- солиқ суммасининг ҳажми;
- акцизости товарларнинг тури.

Акцизости товарлар бўйича солиқ суммаси қанчалик кўп бўлса, солиқ тўлаш муддати шунга мос равишда қисқа бўлиб, аксарият ҳолларда бюджет билан ойнинг ҳар декадасида бир маротаба ҳисоб-китоб қилинади. Жумладан:

- жорий ойнинг 13-кунигача I декада учун;
- жорий ойнинг 23-кунигача II декада учун;
- келгуси ойнинг 3-кунигача III декада учун.

Шуни таъкидлаш жоизки, акцизларни аниқ ҳисоб-китоб қилиш, ўз вақтида ва тўлалигича бюджетга тўлаш бўйича жавобгарлик солиқ тўловчи субъект зиммасига юклатилади.

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган акцизости товарларининг чегараланган меъёри ҳақидаги маълумотга эга бўлиш учун 6-иловага қаранг.

Импорт қилаётган жисмоний шахс меъёрдан ошган акцизости товарлари учун умумий тартибда солиқ тўлайди. Акцизости товарлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1998 йил 13 март 412-сонли рўйхатга олинган.

2005 йилдан акциз солиғи бўйича киритилган асосий ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

Республикада ишлаб чиқариладиган қуйидаги маҳсулотларга акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қатъий белгиланган ставкалар жорий этилади:

1. Ўсимлик (пахта) ёғи:- озиқ-овқат ёғи (саломас ва «Ўзбекистон» ёғини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ёғдан ташқари) - 1 тоннаси учун - 495,000 сўм;

- техник мой (озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига киритиш учун ярокссиз, кислота сони 0,3 мг дан ортиқ) - 1 тонна учун - 329,000 сўм.

2. Тамаки маҳсулотлари:

- юмшоқ ўрамдаги фильтрли сигаретлар -1 минг донаси учун - 4,175 сўм;

- қаттиқ ўрамдаги фильтрли сигаретлар -1 минг донаси учун - 5,206 сўм;

- фильтрсиз сигаретлар, папиослар -- 1 минг донаси учун - 1,476 сўм.

3. Спиртга солиқнинг ставкаси 1 дал спирт учун 1,410 сўм миқдорида белгиланади, бунда алкоголли маҳсулотга доир амалдаги ставкалар сақлаб қолинади.

4. Республикада ишлаб чиқариладиган атирсовун, гуруч-ёрма, гиламлар, нефть ва газ конденсатига акциз солиғи бекор қилинади.

5. 2004 йилда амал қилган табиий газга доир акциз солиғи ставкаси 19 фоизга пасайтирилди.

Такрорлаш учун саволлар

1. «Акциз» сўзининг луғавий маъноси унинг солиққа тортиш борасидаги мазмун-моҳиятини қандай ифода этади?

2. Акциз солиғининг бирламчи функциялари қандай?
3. Нима сабабдан бизда пахта ёғига акциз солиғи жорий этилган?
4. Нима сабабдан биздаги автомобиллар хориждагига нисбатан ўзимизда қимматроқ?
5. Туз жанги билан акциз солиғи ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд бўлган?
6. Акциз солиғи ставкасини кескин ошириш қандай иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси.-Т., «Ўзбекистон», 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг башорати ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли қарори.
3. Каримов И.А Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т., «Ўзбекистон», 1999 йил.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. //«Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.
5. Ойбекова Н. Тушумларда бевосита ва билвосита солиқлар моҳияти. "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", 2003 йил 3-сон.
6. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -Т.: «Академия», 2002 йил.
7. Эшонов М. Солиқлар ишлаб чиқариш муносабатларининг алоҳида шакли сифатида. "Бозор, пул ва кредит", 2002 йил 9-10-сон.
8. Шадиев О. Акцизное налогообложение в условиях либерализации экономики. "Экономический вестник Узбекистана", 2002 год №9.
9. Яҳёев Қ. Эгри солиқлардан амалиётда фойдаланишни такомиллаштирайлик. «Солиқ тўловчининг журнали», 2000 йил 6-сон.

VII боб. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи

7.1. Мол-мулк солиғининг иқтисодий моҳияти ва давлат бюджетидаги салмоғи

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимига мувофиқ, бизнинг миллий иқтисодиётда мулк солиқлари таркибига асосан икки турдаги солиқлар киради:

- ер солиғи, қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчиларга мўлжалланган ягона ер солиғи;
- юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бозор муносабатлари ривожланган сари реал-мулк солиқларга ўрнатиладиган солиқ ставкалари ортиб боради.

Умуман олганда, мол-мулк солиғига тортишда объектнинг қиймати ва ташқи кўриниши эътиборга олиниб, солиқ тўловчининг даромадлилик даражаси эътиборга олинмайди. Шунингдек, мол-мулк солиғини санитар солиқ ҳам деб аташади. Чунки солиқ тўловчи ихтиёридаги мол-мулкни самарали фойдаланаяптими ёки йўқми, қатъи назар, ундан солиқ ундирилади.

Ҳукумат томонидан мол-мулкка нисбатан юқори солиқ ставкасининг ўрнатилиши солиқ тўловчилар томонидан мол-мулкни самарали ва эҳтиёткорона фойдаланишга ёки самарасиз мол-мулкдан эса тезда қутилишга ундайди.

Мол-мулк солиғидан тушадиган солиқ суммаси маҳаллий бюджет даромад манбаининг асосини ташкил этиши боис, маҳаллий бошқарув органлари уни ўз вақтида ва тўлиқлигича маҳаллий бюджет даромадига келиб туришидан манфаатдор бўлади.

2002 молия йилида мол-мулк солиғидан тушадиган солиқ суммаси 24, 3 млн. сўмни ташкил этган бўлса,

2003 молия йилида **52,5** млн. сўм, 2004 йили **74,3** млн. сўм, 2005 йилги башоратга кўра **109,1** млн. сўмни ташкил этиб, давлат бюджети даромадининг 3,3 фоизини ташкил этиши режалаштирилган.

7.2. Солиқ тўловчи субъектлар ва солиққа тортиш объекти

Солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар мол-мулк солиғи тўловчилардир.

Солиқ солиш мақсадида юридик шахсларнинг хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича мол-мулки билан жавоб берадиган, шу жумладан, мустақил баланс ва ҳисоб-китоб варағига эга бўлган алоҳида бўлинмалар тушунилади.

Ҳозирги кунда қуйидаги корхоналарга нисбатан мол-мулк солиғи татбиқ этилмайди:

• ***ягона солиқ тўловчи ҳисобланган микрофирмалар ва кичик корхоналарга;***

• ***ягона ер солиғи тўловчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларга;***

• ***қатъий солиқ тўланиши белгиланган тадбиркорлик фаолияти турларини амалга оширадиган юридик шахсларга.***

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ягона солиқ тўловчиси ҳисобланган микрофирмалар ва кичик корхоналар **асосий воситалар ва номоддий активларни ижарага берган тақдирда,** улар ижарага берган активлар қийматидан (молиявий лизингдан ташқари) мол-мулк солиғини умумбелгиланган тартибда тўлайдилар.

Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати, номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (қонун ҳужжатларига мувофиқ мулкни харид

қилинган ер қийматидан ташқари) ва корхоналарнинг меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ҳамда ишлатилмаган ускуналари юридик шахслар учун солиқ солинадиган объект ҳисобланади.

7.3. Мол-мулк солиғини ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш механизми

Юридик шахслар мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ҳисобот йилининг 1 январидаги ва ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидаги мол-мулк қолдиқ қийматининг ярмини қўшишдан олинган сумма ҳамда ҳисобот даври қолган барча ойлари ҳар бир дастлабки кунидаги мол-мулк қолдиқ қиймати суммасини 12 га бўлишдан олинган сон сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Ўртача йиллик қолдиқ қиймат} = \frac{\frac{1янв.га}{2} + 1фев.га + \ldots 1дек.га + \frac{1янв.га}{2}}{12}$$

Ҳисобот даврига солиқни ҳисоблаб чиқариш учун мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати ҳисобот даври ойининг биринчи кунидаги мол-мулк қолдиқ қиймати ярмини, ҳисобот давридан кейинги биринчи ойнинг биринчи кунидаги мол-мулк қолдиқ қиймати ярми ва ҳисобот даври қолган барча ойлари биринчи кунидаги мол-мулк қолдиқ қийматини қўшишдан олинган суммани 12 га бўлишдан олинган сумма сифатида аниқланади.

Агар мол-мулк ойнинг биринчи ярмида амалга киритилган бўлса, мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматини ҳисоблаб чиқаришда амалга киритиш ойи тўлиқ ой деб қабул қилинади, агар мол-мулк ойнинг

иккинчи ярмида амалга киритилган бўлса, ўртача йиллик қолдиқ қиймат амалга киритиш ойидан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб ҳисобланади.

Масалан, юридик шахс 2004 йил 20 декабрда таъсис этилган бўлса:

2005 йил учун юридик шахс мол-мулки ўртача йиллик қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби

Баланс моддалари номи	Баланс сатри коди	Баланс моддалари бўйича суммалар (млн. сўм)					
		01.01	01.02	01.03	01.04	01.05	01.06
Асосий воситалар	010	845	835	825	815	805	795
Номоддий активлар	020	-	-	-	-	-	-
Асосий воситаларнинг эскириши	011,021	10	10	10	10	10	10
Солиқ солинадиган мол-мулкнинг қолдиқ қиймати	012,022	835	825	815	805	795	785

Солиқни ҳисоблаб чиқариш учун мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати:

1) $\frac{835/2 + 825/2}{12} = \frac{830}{12} = 70 \times 3{,}5/100 = 2{,}42;$

2) $\frac{835/2 + 825 + 815/2}{12} = \frac{1650}{12} = 175{,}5 \times 3{,}5/100 = 4{,}81;$

3) $\frac{835/2 + 825 + 815 + 805/2}{12} = \frac{2460}{12} = 205 \times 3{,}5/100 = 7{,}47;$

1-чорак учун солиқни ҳисоблаб чиқаришга мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати

$$= \frac{\frac{1янв.га}{2} + 1фев.га + 1мартга + \frac{1апр.га}{2}}{12}$$

13-мартдан мол-мулк солиғини тўловчи бўлган юридик шахс учун:

$$= \frac{\frac{1мартга}{2} + \frac{1апрелга}{2}}{12}$$

Солиқ солинадиган базани аниқлаш учун, баланс активида акс эттириладиган эскиришини чегирган ҳолда, бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги ҳисоб-варақалари бўйича суммалар қабул қилинади:

- асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисоб варақалари;
- номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисоб варақалари.

7.4. Мол-мулк солиғининг ставкаси ва имтиёзлар таркиби

Юридик шахсларнинг мол-мулкига 2006 молия йилидан бошлаб, **3,5** фоиз ставка бўйича солиқ ўрнатилган.

Мол-мулк солиғининг ушбу ставкаси, асосий воситани қайта баҳоланишини эътиборга олиб, қолдиқ қийматга нисбатан ўрнатилади.

Мол-мулкни қайта баҳолашдан асосий мақсад, корхона ва ташкилотлардаги асосий воситалар қийматини жорий даврдаги баҳо билан нархлашдир.

Ҳозирги кунда "Ҳар йили 1январь ҳолатига кўра асосий фондларни қайта баҳолашни ташкил этиш тўғрисида"ги низомга мувофиқ, қуйидаги асосий фондлар қайта баҳоланиши лозим:

- шахсий мулкдаги асосий воситалар;
- ўрнатилиши режалаштирилган ускуналар;

- қурилиши тугалланмаган объектлар;
- узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар.

Асосий фондларни қайта баҳолаш даврида шаклланган баҳодан келиб чиқиб, ҳар йили 1 январь ҳолати бўйича жорий йилнинг 1 февралига қадар ўтказилиши шарт.

2005 молия йилидан бошлаб, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва уни мустақил равишда ёки ихтисослашган ташқи савдо бирлашмалари ва фирмалари орқали сотадиган вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланган корхоналар учун сотишнинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот(ишлар, хизматлар)нинг экспортдаги улушига боғлиқ ҳолда қуйидаги миқдорларда мол-мулк солиғининг табақалаштирилган ставкалари белгиланган:

• Умумий реализация ҳажмида экспорт улуши **15 фоиздан 30 фоизгача** бўлганда – белгиланган ставка **30 фоизга** камаяди.

• Умумий реализация ҳажмида экспорт улуши **30 фоиздан ортиқ** бўлган тақдирда – белгиланган ставка **50 фоизга** камаяди.

Таъкидлаш жоизки, кўрсатилган имтиёз савдо-воситачи корхоналарга, шунингдек, эркин алмаштириладиган валютага хом ашё товарлари – пахта толаси, ип-газлама, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсанти, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металларни экспорт қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ этилмайди.

Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ва фойдаланилмайдиган ускуна учун юридик шахслар мол-мулк солиғини белгиланган ставкадан **икки баравар юқори ставкада** тўлайдилар.

Одатда, ҳар бир қурилиш объектини монтаж қили
асбоб-ускуналар олиб келиш ва ўрнатиш бўйича ал
ҳида белгиланган жадвал бўлиши керак. Мабодо, а
шундай жадвал бўлмаган тақдирда асосий воситала
ни монтаж қилиш ва ўрнатиш бўйича қуйидаги му
датлар асос қилиб олинади:

- ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектлар уч
маҳаллий ва хорижий асосий воситалар - харид қили
ган кундан бошлаб **1 йил** мобайнида;

- ноишлаб чиқаришга мўлжалланган объектлар уч
маҳаллий ва хорижий асосий воситалар – харид қили
ган кундан бошлаб **6 ой** мобайнида;

- монтаж талаб қилинмайдиган хўжалик инвентарла
ри ва асбоб-ускуналар - харид қилинган кундан бошла
б.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсати
ўтилган талабларни бузган юридик шахслар, яъни бе
лгиланган муддатдан ўтиб кетган ҳолатда, ўтган мудда
учун белгиланган мол-мулк солиғини **икки баробар ставкада** тўлашлари лозим.

Белгиланган муддатда қурилиш объектини ишга туширмаган корхона ҳам белгиланган тартибда мол-мулк солиғини тўлашлари керак. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қурувчилар пудрат усулида бўладими ёки хўжалик усулида бўладими, бундан қатъий назар айнан **буюртмачи** солиқни тўлаши шарт.

Белгиланган муддатда ишга туширилмаган қурилиш объектининг қиймати солиққа тортиш объекти ҳисобланади.

Қурилиш объектини қайси муддатда ишга тушишини лойиҳалаштирувчи ташкилот қурилишининг лойиҳа-смета ҳужжатини тайёрлаётганда қурилиш муддати ва унга тайёргарлик ишларини алоҳида кўрсатиб ўтиши шарт.

1. Қуйидаги юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ солинмайди:

а) нотижорат ташкилотларнинг мол-мулкига (тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулкдан ташқари);

б) фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган, тасдиқланган сметалар доирасида ҳаражатларни қоплашга бюджетдан дотациялар оладиган корхона, муассаса ва ташкилотлар;

в) хайрия бирлашмалари, уюшма ва жамғармалар, халқаро ташкилотлар, диний бирлашма ва бошқа ташкилотлар;

г) ижтимоий-хайрия ёки бошқа мақсадлар учун барпо этилган, тадбиркорлик фаолияти учун даромад олишни кўзламаслиги таъсис ҳужжатларида қайд этилган ташкилотлар;

д) молиявий ва бошқа маблағлар мазкур ташкилотнинг ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари учун тақсимланмайдиган ва инвестицияланмайдиган ташкилотлар;

е) халқ таълими ва маданият муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулк;

ё) уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалигининг мол-мулки;

ж) қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уларнинг селекцияси, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турига;

з) юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунига қадар тугатилган тақдирда солиқ суммаси уларнинг бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади;

и) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмасининг мулкида бўлган, ишчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахсларнинг мол-мулки, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчилар бундан мустасно;

й) янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, рўйхатдан ўтган пайтидан эътиборан икки йил мобайнида. *Мазкур имтиёз тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмалари ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлари негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек, корхоналар ҳузурида ташкил этилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар ана шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналардан фойдаланаётган бўлсалар, қўлланилмайди;*

к) хорижий кредит ҳисобига харид қилинган асбоб-ускуналарга, ушбу кредитни сўндириш муддатига, лекин у беш йилдан ортиқ бўлмаслиги керак;

л) бўшатиб олинадиган маблағлар улар томонидан моддий-техник базани мустаҳкамлашга, асбоб-ускуналар, анжомлар, дидактик материал, болалар ўйинчоқлари ва адабиётларига сарфланиши шарти билан рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил муддатга нодавлат мактабгача таълим муассасалари.

2. Мол-мулк солиғи ҳисоблаб чиқарилаётганида солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг қийматига камайтирлади:

а) солиқ тўловчининг балансида бўлган уй-жой-коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа объектлари;

б) табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадида ва ёнғинга қарши хавфсизлик учун фойдаланиладиган объектлар;

в) қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларнинг селекцияси, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш учун фойдаланиладиган объектлар;

г) маҳсулот ўтказгичлар, алоқа йўллари (шу жумладан, автомобиль йўллари), алоқа ва энергия узатиш линияларининг, шунингдек, уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотлар;

д) алоқа йўлдошлари;

й) лизингга олинган мол-мулкнинг, лизинг шартномаси амал қилиш муддатига;

е) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилган асосий ишлаб чиқариш фондлари;

ж) шаҳар йўловчилар транспортининг (таксидан, шу жумладан, йўналишли таксидан ташқари), шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти (такси, шу жумладан, йўналишли таксидан ташқари);

з) йўл хўжалиги корхоналарининг йўлларни таъмирлаш ва сақлаш ишларида банд бўлган транспорт воситалари;

и) давлат дастурлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари учун кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситалари.

3. Агар асосий воситалар қуйидаги шартлардан бирига жавоб берса, амортизацияланадиган асосий воситаларнинг ижараси лизинг ҳисобланади:

а) ижара муддати асосий воситалар хизмат муддатининг саксон фоизидан ошса;

б) ижарачи асосий воситаларни қатъий нархда ёки ижара тугаши бўйича белгиланадиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;

в) ижарага олинадиган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ижаранинг тугашида уларнинг ижара бошланишидаги қийматининг йигирма фоизидан камни ташкил этса;

г) тўловларнинг жорий суммаси бутун ижара даври учун ижарага олинадиган воситалар қийматининг тўқсон фоизидан ошса.

Солиқ тўловчилар учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

Юридик шахслар бюджетга жорий тўловлар суммасини ҳисобот йили мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб мустақил равишда белгилайдилар.

Бюджетга жорий тўловларни тўлаш ҳар ойнинг 20-кунидан кечиктирмай, йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида тўланади.

7.5. Жисмоний шахслардан мол-мулк солиғини ундириш тартиби

Жисмоний шахслардан мол-мулк солиғини ундириш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда "Жисмоний шахслардан мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва ва тўлаш тўғрисида"ги йўриқнома билан мувофиқлаштирилиб туради. Ушбу йўриқнома 1998 йил 13 январ куни Адлия вазирлигида 392-сон билан рўйхатга олинган.

Ихтиёрида солиққа тортиладиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар мол-мулк солиғини тўловчи жисмоний шахслар ҳисобланади.

Мол-мулк солиғига тортиладиган объектлар:

- турар жой қиймати;
- квартиралар;
- дала ва боғ уйлари;
- гараж ва бошқа қурилиш, бино ва иншоотлар.

Мол-мулк солиғи ставкаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёки Президент қарори билан белгиланади ва ҳар бюджет йили сўнгтида унга келгуси йил учун ўзгаришлар киритилади.

2006 молия йилида жисмоний шахслар мол-мулки бўйича белгиланган солиқ ставкаси

Солиққа тортиш объекти	Солиқ ставкаси фоизда
Турар жойлар, квартира, дала-ҳовли, гараж ва бошқа қурилмалар қиймати	
1998 йил 1 январь ҳолатига кўра қайта баҳоланган мол-мулк қийматидан	0,5
Қайта баҳоланмаган мол-мулк қийматидан	7,0

Изоҳ: Жисмоний шахслар мол-мулки баҳолаш органларида баҳоланмаган тақдирда, улар шартли баҳоланиб солиқ ставкаси қуйидаги тартибда белгиланади:

- Тошкент шаҳри ва республика вилоят марказларида - **1800,0** минг сўм.
- Бошқа шаҳар ва қишлоқ жойларда - **800,0** минг сўм.

Ушбу суммалардан **0,5 %** солиқ ундирилиши лозим.

Жисмоний шахслар мол-мулки қийматини баҳолаш БТИ ходимлари зиммасига юклатилган.

Мисол: Қайта баҳоланган 2 хонали квартиранинг баҳоси 780 минг сўм. Ушбу квартира учун 1 йиллик солиқ суммаси 3900 (780.000 Х 0,5 / 100) сўмни ташкил этади. Дастлаб солиқ инспектори мазкур суммани тўлаш учун 1 майдан кечикмай солиқ тўловчига тўлов хабарномасини беради. Сўнгра жисмоний шахслар ушбу суммани тенг улушда 15 июнь ва 15 декабрдан кечикмай маҳаллий бюджет даромадига тўлашлари лозим. Шунингдек, жисмоний шахс ўз ихтиёрига мувофиқ солиқ суммасини бир йўла бир маротаба тўлашига ҳам рухсат этилади.

Солиқ бўйича имтиёзлар қуйидаги шахсларга берилади:

- Ўзбекистон Республикаси Қаҳрамонлари; Совет Иттифоқи қаҳрамонлари. Уч босқич бўйича "Шуҳрат медали" нишондорлари;
- Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, шунингдек, Афғонистон заминида ҳарбий хизматда бўлган аскар ва зобитлар;
- Қаҳрамон оналар, шунингдек, 10 ва ундан ортиқ болага эга бўлган оналар;
- Чернобиль АЭС ҳалокатидан кейин тиклаш ишларида иштирок этган шахслар;
- нафақахўрлар, шунингдек, 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари;
- ҳарбий хизматдаги аскар ва зобитлар ҳамда уларнинг ота-оналари;
- ўз мажбуриятларини амалга ошириш чоғида ногирон бўлиб қолган Ички ишлар, Миллий хавфсизлик, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари.

Алоҳида қайд этиш жоизки, юқорида қайд этилган шахслар талаб этилган ҳужжатларни таклиф этганда

мол-мулк объектларидан фақат биттасигина имтиёз олиши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Мол-мулк солиғини ундиришнинг ўзига хос жиҳатлари нимада?
2. Мол-мулк солиғини ундиришда амортизация сиёсатининг таъсири қандай бўлади?
3. Жисмоний шахсларга тегишли мол-мулк қийматини аниқлашнинг қандай замонавий усуллари мавжуд?
4. Асосий воситаларни қайта баҳолаш мол-мулк солиғига қандай таъсир ўтказмоқда?
5. Вақтида ўрнатилмаган ва ишга туширилмаган асосий воситалар учун солиққа тортиш усули ҳамда тартиби қандай белгиланган?
6. Истиқболда Меросхўрлик ва Совға солиғини жорий этишнинг қандай объектив зарурати мавжуд?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси. -Т., «Ўзбекистон», 2003 йил.
2. Давлат бюджети параметрлари ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг башорати ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги 244-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 август "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркасини жорий этиш тўғрисида"ги 285-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилаёт-

ган акцизости товарларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги йўриқномаси 11 март 2002 йил 1106-сон билан Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган.
5. Каримов И.А Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т., «Ўзбекистон», 1999 йил.
6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. // «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.
7. Ойбекова Н. Тушумларда бевосита ва билвосита солиқлар моҳияти. "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси". 2003 йил 3-сон.
8. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: «Академия». 2002 йил.
9. Акромов Т. Корхонанинг ташқи бозорга чиқиш муаммолари. "Бозор, пул ва кредит", 2004 йил 2-сон.
10. Ражабов У. Ўзбекистонда солиқ бошқарувини такомиллаштириш омиллари. "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", 2004 йил 1-2-сон.

VIII боб. Қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилардан олинадиган ягона ер солиғи

8.1. Ягона ер солиғининг иқтисодий моҳияти ва жорий этилиши сабаблари

Бошқа тармоқларга нисбатан аграр тармоқ қатор кўрсаткичлари билан Ўзбекистон Республикасида устувор аҳамият касб этади. Бунга мамлакатнинг географик жойлашуви ва миллий иқтисодиёт тузилиши ҳам таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда, биргина мамлакат аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқларда истиқомат қилганлиги туфайли ҳам умумий ишлайдиганларнинг қарийб ярми мана шу аграр секторда меҳнат қилади. Республикамиз ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятининг ярмидан ортиғи бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мамлакатга валюта тушумларининг қарийб 2/5 қисмидан ортиғини таъминламоқда.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ижтимоий-иқтисодий жараёнлар жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Бу жараёнлар, ўз навбатида, қонунларни янгидан қабул қилиш, мавжудларига даврий ўзгартиришлар киритиш, амалиёт талабларидан ортда қолган нормаларни янгилаш, қонунларни янги манбалар билан тўлдиришни талаб қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш ва уларни ҳуқуқий, иқтисодий томондан тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ XI сессиясида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор

қонунлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Улар ҳозирда аграр соҳани давр талабига мос равишда ривожлантиришда яқиндан ёрдам бермоқда.

Юқорида зикр этилган қонунларни ҳаётга тадбиқ этилишини кучайтириш ва уларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 октябрь 1998 йилги Фармонига биноан қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчиларига нисбатан соддалаштирилган «Ягона ер солиғи» жорий этилди.

Ушбу солиқ иқтисодиётга 1999 йил 1 январдан жорий этилди. Мазкур солиқни жорий этиш қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилари учун 1998 йилга қадар белгиланган қуйидаги солиқлар ва йиғимларни бекор қилишни кўзда тутган (алкоголли маҳсулотларга акциз солиғи бундан мустасно).

Умумдавлат солиқлари:

- юридик шахслардан олинадиган даромад(фойда) солиғи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар:

- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Аммо қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилари учун қатор тўловлар ва йиғимларни тўлаш вазиятдан келиб чиққан ҳолда сақланиб қолган. Жумладан:



Микрофирма ва кичик корхона мақомига эга бўлган қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчилари ўз хоҳишларига биноан «Ягона солиқ тўлови» ёки «Ягона ер солиғи»ни тўлаш имкониятига эга.

«Деҳқон хўжаликлари» бундан мустасно. Деҳқон хўжаликлари учун Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилган солиққа тортиш шартлари татбиқ этилади. Яъни, ушбу қонуннинг 22-моддасига асосан «Юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳамда юридик шахс ташкил этмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалиги» Ер солиғи, Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ва мол-мулк солиқларини тўлайдилар.

Қуйида зикр этиладиган қишлоқ хўжалиги субъектлари ҳам умум белгиланган солиқларни тўлайдилар. Жумладан:

- ўрмончилик, балиқчилик, овчилик хўжаликлари;
- илмий-тадқиқот ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликлари;
- юридик шахс ҳисобланмаган ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари.

8.2. Ягона ер солиғини тўловчи субъектлар ва солиққа тортиш объекти

Бошқа солиқлардан фарқли ўлароқ Ягона ер солиғини тўловчи субъектлар кўлами унчалик кўп эмас. Аммо солиқ тўловчи субъектлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Сабаби аксарият ширкат хўжаликлар замирида ўнлаб фермер хўжаликлари ташкил этилиб, муқаддам бир субъект тўлаган солиқ суммасини эндиликда ўндан ортиқ фермерлар тўламоқда.



Ягона ер солиғини ундириш учун белгиланган объект кўлами ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, асосан, ерга эгалик қилаётган, ердан фойдаланаётган ва узоқ муддатга ижарага олинган ерлар ҳисобланади. Солиққа тортиш объектини чизма шаклида қуйидагича акс эттириш мумкин:



Ягона ер солиғининг солиққа тортиш объекти унчалик кўп бўлмаганлигидан ҳамда солиқ тўловчиларнинг хилма-хиллиги чегараланганлиги боис, солиқ бўйича имтиёзлар кўлами ҳам шунга мос равишда белгиланган. Умумий тартибга мувофиқ солиқ имтиёзлари икки кўринишда намоён бўлади, яъни солиқ тўлашдан бутунлай озод бўлиш ва солиқ тўлашдан вақтинчалик озод бўлиш. Ушбу имтиёзларни қуйидагича акс эттириш мумкин.



Ягона ер солиғига тортилмайдиган ер майдонлари ҳақида маълумотга эга бўлиш учун 7-иловага қаранг.

Солиқ тўлашдан вақтинчалик озод бўлган субъектлар:

- Янгидан ташкил қилинган қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчилар, жумладан, фермер хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтгандан кейинг 2 йил муддатга.

- Ер солиғи, даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод бўлган бошқа қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчилари.

8.3. Ягона ер солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш муддатлари

Солиқ тўловчилар ягона ер солиғини мустақил равишда ер майдонининг кўринишига қараб ва муваққат

базавий ставкаларига тузатиш коэффицентларини қўллаб тўлайдилар.

Мувваққат базавий ставка ягона ер солиғи қишлоқ хўжалигининг ҳолатига кўра қабул қилинган:

- суғориладиган ерлар - 1 класс ер. (балл - бонитет 10 гача)
- лалмикор ерлар – текис ерлар зонаси;
- «Чўл» зоналари, пичанзор ва яйловлар.

Ернинг жойлашувига, сифатига, унумдорлигига ва социал инфратузилманинг ҳолатига қараб унинг муваққат базавий ставкаси тузатиш коэффициентлари билан тартибга солиб турилади.

Ер солиғининг суммаси қишлоқ хўжалиги ерининг жойлашувидан келиб чиқиб, қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\mathbf{H = Sey \times Сб \times Кп}$$

бу ерда: **Н** - ягона ер солиғининг суммаси (сўмда).

Sey - ер участкасининг майдони (гектарда).

Сб - солиқнинг муваққат ставкаси (ҳар гектардан сўмда).

Кп - тузатиш коэффеценти.

Ягона ер солиғини 1 бюджет йилида бўлиб-бўлиб уч марта тўлаш кўзда тутилган:

- 1 июлгача йиллик солиқ суммасининг 20 % дан кам бўлмаган миқдорида;
- 1 сентябргача йиллик солиқ суммасининг 50 % дан кам бўлмаган миқдорида;
- 1 декабргача қолган солиқ суммаси.

2006 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарига белгиланган ягона ер солиғининг базавий ставкаси

(1 гектарга, сўмда)

Т-/р	Минтақалар	Суғориладиган ерлар (I класс)	Лалмикор ерлар (текислик зонаси)	Чўл зоналари
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	**2 606,7**	–	**74,1**
2.	Андижон вилояти	–	–	–
3.	Бухоро вилояти	–	–	–
4.	Жиззах вилояти	**2 985,9**	**449,3**	**92,4**
5.	Қашқадарё вилояти	**2 889,3**	**496,5**	**118,8**
6.	Навоий вилояти	**2 780,0**	**449,3**	**99,9**
7.	Наманган вилояти	**4 077,5**	–	**99,9**
8.	Самарқанд вилояти	–	–	–
9.	Сурхандарё вилояти	–	–	–
10.	Сирдарё вилояти	**2 384,4**	**449,3**	**92,4**
11.	Фарғона вилояти	**3 675,6**	–	**92,4**
12.	Хоразм вилояти	–	–	–
13.	Тошкент вилояти	–	–	–
14.	Тошкент шаҳри	**10 224,6**	–	–

Ягона ер солиғини ҳисоблашнинг амалдаги қўлланмасига мувофиқ, хўжалик фойдаланаётган ернинг унумдорлиги, социал инфратузилманинг яхшилиги қанча юқори бўлса, ошиб борувчи тузатиш коэффицентлари асосида прогрессив ставкаларда кўп миқдорда ер солиғи тўлайдилар. Аксинча, ер унумдорлиги паст бўлган хўжаликлар кам миқдорда солиқ тўлайдилар. Шу боис, ягона ер солиғи тўловчи хўжаликлар ер унумдорлиги ва социал инфратузилмани оширишдан, ариғ-завурлар қазиб шўр ерларни ювишдан доимо ҳам манфаатдор бўлавермайди. 2005 йилда Ягона ер соғининг база ставкасини мувофиқлаштирувчи коэффицентлар ҳақидаги маълумотга эга бўлиш учун 8-иловага қаранг.

Амалдаги солиқ тизимида ягона ер солиғи ставкалари фойдаланиладиган ер ресурсларининг иқтисодий аҳамиятини тўлиқ қамраб олмаган. Улар мазкур ер майдонида қандай маҳсулот – пахта, дон ёки мева-сабзовот етиштирилишидан қатъий назар кўпинча тенг бўлади. Ҳолбуки, маҳсулот турларидан олинадиган фойдада катта тафовут мавжуд. Ер солиғининг қанчалик самарали ва адолатли эканлиги кўп жиҳатдан ана шу солиқни тўловчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволини белгилайди. Шу боис, келгусида ставкаларни белгилаш механизмини шундай ўзгартириш зарурки, унга кўра ер солиғини ҳисоблаб чиқишда ер майдонининг жойлашуви, сифати, етиштириладиган маҳсулот тури эътиборга олиниши лозим бўлади. Бошқача айтганда, ердан олинадиган амалий фойда кўзда тутилади. Бу тадбир бутун қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчилари учун ер қийматининг иқтисодий баҳосидан келиб чиққан ҳолда ставкаларни белгилаш йўли билан амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирги кунда

ушбу тадбир Андижон, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида тажриба сифатида жорий этилган. Назаримизда, ушбу тажриба натижалари қолган вилоятларда ҳам Ягона ер солиғи ўрнига ернинг қийматидан келиб чиққан ҳолда тўлашга ўтиш учун асос бўлмоқда.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ягона ер солиғига ўтишнинг объектив зарурати нимада?
2. Нима сабабдан Ягона ер солиғи ўрнига босқичма-босқич ернинг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда солиқ ставкаси жорий этилмоқда?
3. Ягона ер солиғини ундиришнинг асосий камчиликлари нимадан иборат?
4. Нима сабабдан ягона ер солиғини бюджет даромадига ўтказишни дастлаб икки босқич, сўнгра уч босқичда амалга ошириш режалаштирилган?
5. Ернинг балл бонитетини аниқлашда қандай қийинчиликларга дуч келинмоқда? Уларни бартараф этишда нималарга эътибор бермоқ лозим?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси. -Т., «Ўзбекистон», 2003 йил.
2. Давлат бюджети параметрлари ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг башорати ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги 244-сонли қарори.
3. Указ Президента Республики Узбекистан "О важнейших направлениях углубления реформ в сельском хозяйстве". "Журнал налогоплательщика", 2003 год № 6.

4. Каримов И.А Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: «Ўзбекистон». 1999 йил.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. // «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.
6. Зоҳидов Б., Аристов А. Яширгандан тўлаган афзал. "Солиқ тўловчининг журнали", 2002 йил 4-сон.
7. Костаев У., Эгамбердиев О. Корхонанинг тақсимланмаган фойдаси: ҳисобга олиш ва тақсимлаш тартиби. "Бозор, пул ва кредит", 2004 йил 2-сон.
8. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т., «Академия», 2002 йил.
9. Ражабов У. Ўзбекистонда солиқ бошқарувини такомиллаштириш омиллари. "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", 2004 йил, 1-2-сон.
10. Тилабов Н. Солиқларни бюджетга ўз вақтида тушиб туришини таъминлаш - давр талаби. "Бозор, пул ва кредит", 2003 йил 10-сон.

IX боб. Микрофирма ва кичик корхоналардан ундирилаётган ягона солиқ тўлови

9.1. Ягона солиқ тўловининг иқтисодий моҳияти

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги қўлга киритилган дастлабки кунлардан бошлаб, мамлакатда яратилаётган ЯИМда иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми бўлган кичик корхоналар ва хусусий бизнесни ташкил этиш ва изчил ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2005 йил январь ойида Олий Мажлиснинг қўшма мажлисида қилган нутқида шундай деган эди: «2004 йилда мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тармоқ кўлами ҳамда ҳажми салмоқли даражада ўсди. Кичик бизнес корхоналари сони ўтган йилда 14 фоизга кўпайди. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 425 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу 2003 йилга нисбатан 14 фоиз кўп, демакдир. Кичик бизнеснинг ялпи ички махсулотдаги улуши ортди ва 2004 йилда 35,6 фоизни ташкил этди. Бу натижаларга эришишда тадбиркорликни эркин фаолият юритишларини кафолатлаш, уларни давлат рўйхатига олишнинг соддалаштирилган механизмини жорий қилиш, кичик бизнес субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар муҳим омил бўлади».[1]

Ушбу фикрнинг мантиқий давоми сифатида Президентимиз яна шундай деган: «Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни

[1] Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.

ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятларига эга бўлиши лозим». Бизнинг фикримизча, бу қоида кичик бизнес вакилларига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Шу боис, 2005 йил 20 июнь куни Президент И.А.Каримовнинг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-620-сонли Фармони кенг оммага эълон қилинди. Мазкур Фармоннинг марказий бўғинида микрофирма ва кичик корхонадан ундирилаётган соддалаштирилган ягона солиқни янада ихчамлаштириб, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига **«Ягона солиқ тўлови»** жорий этилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 2 августдаги 69- қарори билан «Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тўғрисида» Низом қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ, Микрофирма ва кичик корхоналар ўз хоҳишига биноан, «Ягона солиқ тўлови»нинг ўрнига қонунда белгиланган қатор солиқлар ва марказлашган жамғармаларни тўлаш тизимида қолишларига рухсат берилган.

Ягона солиқ тўловида фаолият юритаётган микрофирма ва кичик корхоналар товар(иш, хизмат)ларни харид қилганда, шунингдек, импорт қилганда тўлаган қўшилган қиймат солиғини ана шу маҳсулотлар таннархига қўшадилар.

Ягона солиқ тўловида фаолият юритаётган солиқ тўловчилар учун қуйидаги мажбурий тўловлар сақланиб қолади. Жумладан:

- ягона ижтимоий тўлов;

- божхона тўловлари (божхона пошлинаси, ҚҚС, акциз солиғи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб кириш чоғида божхона расмийлаштируви учун йиғим);

- юридик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим;

- акцизости товарларини ишлаб чиқарилаётганлар учун акциз солиғи;

- айрим товар турлари билан савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлиш учун лицензия йиғимлари;

- давлат божлари;

- атроф-муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштирганлик учун компенсация тўловларини тўлаш тартиби.

Ҳозирги кундаги тартибга мувофиқ, ягона солиқ тўловини тўловчи микрофирма ва кичик корхоналар ўз балансида қайд этилган асосий воситалар ва номоддий активларни ижарага топширсалар, улар ижарага берилган ушбу активлар (бундан лизинг мустасно) қийматидан умумбелгиланган тартибда мол-мулк солиғи тўлайдилар. Мол-мулк солиғини тўлашни талаб қилишдан кўзланган асосий мақсад, ҳар бир микрофирма ва кичик корхона ихтиёрида мавжуд бўлган асосий воситалардан самарали фойдаланиш зарур. Бундай талаб қўйилишининг яна бир хусусиятли томони шундан иборатки, хўжалик субъектлари мол-мулк солиғини тўлайдиган бўлса, асосий воситалардан фойдаланиш манфаати ошади. Бу, ўз навбатида, мамлакат миқёсида асосий фоситаларнинг янгиланиш кўрсаткичини тезлаштиришга имконият яратади, шунингдек, асосий воситаларнинг жисмоний ва маънавий эскириш ҳолатидан тез ҳоли бўлишга шароит туғдиради.

9.2. Ягона солиқ тўловини амалга ошираётган солиқ субъектлари ва солиққа тортиш объекти

Ўзбекистон Республикасида кичик корхона ва микро фирмаларни ташкил этиш ҳамда уларни давр талабига мос равишда ривожлантириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилиб келмоқда. Тадбирларни амалга оширишда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳам мукаммал ўрганилиб, сўнгра миллий менталитетимизга мос келадиган молиявий ва ҳуқуқий чоралар кўрилмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, кичик корхоналарга оид меъёрий хужжатларни қабул қилиш ва миллий иқтисодиётга жорий этишда қисман пошма-пошарликлар ҳам бўлди. Бунинг бўлиши табиий ҳолдир. Чунки биз бозор иқтисодиётига муқаддам муайян бир тажрибага эга бўлмасдан шиддат билан кириб бормоқдамиз. Бу, ўз набатида, айрим тўқнаш келадиган муаммоларни олдиндан кўра билишни бироз чеклаб қўяди. Лекин шунга қарамай бизга қўшни бўлган давлатлардаги қонунларнинг ўзгаришига қараганда, бизда қисман барқарор меъёрий хужжатлар қабул қилинмоқда. Шу боис, мамлакатимизда яратиладиган ялпи ички маҳсулотда кичик корхоналар улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда.

1998 йил 9 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга 2003 йил 30 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан айрим қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Фармон ва унга киритилган ўзгартиришларга назар соладиган бўлсак, унга мувофиқ, идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, фаолият турлари бўйи-

ча микрофирма, кичик корхона мезони ишловчилар сонига караб белгиланади. Қайд этилган Фармонга асосан, тармоқлар бўйича микрофирма ва кичик корхоналар мезони тўғрисидаги маълумот қуйидагича акс эттирилган.

Ягона солиқ тўловини тўловчи субъектни микрофирма деб эътироф этиш учун ишчи, хизматчи ва ходимларнинг энг юқори ўртача йиллик миқдори ишлаб чиқариш соҳаси тармоқлари: саноат (ёқилғи, кўмир, қора ва рангли металлургия, кимё, енгил, машинасозлик, озиқ-овқат ва ҳоказо); қишлоқ хўжалиги (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик ва ҳоказо); ўрмон хўжалигининг ишлаб чиқариш корхоналари ва моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида йигирма кишидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади.

Шуни алохида зикр этиш лозимки, муқаддам юқорида қайд этилган соҳалар учун ўртача йиллик чегара ўн кишидан ошмаслиги талаб этилар эди.

Ўн кишидан ошмайдиган миқдорда энг юқори ўртача йиллик сон ишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш соҳаси (бундан савдо фаолияти ва умумий овқатланиш мустасно); транспорт (қуруқликдаги, сувдаги, авиацион ва ҳоказо), алоқа (чопарлик, почта ва ҳоказо); моддий-техника таъминоти ва сотиш (ахборот-ҳисоблаш хизматини кўрсатиш, кўчмас мулк билан операциялар ва ҳоказо); илм-фан ва илмий хизмат кўрсатиш ва ҳоказо соҳаларда белгиланади. Муқаддам муомалада бўлган тартиб бўйича, ушбу соҳаларда ўртача йиллик миқдорнинг энг юқори чегараси беш кишидан ошмаслиги лозим эди.

Амалдаги тартибга мувофиқ, улгуржи, чакана савдони амалга оширадиган, шунингдек, умумий овқат-

ланиш соҳасидаги юридик шахслар учун мезон аввалги тартибдагидек қолади. Унга мувофиқ, мезон беш кишидан ошмаслиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган юридик шахсларни «кичик корхона» тоифасига киритиш учун белгиланган меъёрлар қисман ўзгарди. Мамлакатимиз миллий иқтисодиётида бўлган тармоқлар учун ишчи, хизматчи ва ходимларнинг юз кишидан ошмайдиган энг юқори ўртача йиллик сони белгиланди. Унга мувофиқ белгиланган тармоқлар қуйидагилардан иборат, Жумладан:

- озиқ-овқат саноати - қандолатчилик, гўшт, ликёр-арақ, сут, чой ва ҳоказо;

- енгил саноат - тўқимачилик; (пахта тозалаш, жун, пойи, трикотаж ва бошқалар), тикувчилик, чармгарлик, мўйнадўзлик, пойабзал ва ҳоказо;

- металлни қайта ишлаш ва асбобсозлик;

- мебель саноати - шу жумладан, аҳоли буюртмалари бўйича мебель ишлаб чиқариш ҳамда таъмирлаш ва ҳоказо;

- ёғочга ишлов бериш саноати - дарахт кесиш, ёғочдан ва ёғочга асосланган плиталардан стандарт уйлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;

- қурилиш материаллари саноати - цемент, асбестцемент буюмлар, юмшоқ том ёпиш ва гидроизоляция материаллари, қурилиш керамикаси ва ҳоказоларни ишлаб чиқариш.

Муқаддам юридик шахсларнинг кўрсатилган тоифалари учун ходимларнинг энг юқори ўртача йиллик сони қирқ кишидан ошмаслиги талаб қилинар эди.

Янги Фармонга мувофиқ, қуйида номлари зикр этиладиган тармоқ ва соҳалар учун эллик кишидан ошмайдиган энг юқори ўртача йиллик миқдор белгиланди.

Хусусан:

- кимё саноати - кимёвий тола ва иплар, синтетик тола ва пластик массалар, маиший кимё ишлаб чиқариши ва ҳоказо;

- ёқилғи-энергетика саноати - электр станциялар, электр ва иссиқлик тармоқлари, нефть қазиб олиш, уни қайта ишлаш, газ қазиб олиш тармоқлари ва ҳоказо;

- қора металлургия (руда хом ашёсини қазиб олиш ва бойитиш, қора металлар ишлаб чиқариш ва ҳоказо) ва рангли металлургия;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш - деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик;

- машинасозлик - энергетика, металлургия, кўтариш-ташиш, кимё, нефть ва ҳоказо;

- қурилиш ва бошқа саноат - ишлаб чиқариш соҳаси.

Олдин саноат тармоқларида банд бўлган юридик шахслар учун ходимларнинг энг юқори ўртача йиллик сони қирқ кишидан, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқаришлар учун - йигирма кишидан ошмас эди.

Қуйидаги тармоқ ва соҳалар учун ходимларнинг энг юқори ўртача йиллик сони йигирма беш кишидан ошмаслиги белгиланган. Жумладан:

- илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш - илмий-тадқиқот ишларини олиб борадиган муассасалар, шу жумладан, илмий иш олиб борадиган музей ва кутубхоналар ва ҳоказо;

- илмий муассасаларга хизмат кўрсатадиган ташкилотлар;

- транспорт - темир йўл, шоссе, авиация ва ҳоказо;

- алоқа - почта, чопарлик, радиопейжинг ва хоказо;

- хизматлар соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари) - компьютер (шу жумладан, Интернет), рекла-

ма, вакиллик хизматлари, аудиторлик фаолияти ва ҳоказо;

– савдо (улгуржи, чакана), умумий овқатланиш ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқлари.

Муқаддам уларда ўртача йиллик энг юқори сон ўн кишидан ошмаслиги белгилаб қўйилган эди.

Микрофирма ва кичик корхона мақомини олиши белгиланган ишловчилар сони тўғрисидаги маълумот

Фаолият тармоқлари	Фаолият кўрсатувчилар миқдори (кишн)	
	Микро-фирмада	Кичик корхонада
1. Ёқилғи, озиқ-овқат, металлни қайта ишлаш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебел ва қурилиш материаллари саноатида	20	100
2. Машинасозлик, металлургия, ёнилғи- энергетика, химия саноати, қ/х маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа саноат-ишлаб чиқариш тармоғида	20	50
3. Қишлоқ хўжалиги	10	50
4. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари	10	25
5. Фан ва илмий хизмат	10	25
6. Ноишлаб чиқариш тармоқлари	10	25
7. Чакана савдо	10	25
8. Улгуржи савдо	10	25
9. Хизмат кўрсатиш тармоғи	10	25
10. Транспорт	10	25

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган айрим микрофирма ва кичик

корхоналар зоган уларнинг кўрсаткичлари юқорида қайд этилган талабларга жавоб берса-да, лекин тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиб, уларга нисбатан ягона солиқ тўлови жорий этилмайди. *Уларнинг таркиби қуйидаги солиқ тўловчи* субъектлардан иборатдир. Жумладан:

- ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик товари ишлаб чиқарувчилари;

- ялпи даромаддан солиқ тўловчи савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;

- компьютер техникаси ва ахборот технологиялари билан ишлашни ўргатиш бўйича аҳолига хизматлар кўрсатишга ихтисослашган;

- ялпи тушумдан ягона солиқ тўловчи, лотореялар, тотализаторлар ва таваккалга асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

- компьютер техникаси ва дастурий воситаларга сервис хизмати кўрсатишга;

- дастурий воситалар ишлаб чиқариш;

- қатъий белгиланган солиқ тўловчи, автотранспортни қисқа муддат сақлаш жойлари, болалар ўйин автоматлари, шу жумладан, ўйин автоматлари залларини ташкил этиш бўйича фаолият, бильярдхоналар;

- харид, таъминот-сотиш корхоналари, брокерлик фирмалари, комиссия шартномаси бўйича хизмат кўрсатадиган - ягона солиқ тўловчилари бўлган корхона ва ташкилотлар;

- давлат божи тўловчи, берилган лицензияга мувофиқ гастрол-концерт фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар;

- маҳсулотларни тақсимлаш битимларининг иштирокчиси ҳисобланган юридик шахслар;

– харид, таъминот-сотиш корхоналари, брокерлик фирмалари, комиссия шартномаси бўйича хизмат кўрсатадиган – ягона солиқ тўловчилари бўлган корхона ва ташкилотлар.

Ягона солиқ тўловчи микрофирма ва кичик корхоналар бир неча объектлардан молиявий манбаларни топишади. Шу боис, уларни солиққа тортиш объекти – **ялпи тушум** ҳисобланади.

Ялпи тушум таркибига:

1. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан тушган сумма.

2. Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар.

3. Молиявий фаолиятдан даромадлар.

4. Фавқулодда даромадлар киритилади.

Ушбу кўрсаткичларни атрофлича изоҳлайдиган бўлсак, уларни қуйидагича акс эттириш мумкин. Хусусан:

I. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан тушган сумма, яъни – қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳалаш-қидирув ва илмий-тадқиқот корхоналари учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан тушум суммаси деганда ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланган ялпи тушум тушунилади. Лизинг компаниялари учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан тушум суммаси деганда лизинг берувчининг даромади (маржа)дан келиб чиқиб ҳисобланган ялпи тушум тушунилади.

II. Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар таркибига:

– ундирилган ёки қарздор эътироф этган жарималар, пенялар, неустойкалар ҳамда хўжалик шартномаларининг шартларини бузганлик учун бошқа жазо турлари, шунингдек, етказилган зарарларни қоплаш бўйича даромадлар;

- ҳисобот йилида аниқланган, ўтган йиллар даромадлари;

- рента даромади, микрофирма ва кичик корхоналар ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сингари бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан бошқа даромадлар;

- микрофирма ва кичик корхонанинг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкини сотишдан олинган даромадлар;

-кредиторлик ва депонентлик қарзини қонун билан белгиланган тартибда ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

- товар-моддий бойликларини кўшимча баҳолаш. Товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш суммаси маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишига қараб солиқ солинадиган ялпи тушумга киритилади;

- текин молиявий ёрдам, шу жумладан, текинга олинган мол-мулк;

- бошқа операцион даромадлар киритилади.

III. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар таркибига:

- олинган роялти ва капитал трансферти;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушли иштирок этишдан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар ҳамда микрофирма ва кичик корхонага тегишли бўлган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;

- мол-мулкни узоқ муддатли ижара(лизинг)га беришдан даромад (маржа);

- чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги фарқдан даромадлар. Бунда баланснинг валюта модда-

ларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги фарқдан даромад бўлиб мусбат ва манфий курс фарқлари ўртасидаги сальдо ҳисобланади. Манфий курс фарқи суммаси мусбат курс фарқи суммасидан ошиб кетган ҳолда ошиб кетиш суммаси ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаётганда солиқ солинадиган базани камайтирмайди;

– қимматли қоғозлар, шўъба корхоналар ва ҳоказоларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашларни ўтказишдан олинган даромадлар;

– молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар киритилади.

IV. Фавқулодда даромадлар.

Товарлар (хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш) бепул берилганда солиқ солиш объектига уларнинг қиймати ҳам киритилади, бу қиймат уларни ишлаб чиқаришга кетган амалдаги харажатлардан, мол-мулк бепул берилганда эса балансда қайд этилган қолдиқ қийматдан келиб чиқиб белгиланади.

Солиққа тортиладиган ялпи тушум ҳисобланаётганда қуйидагилар ялпи тушумдан чиқарилади:

а) акцизости товарлари ишлаб чиқарилаётганда акциз солиғи суммаси;

б) давлат субсидиялари суммаси;

в) давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

г) тўлов манбаида солиқ тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлигида дивидендлар ва фоизлар;

д) дивидендлар кўринишида олинган ва улардан олинган микрофирма ва кичик корхонанинг устав фондига йўналтирилган даромадлар.

Агар дивиденд ва фоизлар кўринишида олинган даромаддан солиқ тўлов манбаида ушланмаган бўлса,

дивиденд ва фоизлар кўринишида олинган мазкур даромад олувчиларга 2006 молия йилидан бошлаб 10 фоизли ставка бўйича солиқ солинади.

9.3. Солиқ ставкалари ва солиқ имтиёзлари[1]

Т/р	Ягона солиқ тўловчи субъектлар	Сотилган товар(иш, хизмат)лар ҳажмига нисбатан фоизда
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоклари корхоналари (2-4 бандларда кўрсатилганлар бундан мустасно)	13
2.	Қишлоқ хўжалик корхоналари (ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалик товари ишлаб чиқарувчилар бундан мустасно)	6
3.	Гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (жумладан, норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар	30
4.	Хусусий амалиёт билан шуғулланадиган нотариуслар	50

Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг эркин алмаштириладиган валютадаги экспорти улуши қуйидагича бўлган экспортчи корхоналар учун:

- агар савдонинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлса, - белгиланган ставка 30 % га камаяди;

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги 244-сонли қарори.

- агар савдонинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлса - белгиланган ставка 2 баравар камаяди.

Ягона солиқ тўловини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилари» уюшмасининг мулкида бўлган, ишловчиларининг умумий сонининг камида солиқ фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронтининг фахрийлари ташкил қилган микрофирма ва кичик корхоналар озод этилади.

Ягона солиқ тўлови тўлайдиган кичик корхона ва микрофирмалар қонунга мувофиқ ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақини тўлашдан озод этилади.

Мазкур имтиёз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорларига кўра ижарага олинган ер майдонлари учун татбиқ этилади.

Илгариги қонунга биноан микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқни тўлаш бўйича берилган солиқ имтиёзлари ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида ҳам амал қилади. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Бозорларни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 390-қарорига мувофиқ ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг:

- истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан олган тушумига 25 фоизга камайтирилган ставка бўйича ягона солиқ солинади.

Ягона солиқ тўловини тўлаш тартибига ўтиш ҳақида микрофирма ва кичик корхоналар туман (шаҳар) дав-

лат солиқ инспекциясини ёзма равишда хабардор қиладилар. Бунда, билдирувнома:

- янги ташкил этилаётган фирма ва корхоналарга давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирилмай;

- ишлаб турган фирма ва корхоналарга - чорак бошланишига кўпи билан бир ой қолганда юборилади.

2005 йил 1 июлга қадар ягона солиқ тўлаган микрофирма ва кичик корхоналардан ягона солиқ тўловини тўлаш тартибига ўтилиши тўғрисида билдирувнома талаб қилинмайди.

Ягона солиқ тўловини тўлаш тартибидан ихтиёрий бош тортиш ва бошқа солиқ режимига ўтиш назбатдаги чорак бошидан туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига ҳисобот чораги якунланишига кўпи билан бир ой қолганда, ёзма билдирувнома бериш йўли билан амалга оширилади.

Ягона солиқ тўловини тўлаш тартибидан бошқа солиқ режимига ўтган микрофирма ва кичик корхона, улар ягона солиқ тўловини тўлаш тартибини қўллашдан ихтиёрий тарзда бош тортган ёки уни қўллаш ҳуқуқини йўқотгандан кейин камида бир йилдан кейин яна ягона солиқ тўловини тўлаш тартибига ўтишга ҳақлилар.

Ягона солиқ тўловини тўлаш тартиби ёки бошқа солиқ режимига ўтаётганда корхоналарнинг ўша даврда амал қилган солиқ режимидан келиб чиққан ҳолда аввалги давр учун солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни тўлашга доир мажбуриятлари сақланиб қолади.

9.4. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш муддатлари

Ягона солиқ тўловини тўловчилар мустақил равишда, солиқ солинадиган айланма ва тасдиқланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисоблайдилар.

Ягона солиқ тўловининг турли ставкалари бўйича белгиланган фаолият турларини амалга ошираётган ягона солиқ тўлови тўловчилари ҳар бир фаолият турда алоҳида ҳисоб юритишлари ва тегишли ставкалардан келиб чиққан ҳолда ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китобини амалга оширишлари керак.

Солиқни ҳисоблаш тартиби аниқланган база солиқ ставкасига кўлайтириш орқали аниқланади, яъни:

$$\mathbf{C = O \cdot A}$$

Бу ерда, **С**- солиқ суммаси;

О- солиқ базаси;

А- ягона солиқ ставкаси.

Агар микрофирма ва кичик корхоналар, асосий фаолияти билан бир қаторда, ягона солиқ тўлови жорий этилмайдиган фаолият турлари билан шуғулланса-лар, ушбу фаолият турлари бўйича улар алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифаси учун қонунда назарда тутилган солиқлар, йиғимлар ва давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашлари шарт.

Биринчи чорак, ярим йил ва 9 ой якунлари бўйича солиқ тўловчилар рўйхатдан ўтиш жойидаги туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида, ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этадилар.

Ягона солиқ тўловини тўлаш ҳар чоракда ўсиб борувчи якун билан ҳисобот **чорагидан кейинги ойнинг 25-кунига** қадар амалга оширилади.

Ягона солиқ тўловига оид ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисоб-варағи асосида юритилади. Белги-

ланган тартибда ҳисоблаб чиқилган ягона солиқ тўлови солиқ ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олиш ҳисоб-варағи дебети ҳамда бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредитида акс эттирилади.

Ягона солиқ тўловининг ўтказилган суммалари бюджетга тўловлар бўйича қарзни хисобга олиш ҳисоб-варағининг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисоб-варағининг кредити бўйича акс эттирилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амал қилаётган «Камолот» ёшлар ҳаракатини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида микрофирма ва кичик корхоналар тўлаётган ягона солиқ тўловининг бир қисми «Камолот» ёшлар ҳаракати жамғармаси ҳисоб варағига ўтказилса, қолган аксарият қисми маҳаллий бюджетлар даромадига йўналтирилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Соддалаштирилган ягона солиқ тўловини жорий этишнинг объектив зарурати нимада?
2. Ўзбекистон Республикасида жорий этилаётган ягона солиқнинг бошқа хорижий мамлакатлардан фарқли жиҳатлари нимада?
3. Микрофирма ва кичик корхоналарда ишловчи ходимлар сонини оширишга қандай омиллар таъсир этган?
4. Соддалаштирилган ягона солиқни тўловчи хўжалик субъектлари учун қандай тўловлар мажбурий ҳисобланади?
5. Соддалаштирилган ягона солиқни ундиришдаги асосий муаммолар нималардан иборат?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси. -Т., «Ўзбекистон», 2003 йил.
2. Давлат бюджети параметрлари ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг башорати ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги 244-сонли қарори.
3. Каримов И.А Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т., «Ўзбекистон», 1999 йил.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. // «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.
5. Абдураҳмонов О. Хорижий мамлакатларда солиқ тизимлари. Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. -Т., ТДИУ, 2003 йил.
6. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т., «Академия», 2002 йил.
7. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Солиқларнинг тури кўпми? "Жамият ва бошқарув", 2001 йил 2-сон.
8. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Етти ўлчаб ... "Бозор, пул ва кредит", 2001 йил 3-4-сон.
9. Маликов Т.С. Солиқ тизимини такомиллаштиришда солиқ имтиёзларининг ўрни. ТМИ, 2004 йил.
10. Тилабов Н. Солиқларни бюджетга ўз вақтида тушиб туришини таъминлаш - давр талаби. "Бозор, пул ва кредит", 2003 йил 10-сон.
11. Жўраев М. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш кафолати. "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", 2003 йил 6-сон.

X боб. Хитой Халқ Республикаси солиқ тизими[1]

Солиқлар ва солиқ функциясини бажарувчи мажбурий тўловлар – Хитой Халқ Республикаси (ХХР) ғазнасининг асосий даромад манбаи ҳисобланади. Шунингдек, у – мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига давлат томонидан таъсир қиладиган асосий молиявий воситалардан биридир. 1994 йилдаги солиқ ислоҳотларининг ижобий натижаси шундан иборатки, биринчи маротаба солиқ тизими социализмнинг бозор иқтисодиётига мослаштирилган амалдаги кўриниши бўлиб хизмат қилмоқда. Амалдаги солиқ тизими ХХРни ташқи дунёга очиқлигини таъминлаб, миллий иқтисодиётини кескин ривожланишига яқиндан ёрдам бермоқда.

10.1. Хитой Халқ Республикаси ҳақида қисқача маълумот[2]

ХХР Шарқий Осиёда жойлашган улкан мамлакат бўлиб, ҳудуди 9597 минг кв. км.ни ташкил этади. 2000 йил маълумотларига мувофиқ, аҳолиси 1255,1 минг кишидан иборат.

ХХРда 1978 йилда бошланган иқтисодий ислоҳотлар натижасида, йиллик ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати ўртача 7,9 %ни ташкил этди. Пировардида, ЯИМ биринчи маротаба 2000 молия йилида 1 трл. АҚШ долларидан ошиб кетди. Орадан ўтган 20 йил мобайнида мамлакатда яратилаётган ЯИМ 5 баробарга ошган бўлса, аҳолининг реал даромади 4 баробарга кўтарилиш имкониятига эга бўлди.

---

[1] Ушбу маълумотлар рус тилидаги материаллардан муаллиф томонидан таржима қилинган.

[2] Абатуров В. «Визитная карточка» Китайского экономического «чуда». Краткий обзор экономических реформ в Китае // Экономическое обозрение, май 2002 года. стр. 12.

Хитой Халқ Республикаси бугунги кунда жаҳон давлатлари ичида кўмир, цемент, пахта ва пахта маҳсулотлари, ғалла, гўшт ва телевизорлар ишлаб чиқариш ҳажми бўйича биринчи ўринни эгаллаётган бўлса, пўлат, сунъий тола ва электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Охирги 17 йил мобайнида истеъмол товарларини сотиш ҳажми ўртача 17,2 фоизга ортди.

Хитой миллий иқтисодиётига хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб этиш 1978 йилда ЯИМнинг 0,11 фоизини ташкил этган бўлса, 1997 йилга келиб ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 5,08 фоизини ташкил этди. Агар 1997 йилда тўғридан-тўғри инвестиция бутун мамлакатдаги умумий инвестициянинг 10 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда у 25 фоизга ортди. Мазкур ижобий кўрсаткич, ўз навбатида, Хитойнинг хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида ривожланаётган мамлакатлар ўртасида биринчи ва ривожланган давлатлар ичида (АҚШдан кейин) иккинчи ўринни эгаллаб туришига қулай шароит туғдирди. Ташқи савдо ҳажмининг йиллик ўсиши 1978 йили 2-3 фоизни забт этган бўлса, 1996 йили 17-20 фоизга кўтарилди.

Кейинги 19 йил мобайнида Хитойнинг экспорт ҳажми 15,2 маротабага кўтарилиб, 152 млрд. АҚШ долларидан ортган бир шароитда импорт ҳажми 12,5 маротабага ошди. Импорт ҳажмида – импорт божхона пошлинаси 1978 йилда 17,7 фоиздан 1996 йилга келиб, 2,5 фоизга қадар қисқартирилди. Хитойнинг валюта захираси 2001 молия йилига келиб, 179 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг халқаро молиявий риск даражаси хавфсиз ва барқарор эканлигидан далолат беради.

ХХРнинг юқорида зикр этилган иқтисодий ютуқларининг пойдевори бўлиб хизмат қилган нарса мамлакат ҳукуматининг жаҳон иқтисодий тажрибасида жуда кам учрайдиган кўрсаткичи, яъни Солиқ юкини 1979 йилда мамлакат ЯИМда 30,4 фоиздан 1996 йилда 10,3 фоизга туширишга асос бўлди.

1999 йил маълумотларига биноан, ХХР солиқ тизимида 992,000 солиқ хизматчиси фаолият юритиб, шулардан 575,000 киши солиққа тортишнинг давлат маъмуриятида банд, қолган 417,000 киши ҳудудий ва маҳаллий солиқ инспекцияларида хизмат кўрсатмоқда.

ХХРда ташқи молиявий маблағлар, замонавий техника ва технологиялар, "Ноу-Хау"ни жалб қилиш мақсадида хорижлик тадбиркорлар ва тижоратчилар учун қатор солиқ имтиёзлари тақдим этилган. Жумладан, 1999 молия йили маълумотларига мувофиқ, 60 дан ортиқ давлат билан имтиёзли солиққа тортиш шартномаси имзоланган бўлиб, шулардан 51 таси ратификация қилинган. МДҲ мамлакатларидан Россия, Украина, Белоруссия, Арманистон, Литва, Латвия ва Эстония давлатлари билан бўладиган иқтисодий муносабатлар имтиёзли солиққа тортиш шартномаси асосида амалга оширилади.

10.2. Солиқ қонунчилиги ва солиққа тортишни мувофиқлаштирувчи давлат органлари

ХХР да солиқ қонунчилигини ишлаб чиқарувчи ва мувофиқлаштириб турувчи давлат органлари таркибига қуйидагилар киради:

- Миллий конгресс ва унинг доимий қўмиталари;
- Давлат кенгаши;
- Молия вазирлиги;
- Давлат солиққа тортиш маъмурияти;

- Давлат кенгаши ҳузуридаги тарификация ва классификация қўмитаси;

- Бош божхона бошқармаси.

Мамлакатда солиқларга оид бўлган бош қонунларни, яъни солиқларни жорий этиш ва бекор қилиш билан шуғулланувчи давлат органи Хитой миллий конгреси ҳисобланади. Солиққа тортиш соҳасидаги маъмурий қарорлар ва қоидаларни Хитой Давлат кенгаши ишлаб чиқади. Солиққа тортишнинг идоравий йўриқнома ва тартибларини Молия вазирлиги; Солиққа тортиш давлат маъмурияти; Давлат кенгаши ҳузуридаги тарификация ва классификация қўмитаси; Бош божхона бошқармаси ишлаб чиқадилар ва солиқ тўловчи субъектларга доимий равишда етказиб берадилар.

ХХРда Солиққа тортишнинг давлат маъмурияти Олий солиқ органи ҳисобланади. Солиққа тортишнинг давлат маъмурияти Давлат кенгашида вазирлик мақомига эга бўлиб, унинг асосий функцияси бошқарув органи сифатида давлат даромадларини назорат қилишга қаратилган.

Солиққа тортиш давлат маъмуриятининг бошлиғи ва унинг 4 та ўринбосари Давлат кенгаши томонидан тайинланади. Бош иқтисодчи ва бош бухгалтер ҳам маъмурият бошқаруви аъзолари ҳисобланади. Вазирлик мақомига эга бўлган солиққа тортиш маъмуриятида 14 та функционал департаментлар мавжуд бўлиб, улар, ўз навбатида, бир неча махсус бўлимлардан таркиб топган. Жумладан:

1. Бош бошқарма. Унинг таркибига олий мансабдор шахслар бўлими, котибият, кузатув кенгаши, тадқиқот бўлими, янгиликлар бўлими ва молия бўлими киради.

2. Солиқ қонунчилиги ва солиқ сиёсати бошқармаси. Ушбу бошқарма таркибига умумий бўлим, солиқ ислоҳотлари бўлими, қонунчилик яратиш ва аппеляция бўлимлари киради.

3. Оборот солиғи бошқармаси. Ушбу бошқарма ҚҚС, истеъмолдан олинадиган солиқ ва тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган солиқларга жавоб беради.

4. Фойда (даромад) солиқлари бошқармаси корхоналардан олинадиган фойда (даромад) солиғи ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига жавоб беради.

5. Маҳаллий солиқлар бош бошқармаси герб йиғими, автотранспорт воситалари ва сув транспертидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ерни реализация қилганлик учун солиқ, асосий капиталга инвестиция солиғи, шаҳар қуриш ва жорий таъмирлаш солиғи, туман ва шаҳарларнинг ерларидан фойдаланганлик учун тўлов ҳамда ресурс солиқлари учун жавоб беради.

6. Қишлоқ хўжалиги солиқлари бошқармаси ерга ишлов бериш солиғи, чорва молларини сақлаш ва кўпайтириш солиғи, мол-мулкни ўтказганлик учун солиқ ва қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланганлик учун солиқларни тартибга солади.

7. Халқаро солиққа тортиш бошқармаси. Мазкур бошқарма таркибига солиқлар бошқармаси бўлими, солиқ тўлашдан бош тортиш бўлими, халқаро солиқ ҳамкорлиги бўлими, ташқи ишлар бўлими ва хорижий кооперация бўлимлари киради.

8. Экспорт – импорт операцияларини солиққа тортиш бошқармаси.

9. Солиқларни йиғиш ва бошқарин департаменти таркибига солиқларнинг тарғибот бўлими, маркетинг бўлими ва счёт-фактурани юритиш ҳамда расмийлаштириш бўлимлари киради.

10 Солиқларни таҳлил ва тадқиқ қилиш бошқармаси.

11. Таъминот бўлими, инфратузилма бўлими ва молия бўлимини ўзида мужассамлаштирган **Молия бошқармаси департаменти.**

12. Иқтисодий таҳлил, статистика ва режа бўлимидан ташкил топган **Режа ва статистика бўлими.**

13. Кадрлар бошқармаси - юқори бўғин кадрлар бўлими, солиқ хизмати ходимлари бўйича кадрлар бўлими, ёлланган ишчилар бўйича бўлим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўлимидан таркиб топган.

14. Назорат қилувчи департамент таркибига котибият, назорат бўлими ва шикоятларни кўриб чиқиш бўлимлари киради.

Ушбу тузилмалардан ташқари солиққа тортиш масалалари билан қатор нодавлат институтлари ва алоқа бўлимлари ҳам шуғулланади. Хусусан:

- Таълим маркази.
- Хизмат кўрсатиш маркази.
- Информацион технологиялар маркази.
- Солиқ агентларини бошқариш маркази.
- Солиқ соҳасида илмий тадқиқотлар институти.
- Солиқ масалаларига бағишланган газета, журнал ва бошқа нашрлар.
- Гуанчжоуда жойлашган солиқ хизмати ходимларини тайёрлаш маркази.
- Чунчанеда жойлашган Солиқ коллежи.

ХХРда Солиқларга оид қонун ва йўриқномалар 4 босқичда олиб борилади. Хусусан:

- меъёрий ҳужжат режасини тузиш;
- кўриб чиқиш;
- қарор қабул қилиш (овоз бериш);
- чоп этиш (эълон қилиш).

Юқоридагилардан ташқари, ХХРда солиқларга бағишланган меъёрий ҳужжатлар нафақат олий даражадаги органларда, балки зарурат туғилганда улар

маҳаллий даражаларда ҳам ишлаб чиқилади ва мос равишдаги бошқарув органлари томонидан қабул қилинади.

10.3. ХХРда солиқ гуруҳлари ва турлари

Бозор иқтисодиёти ривожланган барча мамлакатлар қатори ХХР да ҳам бир неча турдаги солиқлар ва солиқ функциясини бажарувчи мажбурий тўловлар мавжуд бўлиб, улар шартли равишда 25 та солиқдан таркиб топган саккизта гуруҳга бирлашган. Хусусан:

Т/р	Солиқларнинг гуруҳланиши	Солиқ турлари
1.	Оборотдан олинадиган солиқ	- ҚҚС. - Истеъмолдан олинган солиқ. - Тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган солиқ.
2.	Фойда (даромад) солиғи	- Маҳаллий юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи. -Қўшма ва хорижий корхоналардан олинадиган фойда солиғи - Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи.
3.	Ресурс тўловлари	- Ресурс солиғи. - Ер солиғи.
4.	Мақсадли солиқлар ва йиғимлар	- Шаҳар қуриш ва уни жорий таъмирлаш учун солиқ. - Қишлоқ хўжалиги еридан фойдаланганлик учун солиқ. - Асосий капиталга инвестиция учун солиқ. - Ерни сотганлик учун солиқ.
5.	Мол-мулк солиғи	- Мол-мулк солиғи. - Кўчмас мулк солиғи. - Меросхўрлик солиғи (ҳозирча жорий этилмаган).

	Муайян фаолият ва операциялардан олинадиган солиқ	- Автотранспорт воситалари ва сув транспортидан фойдаланганлик учун солиқ. - Герб йиғими. - Мол-мулкни ўтказганлик учун солиқ. - Қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдан олинадиган солиқ (ҳозирча жорий этилмаган).
	Қишлоқ хўжалиги солиқлари.	- Ерга ишлов берганлик учун солиқ. -Чорва молларини сақлаш ва кўпайтириш солиғи.
	Божхона пошлинаси	- Импорт солиқлари. - Экспорт солиқлари.

10.4. Оборотдан олинадиган солиқлар

ХХРда, корхоналар (ташкилотлар) *уларнинг тузилмавий* бўлимлари ва фуқаролар оборот солиғини тўловчилар ҳисобланади. Оборотдан олинадиган солиқларни ундирибга солиб турувчи меъёрий ҳужжат Давлат кенгаши томонидан 1993 йил 13 декабрда қабул қилинган *ҳамда Молия вазирлиги* томонидан 25 декабрь 1995 йилда унга мос равишда вақтинчалик йўриқнома ишлаб чиқилиб, ҳозирги кунда у ҳуқуқий асосга эга бўлмоқда.

А. Қўшилган қиймат солиғи.

Мазкур солиқ Хитой Халқ Республикаси ҳудудида кўрсатилаётган хизмат, импорт товарлари ва реализация бўйича оборотдан ундирилади. Товарлар ва хизматларнинг кундалик заруратидан келиб чиқиб, икки-13 фоиз ва 17 фоизли солиқ ставкаси қўлланади. Экспорт қилинаётган товарлар «ноль» ставкада ундирилади.

Солиқ суммасини аниқлаш тартиби:

1. Умумий тартибда солиқ тўловчилар. ҚҚС суммасини бюджетга ўтказувчи солиқ тўловчилар, солиқ

суммасини аниқлаш учун алоҳида ҳисоб олиб боришлари лозим. Яъни жорий давр учун **тўланган** солиқ суммаси ва **олинган** солиқ суммаси. Ушбу солиқлар суммаси ўртасидаги ижобий фарқ давлат бюджетига тўлаш лозим бўлган ҚҚС ҳисобланади.

- Бюджетга ҚҚС = жорий давр учун тўланган ҚҚС – ушбу давр учун олинган ҚҚС

- Олинган ҚҚС = жорий даврда реализация ҳажми **X** мос равишдаги солиқ ставкаси

2. Кичик ҳажмдаги солиқ тўловчилардан солиқ кўрсатган хизматлари ва товарларни сотишдан олган даромад кўрсаткичига нисбатан ҳисоб-китоб қилинади. Солиқ ставкаси савдо (тижорат сектори)да 4%, қолган секторларнинг барчасида 6% этиб белгиланган.

Солиқни ҳисоблаш формуласи:

- Бюджетга ҚҚС = сотув ҳажми **x** солиқ ставкаси.

- Импорт операцияларидан ҚҚС мос равишдаги ставкалар бўйича импорт товарларининг божхона қийматидан ундирилади.

Солиққа тортилмайдиган товарлар:

- ўз маҳсулотларини мустақил реализация қилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермерлар;

- аҳолидан харид қилинаётган ноёб китоблар;

- тиббиёт воситалари ва аппаратлари;

- таълим зарурати учун импорт қилинаётган қурилма ва воситалар;

- чет эл ҳукумати ва ташкилотлари томонидан текинга тақдим қилинаётган товар моддий бойликлари;

- ногиронлар зарурати учун импорт қилинаётган мосламалар;

- маҳаллий ёки хорижий инвесторларнинг молиялаштирилишидан қатъий назар, Давлат буюртма лойиҳаси бўйича импорт қилинаётган қурилма ва воситалар.

Б. Истеъмолдан олинадиган солиқ.

Истеъмолдан олинадиган солиқ ХХРда ишлаб чиқариладиган ёхуд импорт қилинадиган қуйидаги товар гуруҳларига ўрнатилган: тамаки маҳсулотлари, спиртли ичимликлар, косметика, қимматбаҳо буюмлар, бензин, моторли қайиқлар, катерлар, мотоцикллар, автомобиллар.

Ушбу солиқлар экспорт қилинаётган товарларга қорий этилмайди. Солиқ ставкаси товар гуруҳларига қараб табақалаштирилган. Солиқ ставкаси асосан фоиз шаклида, аммо айрим товарларга нисбатан қатъий ставкада ҳам ўрнатилган.

ХХРда айрим товарлар гуруҳига нисбатан истеъмолдан олинадиган солиқ ставкалари

Т/р	Солиққа тортиладиган товарлар таркиби	Солиқ ставкаси
1.	Тамаки маҳсулотлари	25 - 50 %
2.	Спиртли ичимликлар	5 - 25 %
3.	Косметика	30 %
4.	Қимматбаҳо буюмлар	5 - 10 %
5.	Бензин	1 литр учун 0,2 - 0,28 юан
6.	Автотранспорт воситалари	3 - 10 %

Бюджетга тааллуқли бўлган солиқ суммасининг ҳисоби товарнинг қиймати ёки миқдор кўрсаткич тамойили асосида амалга оширилади.

Истеъмол солиғини ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ = реализация қилинган истеъмол товар ҳажми (қиймати) Х мос равишдаги (фоиз ёки қиймат) солиқ ставкаси.

ХХРга импорт қилинаётган истеъмол товарлари белгиланган солиқ ставкаси бўйича уларнинг божхона қийматига нисбатан ундирилади.

В. Тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган солиқ

Ушбу солиқ ХХР ҳудудида кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчилар, номоддий активларни берувчилар ёки объекти солиққа тортиладиган хизматларни кўрсатувчи корхона ва тадбиркорлар томонидан тўланади.

Солиққа тортиладиган объект ва солиқ ставкаси:

Т/р	Солиққа тортиладиган объект	Солиқ ставкаси, % да
1.	Транспорт ва алоқа	3
2.	Қурилиш	3
3.	Молия, суғурта бизнеси	8
4.	Почта ва телевидения алоқаси	3
5.	Маданият ва спорт	3
6.	Кўнгилочар ўйинлар	5-20
7.	Хизматлар кўрсатиш	5
8.	Номоддий активларни ўказиш	5
9.	Кўчмас мулк савдоси	5

Давлат бюджетига тўлаш лозим бўлган солиқ суммасини аниқлаш формуласи қуйидагича:

Солиқ суммаси = Оборот **X** мос равишдаги солиқ ставкаси

Мазкур солиқдан озод бўлганлар:

- қариялар уйи, болалар боғчаси ва тиббиёт муассасаларига хизмат кўрсатаётганлар;
- никоҳ ва мотам маросимларига хизмат кўрсатувчилар;
- ногиронлар ва ногиронлар ташкилоти ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар;
- таълим соҳасида мактаб ва бошқа ўқув масканларига кўрсатилаётган хизматлар;
- ерларни суғориш ва қуритиш, ўсимликларнинг касалланиши ва уларни қурт-қумурсқалардан ҳимоя қилиш, уй ҳайвонлари ва паррандалар касалланишининг олдини олиш ва профилактика ишлари; қишлоқ хўжалиги ерларига ишлов бериш ва чорвачиликни суғуртта қилиш;
- маданий тадбирларга қатнашиш учун кириш тўлови (музей, бадиий галерея, кўргазма, кутубхона), шунингдек, диний маросим хизматлари.

10.5. Фойда (даромад) солиғи ва уларни бюджетга тўлаш механизми

ХХР солиқ тизимига мувофиқ, бевосита солиқлар таркибига Фойда (даромад) солиғи, Ресурс тўловлари, Мақсадли солиқлар ва йиғимлар, Мол-мулк солиғи, Муайян фаолият ва тижорат операцияларидан олинадиган солиқ, Қишлоқ хўжалиги солиқлари киради. Ушбу солиқлар турли вазиятлардан келиб чиқиб, турли вақтларда жорий этилган ва давр ўзгариши билан такомиллашиб бормоқда.

А. Маҳаллий юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи.

ХХРда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини жорий этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб. 13 декабрь 1993 йилда қабул қилинган йўриқнома ҳисобланади. Қайд этилган йўриқномани ижро этиш учун ҳуқуқий асосга 4 февраль 1994 йилда рухсат берилган.

ХХР Фойда солиғини тўловчилар:

- давлат корхоналари;
- хусусий корхоналар;
- хорижий инвестицияларга асосланган қўшма корхоналар;
- бошқа тадбиркорлик фаолияти асосида ташкил этилган юридик шахслар ҳисобланади.

Дунёдаги барча мамлакатлар қатори, ХХРда ҳам фойда солиғига тортиш объекти бўлиб, товар ва маҳсулотларни сотишдан, хизмат кўрсатишдан ҳамда иш бажаришдан шаклланган фойда, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти ва операцияларидан тушаётган фойда ҳисобланади. Фойда солиққа тортиш объекти, корхонанинг ҳисобот йилида олган умумий фойдасидан, қонун миқёсида берилган имтиёзларни чегириб ташлаш асосида аниқланади.

Солиқни ҳисоблаш тартиби:

Фойда солиғи суммаси = Солиққа тортиладиган фойда Х Мос солиқ ставкаси

ХХРда **33 %** асосий солиқ ставкасидан ташқари паст рентабелли ва фойда олиш даражаси кам бўлган корхоналар учун яна икки хил **18 фоиз** ва **27 фоизли** солиқ ставкаси қўлланилиши белгиланган.

Корхоналарга фойда солиғи бўйича имтиёз берилиши учун улар муайян талабларга жавоб беришлари лозим. Жумладан:

- юқори технологиялардан фойдаланиш орқали иккиламчи ресурсларни қайта ишлаш;

инфратузилма кам ривожланган, қолоқ ва нотинч ҳудудларда янгидан ташкил этилган корхоналар;

табиий офат натижасида зарар кўрган корхоналар;

ижтимоий аҳамият касб этувчи (аҳолини ишга жойлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш) янги ташкил этилган корхоналар;

- давлат хайрия ташкилотлари;
- давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқалар.

Б. Қўшма ва хорижий корхоналардан олинадиган фойда солиғи.

ХХРда биринчи маротаба «ХХРда қўшма корхоналар тўғрисида»ги қонун 1979 йил 1 июль куни қабул қилинган. Ушбу қонун мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. 1978-1989 йиллар мобайнида мамлакатга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 57.8 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, ушбу сумма кейинги 30 йил мобайнида жалб этилган хорижий инвестиция ҳажмидан 10 баробар кўп. 1992-1993 йиллар даврида Хитой миллий иқтисодиётига хорижий инвестициялар ҳажми 37 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, унинг замирида 61 млрд. Ақш доллари қийматига эга бўлган капитал билан қарийб 50000 дан ортиқ хорижий инвестицияга асосланган қўшма корхоналар фаолият юритди.

2000 йил охирига келиб, Хитойда 145 минг хорижий инвестицияли корхоналар фаолият юритиб, уларда 19,7 млн. меҳнатга лаёқатли ишчи ва хизматчилар фаолият юриттанлар[1].

[1] Абатуров В. «Визитная карточка» Китайского экономического «чуда». Краткий обзор экономических реформ в Китае // Экономическое обозрение, май 2002 года. стр. 15-16.

Фойда солиғини бюджетга тўлаш механизми ХХР хорижий инвестицияларга асосланган қўшма корхоналардан фойда солиғини ундириш ҳақидаги қонуни орқали тартибга солиб турилади. Қонун 9 апрель 1991 йили қабул қилиниб, у 30 июнь 1991 йилдан бошлаб кучга кирган.

Хорижий инвестицияли корхонанинг бош офиси ХХР ҳудудида жойлашган бўлса, барча тадбиркорлик фаолиятидан, яъни мамлакат ичкариси ва ташқарисидан олган молиявий манбалардан фойда солиғи тўлайдилар.

Солиқ ставкаси 33 % бўлиб, шундан 30 % марказий бюджетга йўналтирилади, қолган 3 % маҳаллий бюджетлар даромадига тушади.

Агар хорижий инвестицияли корхоналар экспортга йўналтирилган товарларни ишлаб чиқаётган бўлса, шунингдек, махсус эркин иқтисодий зоналар ва шунга ўхшаш ҳудудларда фаолият юритса, фойда солиғидан имтиёзлар бериш назарда тутилган.

Солиқ тўлашдан бутунлай озод бўлишни хоҳлаган хорижий инвестицияли корхона, солиққа тортиладиган суммани қайта инвестициялашга ва янги корхона ташкил этишга йўналтириши лозим.

В. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

Мазкур солиқни жорий этишга асос бўлган меъёрий ҳужжат 1980 йил 10 сентябрда, сўнгра 31 октябрь 1993 йилда қайта кўриб чиқилган Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳақидаги қонун ҳисобланади.

ХХРда бир йилдан ортиқ яшайдиган фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган жисмоний шахслар мамлакат ичидан ва ташқарисидан олган барча даромадлари бўйича даромад солиғини тўлашлари лозим. Мамлакатда

тадбиркорлик фаолиятидан бир йилдан кам вақт мобайнида даромад олган жисмоний шахслар фақат ХХРдан олган даромадидан солиқ тўлашлари керак.

Солиққа тортиш объекти:

- ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи;
- якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар;
- Мол-мулкини сотишдан олинган даромадлар;
- Фоиз, дивиденд ва бошқа тушумлар ҳисобланади.

1. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи

ХХРда ишчи ва хизматчиларнинг бир ойлик иш ҳақидан 800[1] юанни чегирилиб, қуйидаги прогрессив шкалада даромад солиғига тортилади.

Шкала	Бир ойлик солиққа тортиладиган даромад	Солиқ ставкаси,%да	Тақдим қилинаётган айирма
1.	500 юан	5	0
2.	501 - 2000 юан	10	25
3.	2001 - 5000 юан	15	125
4.	5001 - 20000 юан	20	375
5.	20001 - 40000 юан	25	1375
6.	40001 - 60000 юан	30	3375
7.	60001 - 80000 юан	35	6375
8.	80001 - 100000 юан	40	10375
9.	100000 юандан юқориси	45	15375

Мазкур солиқни ҳисоб-китоб қилиш формуласи қуйидагича:

Бир ойлик иш ҳақи йиғиндисидан – 800 юан = Бир ойлик солиққа тортиш даромади.

---

[1] ХХР миллий валютаси юанжан сўмга нисбатан: **1** юан = **140,48** тийин. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумоти. 2005 йил 23 сентябрь.

Бир ойлик солиққа тортиш даромади х мос равишдаги солиқ ставкаси – Тақдим қилинган айирма = Бир ойлик солиқ суммаси

2. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад солиғи.

Солиққа тортиш объекти, ҳисобот йилида якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад, ушбу даромадни олишга кетган харажатлар ва зарарни чегиргандан кейин шаклланган соф даромад ҳисобланади ва у қуйидаги 5 табақали прогрессив усулда даромад солиғига тортилади.

Шкала	Бир йиллик солиққа тортиладиган даромад	Солиқ ставкаси, %да	Тақдим қилинаётган айирма
1.	5000 юан	5	0
2.	5001-10000 юан	10	250
3.	10001-30000 юан	20	1250
4.	30001-50000 юан	30	4250
5.	50000 юандан ортиғи	35	6750

Ушбу солиқни ҳисоб-китоб қилиш формуласи қуйидагича:

Бир йиллик солиққа тортиладиган даромад = Бир йиллик Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад – Ушбу даромадни олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва кўрилган зарарлар.

Бир йиллик солиқ суммаси = Бир йиллик солиққа тортиладиган даромад х Мос равишдаги солиқ ставкаси – Тақдим қилинган чегирма.

3. Мол-мулкни сотишдан олинган даромад.

Солиққа тортиладиган даромад = Мол-мулкни реализация қилишдан шаклланган тушум – Мол-мулкнинг дастлабки қиймати – Мол-мулкни реализация қилиш билан боғлиқ харажатлар

Солиқ суммаси = Солиққа тортиладиган даромад х 20 %.

Процент, дивиденд ва бошқа тушумлар

Солиқ суммаси = ҳар бир манбадан олинган умумий даромад х 20 %.

ХХРда жисмоний шахсларнинг қуйида қайд этилган даромадлари солиққа тортиш базасига киритилмайди, яъни солиқ тўлашдан озод этилади:

- давлат органлари, хорижий ва халқаро ташкилотлардан фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, табиатни муҳофаза қилиш натижасида олинган мукофотлар;

- Давлат кенгаши тавсиясига мувофиқ, муомалага чиқарилаётган молиявий облигациялар, Молия вазирлиги томонидан чиқарилаётган давлат облигациялари, жамғарма депозитлари бўйича фоизлар;

- Давлат кенгашининг ягона тартибига мувофиқ, хукуматнинг иш ҳақига махсус устамалар; Давлат кенгашининг қарорига мувофиқ, субсидия, дотация ва алоҳида тўловлар;

- ҳайрия ташкилотларининг нафақалари, моддий ёрдам, боқувчисини йўқотганлиги боис белгиланган пенсиялар;

- суғурта тўловлари;

- ҳарбий хизматчиларга берилган пул ютуқлари;

- Тиббиёт суғурта пенсияси бўйича банк ҳисоб-рақамида жамғарилаётган фоиз даромадлари;

- дипломатик ва консуллик тоифалари бўйича олинаётган даромадлар.

10.6. Ресурс тўловлари.

А. Ресурс солиғи.

ХХР ҳудудида табиий ресурсларни етказаётган ва фойдаланаётган юридик ва жисмоний шахслар ресурс солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Солиқ ставкаси табиий ресурсларнинг турига қараб табақалаштирилади

Т/р.	Солиққа тортиш объекти	Солиқ ставкаси
1.	Ишлов берилган нефть	1 тонна учун - 8-30 юан.
2.	Табиий газ	1000 м³ учун - 2-15 юан.
3.	Кўмир	1 тонна учун - 0,3-5 юан.
4.	Темир металл рудаси	1 тонна учун - 2-30 юан.
5.	Рангли металл рудалари	1 тонна учун - 0,4-30 юан.
6.	Туз: - қаттиқ туз - қуюқ туз	1 тонна учун - 10-60 юан. 1 тонна учун - 2-10 юан.

Солиқ суммаси = солиққа тортиладиган объект ҳажми **X** ўлчов бирлигига ўрнатилган солиқ ставкаси

Агар қазиб олинаётган нефтьдан мамлакат иссиқлик таъминоти зарурати учун фойдаланилаётган бўлса, солиқ тўлашдан озод этилади.

Агар солиқ тўловчилар - табиий офат натижасида катта зарар кўрган бўлса, зарар кўрган ҳажмга мос равишда солиқ тўлашдан имтиёз ёки чегирма берилади.

Б. Ер солиғи (туман ва шаҳар ерларидан фойдаланганлик учун тўлов).

Хорижий инвестицияга асосланган қўшма корхона,

хорижий фуқаро ва соф хорижий корхонадан ташқари юридик ҳамда жисмоний шахслар ушбу солиқни тўловчи субъектлардир.

Солиқ ставкаси минтақалар бўйича табақалашган:

- катта шаҳарларда ҳар кв. метр учун йиллик солиқ ставкаси — 0,5-10 юан;
- ўрта шаҳарларда — 0,4-8 юан;
- кичик шаҳарларда — 0,3-6 юан ёки.

Солиқ тўлашдан озод бўлган субъектлар:

- ҳукумат органлари, жамоа ва ҳарбий муассасалар;
- бюджет муассасалари ихтиёридаги ерлар;
- тарихий ёдгорликлар, истироҳат боғлари, мачитлар ва черковлар ихтиёридаги ерлар;
- ўрмон ва адир ерлар;
- балиқ ва чорвачилик хўжаликлари жойлашган ерлар;
- транспорт ва энергетика хўжалигини ривожлантириш ва экологияни ҳимоя қилиш учун фойдаланилаётган ерлар.

10.7. Мақсадли солиқлар ва йиғимлар.

А. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланганлик учун солиқ

Ушбу солиқни тўловчилар қишлоқ хўжалик ерларидан қурилиш ва бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун фойдаланаётган юридик шахслар ҳамда фуқаролар ҳисобланади (хорижий инвестицияга асосланган қўшма корхоналар, соф хорижий корхоналар ва хорижий фуқаролар бундан мустасно).

Мазкур солиққа қишлоқ хўжалигига мўлжалланган давлат ва хўжалик мулкида бўлган ерлар тортилади. Солиқ минтақалардаги иқтисодий ҳолат ва одам бошига тўғри келадиган ер участкасининг ўртача миқдорига қараб табақалашган ставкада ўрнатилади ва Молия ва-

зирлиги томонидан чегарадош минтақалар ўртасида солиқ ставкасининг катта миқдордаги тафовути вужудга келмаслигининг олдини олиш мақсадида ернинг ўлчов бирлигига нисбатан ўртача ставкада белгиланган. Солиқ ставкаси провинция, мухтор округ ва провинциядаги муниципалитетлар учун ўртача 2,5–9 юан қилиб ўрнатилган.

Солиқни ҳисоблаш формуласи.

Солиқ суммаси = банд қилинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участка майдони **X** ҳар кв. метр учун белгиланган мос равишдаги солиқ ставкаси.

Бир вақтнинг ўзида бир йиллик солиқ суммаси тўланиши шарт.

Солиқ тўлашдан озод бўлган ерлар:

- ҳарбий объектлар, темир йўллар, аэропортлар, мактаблар, касалхоналар;
- ирригация учун мўлжалланган ерлар;
- қочоқлар ва мажбурий кўчирилган фуқаролар фойдаланаётган ерлар;
- қишлоқ жойларда муқим истиқомат қилувчилар томонидан янги уй қурилган ерлар;
- қишлоқ жойларда ишлаётган, аммо молиявий қийинчиликда бўлган деҳқонлар, етимлар, бевалар, ҳарбий бўлинмалар ва ҳарбийлар учун янги уй-жой қураётган ерлар;
- ногиронларга меҳнат ўринларини ташкил этаётган хайрия ташкилотлари;
- автомобиль йўллари қуриш учун мўлжалланган ерлар.

Б. Асосий капиталга инвестиция учун солиқ.

ХХР ҳудудида асосий фондларга маблағ қўяётган фуқаролар, уй хўжалиги, корхоналар ва уларнинг филиаллари солиқ тўловчилар ҳисобланадилар.

Солиққа тортиш объекти ва солиқ ставкаси.

Т/р	Солиққа тортиш объекти	Солиқ ставка, %да
А 1.	**Инфратузилма:** Давлат объектлари	0
2.	Давлат ташаббуси билан қилинган, аммо транспорт ва энергетика ҳолати чегараланган лойиҳа	5
3.	Ётоқхона, меҳмонхона, офислар	30
4.	Уй-жой қурилиши	0,5
5.	Бошқа йўналишлар	15
Б 1.	**Қайта қуриш ва ривожлантириш** Давлат объектлари	0
2.	Уй-жой қурилишининг алоҳида объектлари учун	5
3.	Бошқа объектлар	10

Юқоридаги жадвалдан хулоса қилиб айтиш мумкинки, демак давлат объектларига инвестиция қилиш имтиёзли хусусиятга эга экан.

Солиқ асосий капиталга инвестицияланган умумий суммадан ундирилади.

Солиқни ҳисоблаш формуласи:

Солиқ суммаси = қайта қуриш ва ривожланишга йўналтирилган капитал қўйилма ёки янги объектга инвестицияланган сумма **X** мос равишдаги солиқ ставкаси

10.8. Мол-мулк солиғи

Солиқ шаҳар, округ, туман ва саноат жойларидан ундирилади.

Солиқ тўловчилар: офис эгалари, бино ва қурилмаларнинг мулкдорлари, ижарачилар ҳисобланади (хо-

рижий инвестицияга асосланган қўшма корхоналар, соф хорижий корхоналар ва хорижлик фуқаролар бундан мустасно).

Солиққа тортиш базасига нисбатан 2 та солиқ ставкаси ўрнатилган. Хусусан:

1,2 % ва 12 %. Биринчи ставка солиққа тортиш базаси мол-мулкнинг қолдиқ қийматига нисбатан белгиланган бўлса, ўз кучига эга бўлади.

Иккинчиси, солиққа тортиладиган база мол-мулкни ижарага беришдан оладиган даромадга нисбатан белгиланади.

Солиқ суммаси = солиққа тортиладиган база Х мос равишдаги солиқ ставкаси

Солиқ тўлашдан озод бўлган субъектлар:

- қуролли кучлар, ижтимоий ташкилотлар ва давлат органларининг шахсий зарурати учун фойдаланилаётган кўчмас мулклар;
- давлат бюджетидан молиялаштирилаётган муассасалар;
- тарихий ёдгорликлар, парклар ва диний бинолар;
- фуқароларнинг нотижорат мақсадларида фойдаланаётган мулклари;
- яшаш учун номақбул ва хароб бўлган уйлар.

10.9. Муайян фаолият ва операциялардан олинадиган солиқ

А. Автотранспорт воситалари ва сув транспортидан фойдаланганлик учун солиқ.

ХХР ҳудудида бўлган фуқаролар шахсий мулкида ҳамда ташкилотлар автотранспорт воситалари ва сув транспортларидан фойдаланувчилар ушбу солиғини тўловчи субъектлардир.

Солиққа тортиш базаси:

- автотранспорт воситалари учун – уларнинг нетто - тонна ёки сони;

- сув транспорти учун - уларнинг нетто – тонна ёки транспортнинг умумий юк кўтариш қуввати.

Солиқ ставкаси автотранспорт воситалари ва сув транспорти воситалари учун алоҳида-алоҳида ўрнатилган.

Солиқ ставкалари:

Автотранспорт воситалари учун:

- йўловчи транспортларга - 60-320 юан;
- юк транспорти бўйича 1 тонна учун - 16-60 юан;
- мотоцикллар учун - 20-80 юан;
- моторсиз воситалар учун - 1,2-32 юан.

Сув транспорти учун:

- моторли кемалар 1 тонна кўтариш қуввати учун - 1,2-5 юан;
- моторсиз судналар 1 тонна кўтариш қуввати учун - 0,6-1,4 юан.

Солиқни ҳисоблаш формуласи:

1. Солиқ суммасининг автотранспорт воситаси сони (нетто-тонна) Х ўлчов бирлигига нисбатан мос солиқ ставкаси.

2. Солиқ суммасининг сув транспортининг нетто-тонна (умумий юк кўтариш қуввати) Х ўлчов бирлигига нисбатан мос солиқ ставкаси.

Солиқдан озод бўлган транспорт воситалари:

- ҳукумат органлари, жамоат ташкилотлари, ҳарбий қисмлар, давлат бюджетидан молиялаштирилаётган муассасалар, милиция, ёнғинга қарши хизмат, табиатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш департаменти, 1 тоннадан ортиқ юк кўтармайдиган балиқ овловчи судналар, ногиронларнинг зарурати учун мўлжалланган автотраспортлар, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган тракторлар.

Хорижий инвестицияли корхоналар, соф хорижий корхоналар ва чет эл фуқаролари фойдаланаётган автотранспорт воситалари ва сув транспортлари солиқни бошқача ставкада тўлайдилар. Жумладан:

1. Автотранспортларнинг чораклик солиқ ставкаси:
- йўловчи транспортлар учун - 15-80 юан;
- юк транспорти учун бир тоннасига - 4-15 юан;
- мотоцикллар учун - 5-20 юан;
- моторсиз воситалар учун - 0,3-8 юан.

2. Сув транспортларининг чораклик ставкаси:
- моторли судна 1 тонна юк учун – 0,3 –1,1 юан;
- моторсиз судна 1 тонна юк учун – 0,15 –0,35 юан.

Мазкур гуруҳдаги солиқ тўловчилар учун қуйидагилар имтиёзлар белгиланган. Хусусан:
- элчихона;
- консуллик;
- дипломатлар, уларнинг рафиқалари ва балоғат ёшига етмаган фарзандлари;
- ёнғинга қарши машиналар, тез ёрдам машиналари.

Б. Герб йиғими.

ХХР ҳудудида иқтисодий ҳужжатларни бериш, тасдиқлаш ёки расмийлаштириш ваколатини олган фуқаролар, уй хўжалиги, корхоналар ва уларнинг филиаллари герб йиғимини тўловчилардир.

Расмийлаштирилаётган, берилаётган ва тасдиқланаётган ҳужжатнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, йиғим ставкаси табақалашган ҳолда ўрнатилади ва ҳозирги кундаги унинг кўлами 0,03 %дан 0,4 %гача фарқланади.

Йиғимни ҳисоблаш тартиби.

Йиғим суммаси = ҳужжатда келишилган тўлов суммаси х мос солиқ ставкаси

ёки

Йиғим суммаси = ҳужжатлар миқдори х ўлчов бирлигига мос йиғим ставкаси

Герб йиғимини тўлашдан озод бўлганлар:

- олдин тўланган солиқ ҳужжатларидан нусха кўчириш ва қайта тиклаш;

- мактаблар, ногиронлар, қариялар, етим ва бевараларни қўллаб-қувватловчи хайрия ташкилотларига ҳукумат органлари томонидан мол-мулк берилганини расмийлаштирувчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

- ХХР ва хорижий мамлакатлар, халқаро молия институтлари ўртасидаги фоизсиз ва дисконт кредитларни расмийлаштириш;

- қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва ҳйвонларни суғурта қилиш шартномаларини расмийлаштиришда.

В. Мол-мулкни ўтказиб берганлик учун солиқ.

ХХР ҳудудида мол-мулкка эгалик ҳуқуқига ўтган юридик шахслар солиқ тўловчи субъектлар ҳисобланади. Солиққа тортиш базаси бўлиб:

- давлат мулки ихтиёрида бўлган ерни фойдаланиш ҳуқуқига ўтганлиги ёки бинонинг олди-сотди жараёнида шаклланган савдо баҳоси;

- кўчмас мулк текинга берилган шароитда – бино ва ернинг ҳаракатдаги бозор баҳосига мос равишда солиқ органи ишлаб чиққан баҳо;

- айирбошлаш операцияларида – ер ва бино баҳоси ўртасидаги фарқ.

Солиқ ставкаси 3-5 % чегарасида ўрнатилган. Аммо муайян солиқ ставкасини маҳаллий бошқарув органи ушбу чегара атрофида белгилайди.

Солиқни ҳисоблаш тартиби.

Солиқ суммаси = солиққа тортиладиган база **Х** мос солиқ ставкаси

Ушбу солиқни тўлашдан озод бўлган субъектлар:

- ҳукумат органи ва институтлари, хайрия ташкилотлари, мудофаа корхоналари шахсий зарурати учун,

шунингдек, илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун кўчмас мулкка эгалик қилиш;

- чорвачилик, балиқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги зарурати учун тақдим этилган ерлар. Пляж, тепалик тоғлар билан банд ер майдонлари.

10.10. Божхона пошлинаси

Қонун бўйича товарларни импорт қилиш ҳуқуқига эга бўлган юк олувчилар ва экспорт қилишга рухсати бўлган юк жўнатувчилар божхона пошлиналарини тўловчилар ҳисобланади. Демак, товарларни импорт қилувчилар импорт пошлинасини, экспорт қилувчилар эса экспорт пошлинасини тўлайдилар.

Импорт пошлинасининг ставкаси **умумий** ва **преференцияли** шаклда фарқланади.

Умумий импорт пошлинаси, ХХР хорижий мамлакатлар билан имтиёзли солиққа тортиш келишуви бўлмаган давлатларнинг импорт товарига нисбатан белгиланган.

Преференцияланган тартиб, ХХР нинг хорижий мамлакатлар билан имтиёзли солиққа тортиш шартномаси имзоланган давлатларга нисбатан жорий этилган.

- 1999 йил маълумотига мувофиқ, божхона классификатори бўйича 6940 номдаги импорт қилинадиган товарлар мавжуд. Ушбу товарларга нисбатан 20 дан ортиқ умумий тартибдаги импорт пошлина ставкалари жорий этилган бўлиб, унинг кўлами 0,8 фоиздан 270 фоизгача. 50 дан ортиқ имтиёзли пошлина ставкаси жорий этилган бўлиб, унинг кўлами – 0,1 фоиздан 121,6 фоизга қадар етади.

Экспорт товарларига нисбатан пошлина ставкаси ҳам ранг-баранг бўлиб, 5 та ҳар хил ставкалардан ташкил топган. Улар 20 фоиздан, 50 фоизга қадар кўламни қамраб олган. Ҳозирги кунда экспорт кили-

наётган 36 турдаги товарларга нисбатан экспорт пошлинаси жорий этилган.

Божхона пошлинасини ҳисоб-китоб қилиш товарларнинг қийматига ёки миқдор кўрсаткичига нисбатан қўлланилиши мумкин.

Божхона пошлинасини ҳисоблаш формуласи:

1) Пошлина суммасининг экспорт-импорт товарлар миқдори **х** товарнинг божхона қиймати **х** пошлина ставкаси

2) Пошлина суммасининг экспорт-импорт товарлар миқдори **х** ўлчов бирлиги учун божхона пошлинаси

Божхона пошлинасидан озод бўлганлар:

- юк (товар)нинг қиймати 10 юандан кам бўлганда;
- реализация учун мўлжалланмаган товар намунаси ва реклама махсулотлари;
- хорижий давлат ёки халқаро ташкилотлардан текинга берилаётган товарлар.

10.11. Марказий ва маҳаллий бюджетлар ўртасида солиқ тушумларининг тақсимланиши

ХХРнинг ҳудудий тузилмасининг нотекислиги, миллий иқтисодиётда фаолият юритаётган тармоқ ва соҳаларнинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиб, Давлат кенгаши солиқ тушумларини бюджетлараро мувофиқлаштириб турувчи қарор қабул қилган.

Унга мувофиқ: 1) бириктирилган марказий солиқлар; 2) бириктирилган маҳаллий солиқлар ва бир вақтнинг ўзида ҳам марказий, ҳам маҳаллий бюджетларга тушадиган; 3) тартибга солувчи солиқларга бўлинади.

Марказий бириктирилган солиқлар таркибига мамлакат ичкарисидаги товар айланмасидан олинадиган истеъмол солиғи: божхона органлари томонидан

ундириладиган божхона пошлинаси, ҚҚС ва истеъмолдан олинадиган солиқлар киради.

Маҳаллий бириктирилган солиқларга: даромад солиғи, туман ва шаҳар ерларидан фойдаланганлик учун солиқ, қишлоқ хўжалиги еридан фойдаланганлик учун солиқ, асосий капиталга инвестиция учун солиқ, ерни реализация қилганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи; кўчмас мулк учун солиқ, меросхўрлик солиғи, автотранспорт ва сув воситаларидан фойдаланганлик учун солиқ, мулкни берганлик учун солиқ ва чорва моллари-ни сақлаш ва кўпайтириш солиғи киради.

Тартибга солувчи солиқлар:

Мамлакат ичидаги оборотдан ҚҚС: Марказий бюджетга – 75%; маҳаллий бюджетларга – 25%. Герб йиғими: марказий бюджетга – 88%; маҳаллий бюджетларга – 12%.

ХХР давлат бюджетида солиқ тушумларининг динамикаси ҳақидаги маълумотга эга бўлиш учун 7-иловага қаранг.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва Хитой Халқ Республикаси солиқ тизимининг уйғунлиги ва тафовутлари қандай?
2. Хитой Халқ Республикасида қандай эгри солиқлар мавжуд ва уларнинг биздаги эгри солиқлардан қандай фарқлари мавжуд?
3. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасидаги тўғри солиқларни солиққа тортиш ўртасида қандай уйғунликлар мавжуд?
4. Хитой Халқ Республикасида қандай солиқ имтиёзлари амал қилади?
5. Хитой Халқ Республикаси солиқ тизминиг бошқа давлатлардан устувор томонлари қандай намоён бўлади?

XI боб. Солиқлар ҳамда закот ўртасидаги уйғунлик ва тафовут

Тарихий маълумотларга кўра, солиқларнинг пайдо бўлишига давлатчилик аппаратининг шаклланиши таъсир кўсатган. Давлатчилик бошқарувининг илк кўринишлари, алоҳида бир қабила ўзига тегишли бўлган ҳудудни табиий офатлардан, бахтсиз ходисалар қолаверса, иккинчи бир қабиланинг тасодифан ҳужумидан ҳимоя қилиш учун айрим шахсларни чорвачилик, ҳунармандчилик ёки боғдорчилик ишларидан озод қилиб, улардан эҳтимоли мавжуд бўлган хавф-хатарлардан сақланиш мақсадида фойдаланганликларида ўз аксини топган. Бир вақтнинг ўзида ҳам меҳнат қилиш, ҳам хавф-хатардан ҳимоя қилиш имкониятининг чекланган боис, ҳимоя қилувчилар ва уларнинг оиласини озиқ-овқат, кийим-кечак ёхуд маблағ билан таъминлаб туришни ўша қабиланинг сардори ёки у томондан тайинланган ғазначи ўз зиммасига олган. Ғазначи қабила ҳимоячиларига берилиши лозим бўлган эҳтиёж маҳсулотларини олиш манбаи битта бўлиб, у ҳам бўлса, қабила ҳудуди ёки таркибидаги фуқаролар қандай фаолият тури билан шуғулланаётган бўлса, ўша меҳнат натижасининг муайян қисмини (ўртача 1/10) ундириш ҳисобига бўлган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқаролар дастлаб солиқларни ихтиёрий равишда тўлаганлар. Аммо, табиий офатлар (қурғоқчилик, ёғингарчилик ва ҳар хил тиббий эпидемиялар тарқалиши) содир бўлган пайтларда солиқларни ундириш имконияти бўлмаган ва унинг ўрнини қоплаш учун қўшни қабилаларга ёвчилик қилиш ҳоллари ҳам учраб турган.

Кейинчалик товар-пул муносабатларининг қарор топиши меҳнат тақсимотининг кенг ривожланишига туртки бўлди. Бу, ўз навбатида, фуқаролар учун

қишлоқ хўжалиги, чорвачилик соҳалари билан бир қаторда, яна бир неча янги меҳнат қилиш объектларининг вужудга келишига олиб келади. Жумладан, саноат, савдо, хизмат кўрсатиш, алоқа ва шу кабилар. Ушбу меҳнат қилиш объектларининг пайдо бўлишига мос равишда солиқ турлари ҳам кашф этила бошланди. Пировардида, *солиқларни жорий этиш ва ундириш* тартиблари тобора мукаммалашиб борди. Фуқароларнинг ихтиёрий равишда солиқ тўлашлари борган сайин пасайиб бориши натижасида солиқларни жорий этиш ихтиёрий кўринишдан мажбурий кўринишга алмаштирилишни тақозо қилди.

Ҳозирги кунга келиб, ер куррасида ҳеч бир давлат йўқдирки, ўз миллий иқтисодиётида у ёки бу кўринишдаги бевосита ва билвосита солиқлардан фойдаланмаётган бўлса. Солиқлар мавқеи бошқа иқтисодий категорияларга нисбатан шу қадар кучли бўлганки, улар ҳақида жуда кўп олимлар, мутахассислар ва ҳаттоки солиқ тўловчилар ҳам бир неча фикрларни билдиришмоқда. Жумладан, немис иқтисодчиларидан бири шундай деган: «Бугунги кунда ишчи ва хизматчи меҳнат ҳақисиз яшай олмаганидек, давлат (жамият) ҳам солиқларсиз яшай олмайди».

Агар солиқларни жорий этиш ва ундириш механизми оқилона ва одилона ташкил этилса, давлат бюджети даромади ўз вақтида шаклланади. Натижада даромади чегараланган меҳнат ресурсларини ва ижтимоий аҳамият касб этувчи чора-тадбирлар тўлиқлигича молиялаштирилади. Шунингдек, корхоналарнинг айланма маблағлари кўпайиб, кенгайтирилган ишлаб чиқаришни таъминлаш имконияти кенгаяди. Бу эса, қўшимча иш ўринларининг пайдо бўлиши ва солиқ тўловчи субъектлар таркибининг кўпайиши орқали солиқ юкининг пасайиши демакдир.

Бугунги кунга келиб, солиқларнинг бошқа тўловлардан фарқли томони шундаки, у ўз вақтида тўланмаса ёки тўлашдан бўйин товлаш ҳоллари вужудга келса, солиқ тўловчи субъектларга нисбатан молиявий жарима, айрим ҳолларда эса жиноий жавобгарлик қўлланиши ҳам мумкин. Шу боис ҳам, Америка Қўшма Штатларининг мустақиллик декларациясини қабул қилишда етакчилик қилган давлат арбобларидан бири Б. Франклин солиқ ҳақида шундай фикр билдирган: «Бу дунёда икки нарсадан қочиб қутилишнинг иложи йўқ: солиқ тўлашдан ва ўлимдан».

Ҳозирги кунда ҳам ушбу фикрлар ҳамон ўз кучини йўқотмаганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз. Барча ривожланган мамлакатлардаги каби, Ўзбекистонда ҳам солиқлар ва солиқ функциясини бажарувчи мажбурий йиғимлар ва тўловларнинг миқдори ўндан ортиқ эканлиги фикрларимиз далилидир.

Энди солиқларга табиати, шакли ва йўналишлари билан ўхшаб кетадиган, аммо солиқлардан кескин фарқ қиладиган **Закот** ҳақида мушоҳада юритсак. Маълумки, закотнинг жорий этилиши бевосита Ислом динининг кириб келиши билан боғлиқ. Диний уламолар қарашлари ва диний нашрларга таяниб айтадиган бўлсак, Севимли пайғамбаримиз шундай буюрганлар. Мўъминнинг комил мусулмон бўлиши Исломнинг беш амалига риоя қилиш билан амалга ошади:

1. Оллоҳнинг борлигига, бирлигига, Ҳазрати Муҳаммад (алай-ҳиссалом) унинг қули ва пайғамбари эканлигига кўнгилдан ишониш ва буни тилда: «Ашҳаду ан ла илаҳ иллаъллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадин абдуҳу ва расулуллоҳ» деб айтиш.

2. Диннинг таянчи бўлган беш вақт намозни ўқиш.

3. Рамазон ойида рўза тутиш.

4. Дин бўйича бой ҳисобланган кишилар йилда бир марта молининг закотини бериш.

5. Соғ бўлса, пули етса, умрида бир марта ҳаж ибодатини амалга ошириш.

Юқорида қайд этилган амаллардан келиб чиқадиган бўлсак, Исломнинг асосий амалларидан тўртинчиси закот беришга тўғри келмоқда. Закот дегани, динда бой ҳисобланган эркак, аёл, ҳар мусулмон ўз молининг қирқдан бир қисмини йилда бир марта фақирларга бериши фарздир. Мазкур таърифга назар ташлайдиган бўлсак, фақат бой одам закот бериши фарз ва бурч экан. Бой сўзи нисбий хусусиятга эга бўлиб, қандай фуқароларни бой дейиш мумкин деган савол туғилиши табиий. Ислом динида бой ҳисобланган кишиларни белгилаб берувчи мезонлар ҳам ўз вақтида ишлаб чиқилган бўлиб, уни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Олтин, кумуш ёки уларга тенг қийматда бўлган мол-мулк учун закот бериш ҳисоби.

2. Чорва моллари бўйича закот бериш ҳисоби.

Олтин, кумуш ёки уларга тенг қийматда бўлган мол-мулк учун закот бериш ҳисобини амалга оширишда қуйидаги талабларга жавоб бериш лозим:

- қарзи ва кундалик овқатидан ташқари 80,18 грамм олтини (бу олтин пул, қуйма, зийнат ёки идиш-товоқ шаклида бўлиши мумкин);

- ёки 561 грамм кумуши (бу кумуш пул, қуйма, зийнат ёки идиш-товоқ шаклида бўлиши мумкин);

- 80,18 грамм олтин қиймати пули бўлган, 561 грамм кумуш қийматига эга бўлган ёки 80,18 грамм олтин ёки 561 грамм кумуш миқдорида тижорат моли бўлса.

Мана шу қийматга етарли олтин, кумуш ва бошқа моли бўлган киши Ислом динида бой ҳисобланади. Кумуш ёки олтин бошқа маъданлар билан аралаш бўлса-ю, таркибидаги кумуш ёки олтин бошқа маъданлардан ортиқ бўлса, аралашма соф кумуш ёки олтин саналади ва закот берилади.

Чорва моллари бўйича закот бериш ҳисоби:

Қарз ва кундалик овқатидан ташқари чорва моллари-ни кўпайтириш, сут олиш учун йилнинг узоқ вақти давомида яйловда бўлган:

Қўй ва эчки учун закот бериш ҳисоби:

- 40 дан 120 гача, бир қўй ёки эчки ёхуд унинг бадали берилади;
- 121 дан 200 гача, икки қўй ёки эчки;
- 201 дан 399 гача, уч қўй ёки эчки;
- 400 гача, тўрт қўй ёки эчки.

Бундан ортиқ ҳар 100 қўй ёки эчкига, бир қўй ёки эчки берилади. Яъни 500 га 5, 600 га 6, 700 га 7 ва ...

Қорамол учун закот ҳисоби:

- ўттиз бош қорамол учун 1 та бузоқ;
- 31 дан 39 гача, бир ёшдаги бир эркак ёки урғочи тана;
- 40 дан 59 гача, икки ёшдаги бир эркак ёки урғочи тана;
- 60 дан 69 гача, бир ёшдаги икки эркак ёки урғочи тана;
- 70 дан 79 гача бири бир ёшга, иккинчиси икки ёшга тўлган икки тана;
- 80 дан 89 гача, икки ёшдаги икки урғочи тана;
- 90 дан 99 гача, бир ёшдаги уч тана;
- 100 дан 119 гача, бир ёшдаги икки ва икки ёшдаги бир тана (ҳаммаси уч тана);
- 120 га бир ёшдаги тўрт ёки икки ёшдаги уч тана (буни закот берувчининг ўзи ҳал қилади).

Бундан ортиқ ҳар 30 тага бир ёшдаги ёки ҳар 40 тага икки ёшдаги бир эркак ёки урғочи тана закот қилинади.

Туялар учун закот ҳисоби:

Динда беш туяси бўлган кишилар ҳам бой ҳисобланади.

- 5 дан 9 гача, бир қўй ёки эчки;
- 10 дан 14 гача, икки қўй ёки эчки;
- 15 дан 19 гача, уч қўй ёки эчки;

- 20 дан 24 гача, тўрт қўй ёки эчки;
- 25 дан 35 гача, икки ёшдаги бир урғочи туя;
- 36 дан 60 гача, уч ёшдаги бир урғочи туя;
- 61 дан 75 гача, тўрт ёшдаги бир урғочи туя;
- 76 дан 90 гача, уч ёшдаги икки урғочи туя;
- 91 дан 120 гача, тўрт ёшдаги икки урғочи туя;
- 121 дан 144 гача, тўрт ёшдаги икки урғочи туя билан бир қаторда ҳар беш туя учун ҳам бир қўй ёки эчки берилади;
- 145 дан 149 гача, тўрт ёшдаги икки ва икки ёшдаги бир урғочи туя.

Ислом динида закот берилмайдиган моллар таркиби ҳам аниқ қилиб белгилаб қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

√ закот олинадиган миқдорда олтини, кумуши ёки бу қийматда танг пули, мулки ёки чорваси бўлса-ю лекин орадан бир йил ўтмаса закот берилмайди;

√ юқорида санаб ўтилган закот бериладиган миқдордан кам олтин, кумуш, пул, ёки чорвадан закот берилмайди;

√ аёллар зийнат учун ишлатадиган олмос, инжу, зумрад ёки буларга ўхшаш жавоҳирлардан ҳам закот берилмайди;

√ уй, хонадон, боғ, дўкон, идора, ҳаммом, меҳмонхона каби мулкларнинг закоти йўқ (Улардан тушган даромад закот берадиган миқдорда бўлса йил охирида закот белгиланган тартибда берилади);

√ уй жиҳозлари, мебель, кўрпа-тўшакдан закот берилмайди;

√ закот тўлайдиган миқдорда моли бўлиб, шу моли миқдорида қарзи бўлган киши закот бермайди (Барча қарздан ортган моли закот бериш миқдорида бўлса ҳам);

√ фойдаланаётган ҳайвон, автомобиль, кема, ўчоқ ва ҳар турли қуроллар учун закот берилмайди;

√ камбағал қарздорга берилган қарз закот учун ҳисобга ўтмайди.

Одатда, кимларга закот берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади? Закот бериладиган миқдорда моли, пули бўлмаган камбағал ва қашшоқ кишиларга, ҳеч қандай моли, мулки, пули бўлмаган йўқсилларга. Исрофгарчиликка йўл қўймайдиган қарздорларга. Сафарда пулсиз қолган йўловчилар, камбағал аскарлар, етимесирлар ва муҳожирларга берилади.

Ислом динида кимларга закот берилмайди:

- ота, она, буви ва буваларга: ўғил, қиз ва невараларга;
- эр ва хотин бири иккинчисига;
- закот бериши керак бўлган кишиларга;
- мусулмон бўлмаган фақирларга;
- жоме, масжид, ҳовуз кабиларни қуриш ва таъмирлаш учун закот берилмайди.

Ислом динида закот беришни ният қилганлар қуйидаги навбатга риоя қилиши савоб ҳисобланади:

1. Олдин яқинлик даражасига қараб қариндошларга.
2. Қўшниларга, маҳалла, шаҳар қамбағаллари ва қашшоқларига.
3. Ўз ватани камбағалларига.
4. Бегона юртларнинг мусулмон камбағалларига.

Ислом динида закот бериш билан бирга, динда бой ҳисобланадиган ҳар бир мусулмон фақирларга 1460 грамм буғдой ёки 2920 грамм арпа, майиз, хурмо ёки уларнинг ўрнини қоплайдиган пул бериши вожиб бўлиб, буни **фитр садақаси** дейилади. Фитр садақаси камбағал мусулмонларга берилади. Ёш болаларникини бой бўлган ота-онаси беради. Мусулмон бўлмаган фақирга, онага, отага, бувига, фарзандларга, набираларга фитр садақаси берилмайди. Фитр садақасини байрам номозидан олдин бериш савобли ҳисобланади.

Бойлар қуйидаги тартибга мувофиқ, молларининг закотини тўлиқ берсалар. Оллоҳнинг амрини адо этиб, буюк савобга эришадилар. Бу билан атрофда яшаган инсонларнинг ҳурмат ва севгисига сазовор бўладилар. Шунингдек, закот ва садақа камбағаллар билан бойлар орасида норозиликни йўқотади. Жамиятда ҳурмат ва севги туйғуларини юзага келтиради. Жони каби эъзозланган бойлигини фақир қариндошларига севиб-севиб берган бой ҳам Оллоҳнинг, ҳам мусулмон қариндошларининг розилигини қозонган бахтиёр ва маъсуд инсонлар ҳисобланади.

Хулоса қиладиган бўлсак, дунёвий давлатлардаги солиқлар закот нуқтаи назаридан жорий этилган. Бизнингча, солиқ ва закот ўртасида бир неча уйғунликлар билан бирга, маълум бир тафовутлар ҳам мавжуд экан. Бизнинг фикримизча, уйғунликларга қуйидаги хусусиятларни киритиш мумкин:

- иккала тўловнинг ҳам олиниш манбаи турли хил кўринишдаги даромад қиймати ҳисобланади;

- зотан муддатлар ўртасида бир неча тафовутлар бўлса-да, яъни солиқларни тўлаш муддати 1 ойда, чоракда бир йилда икки маротаба, закотда эса бир йилда бир маротаба белгиланган. Ушбу ўринда қайд этиш жоизки, уларнинг ҳар иккиси ҳам маълум умумий муддат орасида тўланади;

- иккаласидан ҳам шаклланган маблағ ижтимоий хусусият касб этадиган тадбирларга йўналтирилади.

Мазкур мавзуни ўрганиш натижасида шундай хулоса қилиш мумкинки, демак солиқлар ва закот ўртасида қуйидаги тафовутлар мавжуд:

- закот олиш турлари солиқларникига нисбатан бир неча баробар кам;

- закотни бермасликдан ҳеч қандай моддий ёки жиноий жавобгарликка тортиш кўзда тутилмаган;

- закот камбағал, фақирларга берилса, солиқ жамият ва давлат зарурати учун олинади;

- закотни бериш фақатгина бой фуқароларга фарз ва бурч ҳисобланган;

- закот миқдорини ундириш механизми кетма-кетлик тарзида ташкил этилган бўлиб, закот берувчининг бойлиги ошган сайин, закот миқдори нисбатан пасайиб борган. Бу, ўз навбатида, фуқарода бойлик орттириш иштиёқини янада жонлантиришга асос бўлган;

- кундалик эҳтиёж моллари закот бериш объектига қўшилмаган;

- ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш, ставкаларни белгилашда жуда катта тафовутлар намоён бўлди ва ҳ.к.

Умуман олганда ҳозирги кунга келиб, Ислом динидаги бой кишилари закот бериши механизмини янада чуқур ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ этишни талаб этилади. Шундай бўлса-да, закотнинг мавжуд ижобий ҳусусиятларини инобатга олиб, бугунги кунда мамлакат миллий иқтисодиётига солиқларни жорий этишда эътиборга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

XII. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом

12.1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Низом «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2000 йил 13 мартдаги 87-сон қарори ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқ ҳақидаги қонун хужжатларига риоя қилинишини таъминлаш, давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга оширувчи давлат солиқ хизматининг Марказий органи ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун хужжатлари ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан унинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган норматив тусдаги қарорлари давлат бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

5. Давлат солиқ қўмитасининг тузилмасига қуйидагилар киради:

- Назорат-тафтиш бош бошқармаси;
- Режим ва Кадрлар бош бошқармаси;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари;
- туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туман давлат солиқ инспекциялари;
- Давлат солиқ қўмитасининг махсус ўқув юртлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унга қарашли муассасалар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органларида хизматни ўташ тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

12.2. ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

7. Қуйидагилар Давлат солиқ қўмитасининг вазифалари ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчилардан солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар (кейинги ўринларда солиқлар деб юритилади) ундириш йўли билан давлат бюджетига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига даромадлар тўлиқ ҳажмда тушишини таъминлаш;

- солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳақидаги қонунларга риоя этилиши, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

- солиқ солиш субъектлари ва объектлари тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш, солиқ тўловчиларни тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобга олиш механизмини такомиллаштириш;

- солиқ солиш базасини кенгайтириш, солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш бўйича комплекс тадбирлар ўтказиш йўли билан солиқлар йиғилишини кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари томонидан белгиланадиган солиқ сиёсатини амалга оширишда бевосита қатнашиш;

- солиқ ҳақидаги қонун хужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқлар бўйича мажбуриятларни бажаришда солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш;

- солиқ тўловчилар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилган ва амалда тушган солиқларнинг ҳисобини маълумотларнинг ягона компьютер тизимида юритиш, Солиқ тўловчиларнинг ягона реестрини юритиш;

- солиқ органларида кадрларни танлаш, уларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш.

12.3. ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

8. Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юкланган функциялар қуйидагилардан иборат:

8.1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчилардан солиқлар, йиғим ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш йўли билан давлат бюджетига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига даромадлар тўлиқ ҳажмда тушишини таъминлайди.

8.2. Солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳақидаги қонун хужжатларига риоя этилиши, солиқлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида:

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқ ҳақидаги қонунларга риоя этиш масалалари бўйича ҳужжатлар асосида ва назорат тартибида текширади;

- солиқ органлари томонидан Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ҳужжатлар асосида ва назорат тартибида текширишнинг белгиланган тартиби ва режасига риоя этилиши устидан назорат қилади;

– солиқ тўловчилардан тушунтиришлар қабул қилади, солиқ тўловчининг мол-мулки мавжудлигини текширади, шунингдек, солиқ тўловчи томонидан даромад олиш учун фойдаланиладиган ишлаб чиқариш, омборхона, савдо бинолари ва бошқа бинолар, ҳудудларни кўздан кечиради (текширади);.

– содир этилган операцияларнинг, ҳужжатларда кўрсатилган пул маблағлари ва моддий бойликларнинг олиниши ёки берилишининг ҳақиқийлигини, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш амалда бажарилганлигини текширади;

– хўжалик юритувчи субъектлар томонидан пул маблағлари ва моддий бойликларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибга риоя қилинишини, корхоналар ҳудудига моддий бойликларни олиб кириш ва олиб чиқишда корхоналарда рухсат бериш тизими ишининг ташкил этилиши ҳолатини текширади;

– ҳужжатлар асосида текшириш давомида ҳисобот маълумотларининг тўғрилигини солиқ органларига тақдим этилган ҳисоб-китобларни бузиб кўрсатувчи қўшиб ёзишлар ва ҳар хил хатоларни аниқлаш ва салбий ҳолатларни бартараф этиш учун бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларини счётлар бўйича текширади;

– солиқ ҳақидаги қонунлар бузилиши ҳолларини таҳлил қилади ва тегишли органларга солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади.

8.3. Солиқ солиш субъектлари ва объектлари тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш, солиқ тўловчиларни тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобга олиш механизмини такомиллаштириш учун:

– солиқ солиш субъектлари ва объектлари тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини, юридик ва жисмоний

шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига риоя этиши устидан назоратни таъминлайди;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларга уларга рўйхатдан ўтиш (идентификациялаш) рақамлари берилган ҳолда уларнинг солиқ тўловчилар сифатида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар берилишини ташкил этади;

- банк томонидан ҳисоб рақамлари ёпилиши тўғрисида ахборот тақдим этилган тақдирда олти ой мобайнида (савдо ва савдо воситачилик корхоналари учун - уч ой мобайнида) банк ҳисоб рақамлари бўйича пул операциялари ўтказган ҳолда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни аниқлайди.

8.4. Солиқ солиш базасини кенгайтириш, солиқлар йиғилишини кўпайтириш ва солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш, бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида:

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларини содир этган шахсларни қидиради, давлатга етказилган зарар белгиланган тартибда ундириб олинишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

- солиқлар, йиғимлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар ҳам Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар ундирилишини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар қўлланилишини ташкил этади ва амалга оширади;

- солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлашдан бўйин товлашини олдини олиш мақсадида нақд айланмага эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд пул айланишининг қонун ҳужжатларида белгиланган

тартиби бузилишини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш чора-тадбирларини ташкил этади ва амалга оширади;

- акциз солиғи солинадиган товарлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши билан боғлиқ ҳуқуқ бузилишларини белгиланган тартибда аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришни ташкил этади ва амалга оширади;

- ишлаб чиқариш ҳажмлари ва даромад яширилиши, сотилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмлари пасайтирилиши механизмини ўрганиш ва аниқлашни ташкил этади ҳамда амалга оширади;

- мусодара қилинган эгасиз мол-мулк, хазина, шунингдек, мерос ҳуқуқи бўйича давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтган молмулкнинг ҳисобга олиниши, баҳоланиши ва сотилиши устидан назоратни таъминлайди;

- тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришдан бўйин товлаши механизмини ўрганади ва аниқлайди;

- маъмурий ҳуқуқ бузилишлари бўйича ишларни юритади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ суриштирув олиб боради, жиноий ишлар қўзғайди ва уларни терговга тегишлилиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига беради;

- солиқ соҳасида жиноят содир этилиши ҳолатларини аниқлаш, суриштирув, тергов ва суддан яшириниб юрган шахсларни қидириш учун оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланади.

8.5. Ягона умумдавлат солиқ сиёсатини амалга ошириш мақсадида:

- давлат бюджетига солиқлар тушуми прогнозини ишлаб чиқишда қатнашади;

- солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича услубий ва методологик ишларни олиб боради;

- Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа вазирликлари ва идоралари билан биргаликда солиқ ҳақидаги қонунларни ва бошқа қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бажарилиши мажбурий бўлган йўриқномалар ва бошқа норматив ҳужжатларни Адлия вазирлигида тегишли равишда рўйхатдан ўтказилганидан кейин белгиланган тартибда чиқаради;

- солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар ва ҳисоботлар, декларациялар ва бошқа ҳужжатлар шаклларини белгиланган тартибда ишлаб чиқади;

- солиқ ҳақидаги қонунлар бўйича норматив ҳужжатлар тўпламларини нашр этади, ўзига қарашли органларни қонун ҳужжатлари ва йўриқнома материаллар, солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш шакллари билан таъминлаш чора-тадбирларини кўради.

8.6. Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқлар бўйича мажбуриятларни бажаришда солиқ тўловчиларга ёрдам бериш мақсадида:

- солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини нашр этиш, кўпайтириш ва ҳудудий солиқ органларига етказиш, маслаҳат ёрдамлари кўрсатиш, солиқ тўловчиларни солиқларни тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқишга, ҳисоботлар ва декларациялар тақдим этишга ўқитиш учун сервис-марказлар ташкил этади;

- солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиши масалалари бўйича норматив ҳужжатлар солиқ

тўловчиларга ўз вақтида етказилишини ташкил этади;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатлари ҳимояланишини таъминлайди;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ солиш ва солиқ ҳақидаги қонунлар бузилиши масалалари бўйича шикоятлари ва аризаларини белгиланган тартибда кўриб чиқади.

8.7. Солиқ тўловчилар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилган ва амалда тушган солиқларни тўлиқ ҳисобга олиш мақсадида солиқ тушумлари, барча солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлашнинг ягона компьютер тизимини ташкил этади ва ундан фойдаланади, солиқ ахборотининг пухта ишланиши, қабул қилинищи, берилиши ва сақланишининг қўш меҳнат талаб қиладиган жараёнларини автоматлаштириш чора-тадбирларини кўради. Солиқ тўловчилар - юридик ва жисмоний шахсларнинг ягона реестрини шакллантиради ва юритади.

8.8. Давлат солиқ хизмати органларини юқори малакали, ўз ишига содиқ ходимлар билан таъминлаш, кадрлар таркиби сифатини яхшилаш мақсадида:

- қўйилган талабларга мувофиқ кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш ишларини ташкил этади, шу жумладан, давлат солиқ хизматининг ҳудудий органларини ташкил этади;

- ихтисослаштирилган ўқув марказлари ташкил этиш, *шунингдек, давлат олий ўқув юртлари имкониятларидан* фойдаланиш йўли билан солиқ органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

- давлат солиқ хизмати, органлари, ходимларининг лавозимлари, малака тавсифномаларини ишлаб чиқа-

ди, раҳбарлар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказади, уларга белгиланган тартибда махсус унвонлар беради;

– кадрларни Ўзбекистон Республикасига содиқлик, ватанпарварлик, тўғрилик ва ҳуқуқий давлат ғоялари ва асосларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш юзасидан узлуксиз иш олиб боради, бунда замонавий шакллар ва усуллардан фойдаланади.

8.9. Ўз хавфсизлигини, режимни таъминлаш ва давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолларининг олдини олиш учун:

– солиқ органлари, мансабдор шахслари томонидан ғаразли мақсадларда солиқ тўловчиларга нисбатан ғайриқонуний таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолларни аниқлайди ва уларга барҳам беради;

– солиқ органларида коррупция ҳолларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда қатнашади;

– солиқ органларида коррупция ҳоллари тўғрисидаги ахборотни умумлаштиради ва таҳлил қилади, профилактика чора-тадбирларини амалга оширади;

– солиқ органлари тизимида коррупция ривожланишига олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўради;

– солиқ органлари ходимлари хизмат вазифаларини бажараётганда уларни ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

– давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ ҳақидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилади;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотларнинг сир сақланишига риоя этиш ишларини ташкил этади.

8.10. Давлат солиқ хизмати органларида назорат-тафтиш ишларини амалга ошириш мақсадида:

- икки йилда камида бир марта қуйи солиқ бошқармалари ва инспекцияларининг бюджет ва хўжалик фаолияти бўйича смета харажатлари ижроси бўйича тафтишни амалга оширади. Зарур бўлганда ва молия-хўжалик фаолиятида қонун бузилишларига йўл қўйиш ҳоллари тўғрисида ишончли ахборот мавжуд бўлган тақдирда режадан ташқари тафтишлар ўтказилиши мумкин;

- қуйи солиқ органлари томонидан, моддий ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари бажарилишини таъминлайди, хўжасизлик, исрофгарчилик, давлат маблағларини асоссиз равишда сарфлаш, смета интизомини бузиш ҳолларига барҳам беради;

- қуйи солиқ органларида тафтишлар давомида аниқланган нуқсонлар ва ҳуқуқ бузилишларни бартараф этиш, шунингдек, давлатга етказилган моддий зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўриш бўйича ишларни ташкил этади;

- давлат солиқ хизмати органларини ижтимоий ривожлантириш ва уларни моддий-техник таъминлаш махсус жамғармасидан фойдаланишнинг тўғрилигини назорат қилади.

12.4. ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

9.1. Давлат солиқ қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режага мувофиқ бошқа назорат қилувчи ва текширувчи органларни жалб қилган ҳолда мулкчиликнинг барча

шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини комплекс текшириш;

б) солиқ тўловчиларнинг молиявий ҳужжатларини, шартномалари (контрактлар), бизнес-режалари, сметаларини, даромадлар тўғрисидаги декларацияларини ва солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларини, шунингдек, экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳужжатларини ҳужжатлар асосида текшириш (шу жумладан, солиқ тўловчи билан боғлиқ субъектларни муқобил текшириш), текшириш чоғида пайдо бўлган масалалар бўйича зарур тушунтиришлар, маълумотномалар ва маълумотлар олиш;

- юридик ва жисмоний шахслардан солиқ тўловчиларнинг фаолиятига тегишли маълумотлар, маълумотномалар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш;

г) қонунда белгиланган тартибда:

- солиқ ҳақидаги қонун бузилишларига йўл қўяётган юридик ва жисмоний шахслардан даромад (фойда) ва солиқ солишнинг бошқа объектлари яширилишидан далолат берувчи ҳужжатларни, шунингдек, ҳуқуқни бузиш буюмларини олиб қўйиш;

- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузаётган жисмоний шахслардан лицензиялар, патентлар ёки рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаларини олиб қўйиш, қонун бузишлари тўғрисидаги материалларни кейинчалик кўрсатиб ўтилган фаолият билан шуғулланишга рухсат берган органларга тегишли қарор қабул қилиш учун бериш;

д) касса ва товар-моддий бойликлар сақланадиган жойларни қонунда белгиланган тартибда муҳрлаб қўйиш, товарлар, буюмлар, хом ашё, материаллар ва ярим тайёр фабрикатлар намуналарини, шунингдек, ҳужжатларни олиб қўйиш ва уларни таҳлил, тадқиқ қилиш ва экспертизалар ўтказиш учун юбориш;

е) савдо, товарлар бериш ва хизматлар кўрсатиш, акциз солиғи солинадиган алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотиш ва маркалаш коидаларига риоя қилинишини текшириш, нақд пул маблағлари тўлиқ кирим қилинишини, назорат-касса аппаратларини қўллаш бўйича қонун хужжатларига риоя қилинишини назорат қилиш;

ж) юридик шахслар (шу жумладан, алоҳида режимда, ишлайдиган корхоналарнинг ва жисмоний шахсларнинг даромад (фойда) кўриш учун фойдаланиладиган ёхуд солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ ишлаб чиқариш, омборхона, савдо бинолари ва бошқа жойлари ҳамда ўринларини, улар жойлашган жойидан қатъи назар, текшириш, бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни назорат тартибида ўлчаш ва товар-моддий бойликларини хатлаш;

з) аниқланган солиқ ҳақидаги қонунлар бузилишининг бартараф этилишини юридик ва жисмоний шахслардан талаб қилиш;

и) юридик шахсларнинг, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жисмоний шахсларнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит ташкилотларидаги ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа ҳисоб рақамлари бўйича операцияларини, улар даромад (фойда) кўриш учун фойдаланиладиган жойлар ва ўринларни ёхуд солиқ солиш объектларини текшириш учун давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари ҳужжатлар асосида счётлар бўйича текширин ўтказиши ёки киришига тўсқинлик қилган давлат солиқ хизмати органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига молиявий ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни тақдим этмаган (ёки тақдим этишни рад этган) тақдирда, тўхтатиб қўйиш;

к) қонунда белгиланган тартибда:

- солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга молиявий жазо чораларини қўллаш;

- маъмурий ҳуқуқ бузилишлари тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазолар қўллаш;

л) солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларининг аниқланган ҳоллари бўйича товар-моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда мусодара қилиш;

м) қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар бўйича вақтида тўланмаган тўловларни, шунингдек, жарималар суммаларини сўзсиз ундириб олиш;

н) юридик ва жисмоний шахслар томонидан ғайриқонуний олинган маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисида уларга нисбатан судга даъволар бериш;

о) солиқ ҳақидаги қонун бузилишлари ҳолларини, шунингдек, улар содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларини содир этган шахсларни қидириш;

- давлатга етказилган зарарни қонунда белгиланган тартибда қоплаш чора-тадбирларини кўриш;

- жиноий ишларни қўзғаш ва уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ терговга тегишлилиги бўйича бериш;

- мазкур бўлимнинг 9.1-бандининг «а»-«з» кичик бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар белгиланган ваколатлар доирасида давлат солиқ хизмати органларининг барча мансабдор шахсларига берилади;

– 9.1-бандниng «и» «о» кичик бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар давлат солиқ хизмати органлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларига берилади.

Давлат солиқ хизмати органлари давлат статистика, ахборот, архив, маълумотнома ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар томонидан солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар бериш юзасидан кўрсатилган хизматлар (ишлар) учун ҳақ тўлашдан озод қилинади.

12.5. ЖАВОБГАРЛИК

10. Давлат солиқ қўмитасининг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда:

– ўзининг функционал вазифаларини бажармаганлиги ёхуд зарур даражада бажармаганлиги, ижро интизомини бузганлиги;

– мазкур Низом ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаганлиги;

– ноқонуний хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаролар, корхоналар, муассаса ва ташкилотларга моддий ва маънавий зарар етказганлиги;

– ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларини пасайтирганлиги ва солиқ солиш базасини камайтирганлиги учун;

– Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарорлар қабул қилганлиги;

– ҳуқуқни бошқача тарзда бузганлиги учун жавоб беради.

11. Солиқ назоратини амалга оширишда солиқ органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли етказилган зарарлар қонунда белгиланган тартибда қопланиши керак.

12. Текширилган солиқ даври учун солиқ тўловчи томонидан тўланиши керак бўлган ёки тўланган айни бир хил солиқлар бўйича такроран жойнинг ўзига бориб солиқларни ҳужжатлар асосида текшириш тайинланади.

13. Жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган давлат солиқ органлари мансабдор шаклларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан қонунда белгиланган тартибда юқори турувчи солиқ органларига ёхуд бевосита судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

14. Давлат солиқ органлари ходимлари томонидан хизмат ваколатларининг ошириб юборилиши, шунингдек, уларга юкланган функционал вазифаларнинг бажарилмаслиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка олиб келади.

12.6. МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

15. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг иш ҳақи лавозим маошидан, махсус унвонлар, кўп йиллик хизмати учун устамалардан, бошқа қўшимча ҳақлардан иборат бўлиб, у ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

16. Назорат-тафтиш бош бошқармасининг мансабдор шахсларига республика бюджети ҳисобидан улар лавозим маошининг 20 фоизи миқдорида махсус устамалар белгиланади.

17. Қуйидагилар давлат солиқ хизмати органлари ходимларини раҳбатлантиришнинг асосий турлари ҳисобланади:

- бюджетга тўловлар тушуми прогнозининг бажарилганлиги ҳатто ортиғи билан бажарилганлиги ва вақ-

тида тўланмаган тўловлар даражаси пасайганлиги учун ой, чорак, ярим йиллик иш якунлари бўйича мукофотлаш алоҳида муҳим топшириқлар бажарилганлиги учун якка тартибда мукофотлаш;

- ходимларнинг лавозим маошига иш участкасининг мураккаблиги ва муҳимлиги ва меҳнатда юксак натижаларга эришганлиги учун устамалар тўлаш;

- хизмат вазифаларини бажариш чоғида алоҳида хизматлари учун ва пенсияга чиқиши муносабати билан қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаш;

- лавозимларни қўшиб олиб борганлиги учун қўшимча ҳақ тўлаш.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда республика бюджети ва маҳаллий бюджетларга тўловлар тушишини рағбатлантириш чоралари тўғрисида» 1998 йил 4 февралдаги ПФ-1923-сон Фармонига қисман ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1998 йил 30 июлдаги ПФ-2062-сон Фармонига мувофиқ республика минтақаларида манбалар ва бюджетга тўловлар бўйича вақтида тўланмаган тўловлар миқдорлари камайтирилиши бўйича бюджетга даромад тушуми прогнозлари сифатли бажарилганлиги учун рағбатлантириш ва моддий жавобгарлик тизими йилнинг чораги учун Давлат солиқ қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарларига, Қорақалпоғистон Республикаси, Вилоятлар, шаҳар ва туманлар солиқ хизмати органлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларига Ҳукумат комиссиясининг қарори асосида белгиланади. Мукофотлар лавозим маошининг 150 фоизигача миқдорда тўланади.

19. Республика солиқ органлари бош бошқармалари, бошқармалари, бўлимлари, шўъбалари ходимларини бир ойдаги иш якунлари бўйича мукофотлаш, уларга бириктирилган солиқлар манбалари бўйича бюд-

жетга солиқ тўловлари тушуми прогнози, бюджетга бошқа тўловлар бажарилганлиги ва ортиғи билан бажарилганлиги учун, вақтида тўланмаган тўловлар даражаси пасайганлиги учун ва улар фаолиятини тавсифловчи бошқа асосий кўрсаткичлар учун солиқ органларининг тегишли раҳбарлари қарорлари билан амалга оширилади.

20. Бюджет маблағлари ҳисобига шакллантириладиган меҳатга ҳақ тўлаш фонди маблағлари, шунингдек, Давлат солиқ хизмати органларини ижтимоий ривожлантириш ва уларни моддий-техник таъминлаш махсус жамғармасида солиқ органлари ходимларини мукофотлаш учун сметада назарда тутилган маблағлар солиқ органлари ходимларига мукофотлар тўлаш манбаи ҳисобланади.

12.7. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган раис бошчилик қилади.

22. Давлат солиқ қўмитасининг раиси Давлат солиқ қўмитасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун жавоб беради, ўз ўринбосарларининг, Қўмитанинг мустақил таркибий бўлинмалари, бўйсунувчи давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларининг жавобгарлик даражасини белгилайди.

23. Давлат солиқ қўмитасининг раиси:

- Давлат солиқ қўмитасининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

– белгиланган ваколатлар доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ва уларни бажариш юзасидан буйруқлар, йўриқномалар, қоидалар, низомлар чиқаради ва ўзига қарашли барча органлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

– Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва ходимлар сони лимити доирасида ҳудудий солиқ бошқармалари учун ходимлар сони лимитларини тақсимлайди ва тасдиқлайди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди, Давлат солиқ қўмитаси Марказий аппарати бўйича штатларни тасдиқлайди;

– ходимларнинг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Давлат солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга бўлади;

– давлат солиқ хизмати ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

– алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни фахрий унвонларга ва республика давлат мукофотларига белгиланган тартибда тақдим этади, давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган махсус унвонларни беради;

– Ўзбекистон Республикаси давлат органлари, муассасалари ва ташкилотларида, шунингдек, бошқа давлатларнинг солиқ органлари билан муносабатларда давлат солиқ хизматини ифодалайди.

24. Давлат солиқ қўмитаси раиси унга берилган ваколатлар доирасида бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

25. Давлат солиқ хизматининг мансабдор шахслари узоқ вақт ва бенуқсон хизмат қилганликлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотланиши мумкин.

26.Давлат солиқ қўмитасида солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг мураккаб ва мунозарали масалалари бўйича қарорлар тайёрлаш учун Эксперт Кенгаши тузилади. Эксперт кенгаши тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Эксперт кенгашига Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари раҳбарлик қилади.

27. Давлат солиқ қўмитасида ва давлат солиқ хизматининг унга қарашли органларида давлат солиқ хизмати органларини ижтимоий ривожлантириш ва уларни моддий-техник таъминлаш махсус жамғармаси ташкил этилади. Давлат солиқ хизмати органларини ижтимоий ривожлантириш ва уларни моддий-техник таъминлаш махсус жамғармаси тўғрисидаги низом Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

28. Давлат солиқ қўмитаси илмий тадқиқотлар, Кадрлар тайёрлаш ва солиқ хизмати ходимлари малакасини ошириш учун идоравий илмий ва ўқув марказлари ташкил этиши, ноширлик фаолиятини амалга ошириши, шунингдек, хўжалик ҳисобидаги маслаҳат ва ахборот марказлари ташкил этиши мумкин.

29. Давлат солиқ қўмитасига аҳоли ўртасида тушунтириш ва профилактика ишларини амалга ошириш учун ўзининг босма органларини таъсис этиш ва нашр қилиш ҳуқуқи берилган.

30. Давлат солиқ қўмитасида зарурият бўлганда ажратилган бюджет маблағлари лимити ва Давлат солиқ органларини ижтимоий ривожлантириш ва уларни моддий-техник таъминлаш жамғармаси маблағлари доирасида белгиланган тартибда солиқ органлари маъмурий биноларини кўриш бўйича буюртмачи ташкилот, автотранспорт, ахборот-ҳисоблаш бўлинмалари ҳамда давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа бўлинмалар ташкил этилиши мумкин.

12.8. ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲАЙЪАТИ

31. Давлат солиқ қўмитасида 11 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Раис, лавозими бўйича раиснинг биринчи ўринбосари ва раис ўринбосарлари, шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси раисининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган бошқа раҳбар ходимлар ҳайъат аъзолари ҳисобланади.

32. Давлат солиқ қўмитаси Ҳайъати солиқ ҳақидаги қонунларга риоя этиш ҳолатининг, солиқ хизмати фаолиятининг энг муҳим масалаларини, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг буйруқлари ва фармойишлари бажарилишини, Кадрлар масалаларини кўриб чиқади, давлат солиқ хизмати органларининг ўзига бўйсунувчи ходимлари ҳисоботларини эшитади.

33. Ҳайъат мажлисларида вазирликлар, идоралар, давлат бошқаруви, назорат ва текшириш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг солиқ ҳақидаги қонун хужжатларига риоя этилиши масалалари бўйича ахборотлари ва тушунтиришлари эшитилиши мумкин.

34. Ҳайъат қарорлари Давлат солиқ қўмитаси раисининг тегишли қарорлари ва буйруқлари билан ҳаётга татбиқ этилади.

12.9. ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАЛАРИ ВА СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯЛАРИ

35. Қорақалпоғистон Республикаси, Вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларига ва давлат солиқ инспекцияларига тегишли равишда Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан тайинланадиган бошлиқлар бошчилик қилади.

36. Ҳудудий солиқ бошқармалари ва солиқ инспекциялари бошлиқлари тегишли ҳудудларда уларга юкланган вазифалар амалга оширилишини таъминлайди, ўзларига бўйсунувчи бўлинмалар фаолиятини ташкил этади, мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

37. Солиқ бошқармалари ва инспекцияларининг штат жадваллари Солиқ бошқармаси бошлиғи томонидан Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди лимити доирасида тасдиқланади.

38. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларида Кенгаш ташкил этилади. Кенгашнинг шахсий таркиби тегишли бошқарма бошлиғининг тақдимномасига кўра Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади.

39. Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг энг мураккаб ва мунозарали масалалари бўйича қарорлар тайёрлаш, юқори малакали маслаҳатлар бериш учун давлат солиқ бошқармаларида Маслаҳат-эксперт Кенгаши ташкил этилади.

40. Ҳудудий солиқ бошқармалари тўғрисидаги низом Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан, солиқ инспекциялари тўғрисидаги низом эса - Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан тасдиқланадиган Давлат солиқ инспекцияси тўғрисидаги намунавий низом асосида ҳудудий солиқ бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

Иловалар

1-илова

2005 молия йили учун Республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харажатлари ҳамда дотация ва мақсадли субвенцияларнинг ҳажми (млн. сўм)

Ҳудудлар номи	Даромад-лар	Харажат-лар	Ижтимоий нафақаларни молиялаш-тиришга субвенция	Дотация
Қорақалпоғистон Республикаси	48405,162	117761,905	27943,981	41412,762
Андижон вилояти	86646,707	150453,676	35060,200	28746,769
Бухоро вилояти	101688,943	101688,943	-	-
Жиззах вилояти	28445,775	74235,891	19023,042	26767,074
Қашқадарё вилояти	158694,002	158694,002	-	-
Навоий вилояти	68222,287	68222,287	-	-
Наманган вилояти	71410,159	140907,946	36341,312	33156,475
Самарқанд вилояти	103115,710	191588,856	88473,146	-
Сурхондарё вилояти	71380,963	136112,218	37688,931	27042,324
Сирдарё вилояти	47030,466	55655,723	8625,257	-
Тошкент вилояти	157204,664	157204,664	-	-
Фарғона вилояти	188393,324	188393,324	-	-
Хоразм вилояти	62632,067	98335,899	23375,342	27042,324
Тошкент шаҳри	196562,580	196562,580		
Жами	89832,809	1835867,914	276631,211	169503,894

2-илова

2005 молия йил учун Қорақалпогистон Республикаси, вилоят маҳаллий бюджетлари ва Тошкент шаҳри бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратма МЕЪЁРЛАРИ (фоизда)

Ҳудудлар номи	Корхона даромади (фойдаси)га солиқ	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромадига солиқ	Қўшилган қиймат солиги	Жисмоний шахслар даромадига солиқ	Акциз солиги		Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	Микрофирма ва ничик корхоналарга ягона солиқ	Ягона ер солиқи
					Бензин	Дизель ёқилгиси			
Қоракалпоғистон Республикаси	100	100	100	100	-	-	-	100	85,5
Андижон вилояти	100	100	100	100				100	71,0
Бухоро вилояти	39	39	39	50	30	30	-	100	71,0
Жиззах вилояти	100	100	100	100	-	-	-	100	71,0
Қашқадаре вилояти	100	100	100	100	-	-	25	100	71,0
Навоий вилояти	13	13	13	50	-	-	-	100	71,0
Наманган вилояти	100	100	100	100	-			100	71,0
Самарканд вилояти	100	100	100	100	-	-	-	100	71,0
Сурхондарё вилояти	100	100	100	100	-	-	-	100	71,0
Сирдарё вилояти	100	100	100	100	-	-	-	100	71,0
Тошкент вилояти	13	13	13	50	-	-	-	100	71,0
Фарғона вилояти	100	100	100	100	47	47	-	100	71,0
Хоразм вилояти	100	100	100	100	-	-	-	100	85,5
Тошкент шахри	5	5	5	10	-	-	-	18	-
Жами									

3-илова

Қўшилган қиймат солиғини давлат бюджетига тўловчи субъектларнинг гуруҳлар бўйича тақсимланиши ҳақида маълумот



4-илова

2005 йилда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган акцизости товарларига нисбатан акциз солиғи ставкалари ҳақидаги маълумот

Т/р	Товарлар номи	2005 молия йили	
		Фоизда	Ўлчов бирлигига нисбатан сўмда
1	Арақ (1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун)	-	2660*
2	Коньяк ва Бальзам (1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун)	-	4000*
3	Сухое вино (1 литр тайёр маҳсулот учун)		273,9
4	Шампан виноси (1 шиша учун)		182,0
5	Этил спирти, шу жумладан "Ўзмевасабзавот-холдинг" компанияси ўз истеъмоли учун и/ч этил спиртининг 1л учун:		1410
6	Таркибга этил спиртининг ҳажми 10дан 30 фоизгача бўлган кучли узумли ва сабзавотли ичимликлар (1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун)		1312,5
7	Таркибга 10 фоизча спирт бўлган енгил алкоголь ичимликлари (1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун)		1860
8	Винематериаллари (1 литр тайёр маҳсулот): - оқ сухой; - қизил сухой; - кўплантирилган		 110 130 100
9	Пивонинг, таркибида спирт миқдорига қараб фоизда (1 литр маҳсулот учун): - 4,5%; - 4,5дан 6 фоизгача; - 6 фоиздан ортиғи учун		 80 100 170
10	- ўсимлик ёғи 1 тонна учун - истеъмол учун яроқсиз бўлган техник мой 1 тонна учун		495,000 329,000

11	Фильтерли сигаретлар: 1000 дона -юмшоқ филофда - қаттиқ филофда		 4175 5206
12	Сигаретлар		1476
13	Хўжалик совуни	20	-
14	Заргарлик ва олтин буюмлари	-	
15	Нахта толаси	-	
16	"ЎзДЭУ авто" автомобиллари	22,5**	
17	Кумушдан ясалган ошхона буюмлари	10**	
18	Нефть маҳсулотлари: - А72, А-76 - А-93, А-92, Аи-93, Аи-95 - дизель ёнилғиси - авиакеросин	 45 45 40 20	
19	Табиий газ (аҳолига сотилаётгани бундан мустасно)	19	
20	Нефть ва газ конденсати	-	
21	Гилам ва гилам маҳсулотлари	-	
22	Хрусталь маҳсулотлари, шу жумладан, хрусталдан ясалган қандиллар	5**	
23	Мебель (халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимига мўлжалланган мебеллар бундан мустасно)	5**	
24	Видео ва аудио техника	5**	

5-илова

2005 йилда Ўзбекистон Республикаси худудига юридик ва жисмоний шахслар импорт қилаётган айрим (жами 80дан ортиқ акцизости товарлари рўйхатга олинган)акцизости товарлари акциз солиги ставкаси ҳақидаги маълумот

Т/р	Акцизости товарларнинг номланиши	(Фоизда)
1	Ўсимлик ёғи	15
2	Гуруч	40
3	Остера увилдириғи	30
4	Қандолат маҳсулоти	30
5	Сақич	70
6	Ун ва крахмалдан қилинган маҳсулотлар	20
7	Табиий мис	10
8	Пиво	30* ёки 0,5 $ 1 литр учун
9	Коньяк	82* ёки 14,5 $ 1 литр учун
10	Арақ	85* ёки 3,5 $ 1 литр учун
11	Тамаки маҳсулотлари	50* ёки 1000 дона учун 7 $
12	Гиламлар	90
13	Нодир тош ва заргарлик буюмлар	90
14	Бижутерия (тақинчоқлар)	50
15	Енгил автомобилларнинг двигатель ҳажмига қараб:	1 куб.см. учун
	- 1000 куб.см.гача	2,4 $ см.3
	- 1300дан 1500 куб.см.гача	2,5 $ см.3
	- 1500дан 1800 куб.см.гача	2,6 $ см.3
	- 1800дан 3000 куб.см.гача	2,9 $ см.3
	- 3000 куб.см.дан юқорисига	2,1 $ см.3
	- РФ ишлаб чиқилган енгил автомобиллар	5
	-юқ ташувчи ва 10дан ортиқ йўловчиси бўлган автоуловлар	70

6-илова

Қуйида қайд этилган меъёрлар резидент ва норезидент жисмоний шахслар учун бирдай кучга эга

Т /р	Акцизости товарларининг таркиби	1 - шахс томонидан акциз солиғи тўламасдан товар олиб кириш меъёри
1.	Қаҳва	2 кг.
2.	Осетра увилдириғи	0,5 кг.
3.	Увилдриғнинг муқобил турлари	1 кг.
4.	Қандолат маҳсулотлари	5 кг.
5.	2 кгдан ортиқ қутили шоколад	5 кг.
6.	Галла, ун, крахмал унли крахмалдан тайёрланган маҳсулотлар	10 кг.
7.	Сабзавот, ёнғоқ ёки бошқа ўсимликлардан қайта ишланган маҳсулотлар	5 кг.
8.	Аралаш озуқа маҳсулотлари	2 кг.
9.	Пиво	2 литр
10.	Алкоголсиз ичимликлар, шарбатлар	2 литр
11.	Барча турдаги спиртли ичимликлар (пиводан ташқари)	2 литр
12.	Барча турдати тамаки маҳсулотлари	10 қути
13.	Бензин	40 литр
14.	Атир-упа(парфюмерия)	Ҳар бир туридан 2 тадан
15.	Автокосметика	Ҳар бир туридан 2 тадан
16.	Кир ювиш ва тозалаш воситалари	5 кг.
17.	Табиий ва сунъий чармдан тайёрланган кийим-кечаклар	Ҳар бир туридан 1та, аммо 3 тадан ошиб кетмаслиги лозим.

18.	Табиий чармдан тайёрланган устки кийимлар ва бош кийимлар	Ҳар бир туридан 1та, аммо 3 тадан ошиб кетмаслиги лозим.
19.	Гилам ва гилам маҳсулотлари	15 кв.м.
20.	Машина ва қўлда тўқилган трикотаж маҳсулотлари	Ҳар бир туридан битта
21.	Чойшаб	5 комплект
22.	Сопол идишлар	1 комп., аммо 24 тадан ошмаслиги лозим
23	Хрусталдан тайёрланган идиш-товоқлар	1 комп., аммо 12 донадан ошмаслиги лозим
24	Қимматбаҳо тош ва металдан тайёрланган зарғарлик буюмлари	Умумий оғирлиги 30 грамдан ошмаган 5 та тури
25	Бижутерия	0,5 кгдан ортиқ бўлмаслиги лозим
26	Ошхона атрибутлари (пичоқ, санчқи, қошиқ ва бошқалар).	1 комп., аммо, 24 донадан ошмаслиги лозим
27	Видео ва аудио аппаратура	Ҳар бир туридан 1 та, аммо 3 тадан ошиб кетмаслиги лозим
28	Барча турдаги соатлар	2 дона
29.	Қандиллар ва бошқа ёруғлик берувчи воситалар	2 дона


Солиққа тортилмайдиган ер майдонлари
● Умумий фойдаланишдаги қишлоқ аҳоли пунктлари.
● Ҳимоя мақсадида экилган ўрмон экинзорлари.
● Спорт иншоотлари, майдонлар, спорт майдончалари, бассейнлар ва бошқа соғломлаштириш жисмоний тарбия комплекслари.
● Янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилгача.
● Узумзорлар ва ниҳол боғлар билан банд бўлган ерлар, то ҳосилга киргунга қадар
● Янги экилган тут плантациялари 3 йилгача.

8-илова

2005 йилда Ягона ер солиғининг база ставкасини мувофиқлаштирувчи коэффицентлар

Кўрсаткичлар	Коэффицентлар
Сугориладиган ерлар	
Балл-бонитет 0-10	(База ставкаси)
11-20	1,50
21-30	2,25
31-40	3,29
41-50	4,67
51-60	6,54
61-70	9,00
71-80	11,68
81-90	14,55
91-100	17,50
Баҳоланмаган ерлар	4,67
Лалмикор ерлар	
Текистлик зонаси	(база ставкаси)
Текистлик-тепалик зона	1,19
Тоголди ва тог зонаси	1,67
Ўт-ўлан ва чорвачилик ерлари	
"Чўллар" зонаси	(база ставкаси)
"Адирлар" зонаси	1,51
"Тоғлар" зонаси	2,05

9-илова

ХХР давлат бюджетида солиқ тушумлари динамикаси ҳақида маълумот

Йил	Солиқ тушумининг умумий суммаси (трлн. юан)	Бюджет даромадида солиқ тушумининг салмоғи (%)	ЯИМда солиқ тушумининг улуши(%)
1960	**20.37**	**35.6**	**14.0**
1965	**20.43**	**43.2**	**11.9**
1970	**28.12**	**42.4**	**12.5**
1975	**40.28**	**49.4**	**13.4**
1980	**57.17**	**49.3**	**12.7**
1985	**204.08**	**101.8**	**22.8**
1990	**282.19**	**96.1**	**15.2**
1993	**425.53**	**97.8**	**12.3**
1995	**603.80**	**96.7**	**10.3**
1996	**690.98**	**93.3**	**10.2**
1997	**823.40**	**95.2**	**11.0**

Кўрсаткичлар	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.
I. Даромадлар, мақсадли жамгармаларсиз - жами	**1285400,0**	**1775858,8**	**2309000,0**	**2 621 300,0**	**3 310 854,0**
1. Бевосита солиқлар	**370300,0**	**457599,3**	**618000,0**	**714 088,0**	**865 830,2**
1.1. Юридик шахслар даромади (фойдаси)га солик	142000.0	164727.0	198300,0	257696.2	276323,4
1.2. Жисмоний шахслар даромадига солиқ	167500,0	212791,9	303000,0	334 203.4	465 641,1
1.3. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадига солиқ	29600,0	40550.3	46400,0	36 427,5	43 143,7
1.4. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ	31200.0	39536,1	70300,0	85 770,9	80 722,0
2. Билвосита солиқлар	**673300,0**	**1052021,0**	**1367500,0**	**1 532 944,1**	**1 627 909,5**
2.1. Қўшилган қиймат солиги	320700,0	508867,2	642700,0	604 270,0	748 938,2
2.2. Акциз солиги	319200.0	478515.0	610600,0	751 567.3	692 628,9
2.3. Божхона божи	18700,0	29855,9	44300,0	60 745,6	66 139,8

2.4. Жисмоний шахслардан ягона бож тўлови	14700.0	34782.9	30000	68 151.6	56 869,3
2.5. Жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари учун истеъмол килинадиган бензин, дизель ёкилғиси ва газ учун солик	-	20603,2	39900,0	48 209.6	63 333,3
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиги	**122300,0**	**166169,0**	**209100,0**	**260 100,13**	**629 770,4**
3.1. Мол-мулк солиғи	37100,0	55087.1	52500,0	74 316,7	109 064,8
3.2. Ер солиги	37400,0	45388,3	60500,0	76 166,9	87 411,9
3.3. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик	9500,0	15309,6	24300,0	43 295,1	333 867,7
3.4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик	5800,0	7133,3	8200,0	12 145.7	13 298,0
3.5. Экология солиғи	32500,0	43250.7	63600,0	54 176.0	86 128.0
4. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги	**22900,0**	**28370,5**	**45,700,0**	**45 734,2**	**52 169,4**
5. Бошка даромадлар	**96600,0**	**51095,8**	**68700**	**68 433,4**	**135 174,5**
II. Максадли жамгармаларнинг даромадлари (бюджетдан ташкари Пенсия жамгармаси, Йўл жамгармаси, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамгармаси, Давлат мулк кўмитасининг махсус хисобвараги)	**434316,3**	**630729,8**	**778328,1**	**936 386,9**	**1 274 001,1**
Жами даромадлар	**1719716,3**	**2406588,6**	**3087328,1**	**3 557 686,6**	**4 730 862,1**

Мундарижа

Кириш 3-5

I боб. Солиқларнинг моҳияти, туркумланиши ва таркибий элементлари 6-52

II боб. Корхоналар даромади(фойдаси)дан олинадиган солиқ 53-74

III боб. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ 75-88

IV боб. Савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларининг ялпи даромадидан олинадиган солиқ 89-98

V боб. Иқтисодиёт тармоқларида қўшилган қиймат солиғи 99-124

VI боб. Акциз солиғи 125-138

VII боб. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи 139-153

VIII боб. Қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчиларидан олинадиган Ягона ер солиғи 154-163

IX боб. Микрофирма ва кичик корхоналардан ундирилаётган ягона солиқ тўлови 164-181

X боб. Хитой Халқ Республикаси солиқ тизими 182-210

XI боб. Солиқлар ҳамда закот ўртасидаги уйғунлик ва тафовут 211-219

XII боб. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом 219-241

Иловалар 242-254

Низомиддин Ҳайдаров

Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари

(ўқув қўлланма)

Akademiya
Тошкент 2007

Муҳаррир М. Умирова
Мусаҳҳиҳ Г. Абдуллаева
Техник муҳаррир, бадиий муҳаррир Р.Султонов
Нашр учун масъул Д.Қобулова

Теришга берилди 23.12.06. Босишга рухсат этилди 10.12.07.
Бичими 84x1081/32. Офсет босма. Шартли босма табоғи 16,0.
Нашриёт ҳисоб табоғи 16,0.
Адади 500. Баҳоси шартнома асосида.

«Akadem-xizmat» босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45.

5500-00

65.9(2).
X 15

AKADEMIYA

ISBN 978-9943-3
9789943 30